



НАЗМ... ШЕЪР ЭМАСМИ

Ўспирин Алишер Навоий устози Саид Ардашерга ёзган шеърий мактубида беназир иктидордан ифтихорга тўлиб, ана шу иктидор имкониятлари юзага чиқишига монельлик қилаётган давр ва муҳитдан ўқиниб, қуйидаги мисраларни қоғозга муҳрлаган эди:

*...Агар хосса маъни, гар ихом эрур,
Анинг кунда юз ҳалвом байти эрур...*

Дарҳақиқат, вақт ҳаками ёш шоирнинг ушбу башоратомуз сўзларида муболаға бўлмаганлигини исботлайди. Улуғ шоир ва мутафаккирнинг лирик мероси асрлар синовидан ўтиб, ҳануз мумтоз шеърятимизнинг муаззам гултожи бўлиб асар мазмутига келаётган.

Албатта, ижодий сермахсулликни кўп ёзиш мусобақасидан фарқлай билиш керак. Соннинг кетидан қувиб, сифатни қурбон қилиш ижодкорга ҳеч қачон наф келтирмаган. Алишер Навоий ушбу ҳақиқатни умр бўйи хотирдан фаромуш этмади.

Айрим адабиётшунослар юқоридаги мисраларни фақатгина ўзига хос фахрия сифатида баҳолайдилар. Аммо ёш Навоий мазкур шеърий мактубни битганида ҳақиқатан ҳам халқ орасида эътироф этилган ижодкор эди. Иккинчидан, шоирнинг худди шу давр хотираларига бағишланган “Холоти Пахлавон Муҳаммад” асарида баён қилинишича, тўғрироғи, асар мазмунидан англашилишича, ўз даврининг нуктадон мунаққиди, ҳассос шоири бўлмиш Пахлавон Муҳаммад Навоийни Насимий сингари Румда, Лутфий каби Мовароуннаҳру Хуросонда донг таратган шоирлар каторида баҳолайди. Қолаверса, шоир билан болаликдан бирга ўсган, умр йўллари, тақдирлари узвий боғлиқ бўлган Хусайн Бойқаро ҳам кейинчалик ўзининг “Рисола” асарида юқоридаги фахрия айни ҳақиқат бўлиб чиққанлигини тан олади. Нуктадон шоир, нозикфаҳм адабиёт муҳби бўлмиш Хусайн Бойқародек киши ҳам Навоийни “сўз мулкининг сўҳибқирони” дея улуғлар экан, мазкур маҳр яъни бир вақтлар кўпчилик “лоф ва газоф” дея қабул қилганлигини хотирлайди. Алишер Навоийнинг туркий тилда “кўп ва хўб” ёзганлигини самимий эътироф этган Абдурахмон Жомий, кейинроқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шоир ижодида зўракилик йўқлигини, баднияти юксаклигини қайд этганлар.

Адабиёт тарихининг гувоҳлик беришича, ижодий сермахсуллик билан бадиий баркамоллик камдан кам ҳоллардагина рўёбга чиққан. 1486 йилда ёзиб тугалланган Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират-уш шуаро” асарида шоир Мавлоно Симий ҳақида сўз борар экан, унинг бир кеча-кундуз давомида уч минг байт назм тизиб, оққа кўчирганлигини айтилади. Ҳар бир шоирнинг фасоҳати, балогаси, услубий қирраларига муносабат билдириб ўтадиган тазкира муаллифи шоир Симийнинг фақат бир жиҳатига, у ҳам бўлса, ғайритабиий сермахсулликка диққатни қаратади, холос. Демак, Мавлоно Симий асарлари бадиий жиҳатдан бўшроқ бўлган, дейишга асос бор.

“Хазойин-ул маоний” ҳамда “Девони Фоний” Навоий лирик меросининг асосини ташкил этади. Аммо шоирнинг расмий девонларидан ўрин олмаган “Назм ул жавоҳир”, “Чиҳл ҳадис” “Фусули арбаа” сингари асарлари-чи? Илмий-филологик, тарихий, насрий асарлари таркибида келувчи шеърлари-чи?

Шоир ижодий кўламининг улуғворлигини яна бир бор кўз олдимизга келтириш учун ҳозирча узил-кесил текширилмаган қуйидаги фаразни ҳам олға суриш мумкин: “Хазойин-ул маоний” куллиётига тартиб

берилиши 1498 йилда ниҳоясига етганлиги инobatта олинса, шоир умрининг қолган йилларида ҳам шеърят билан муттасил шуғулланганлиги равшан. Аммо бошқа бир мулоҳаза ҳам туғилади: нима учун Навоийнинг ўзи айрим шеърий асарларини лирик меросига қўшмайди? Ахир шоир ҳатто “Хамса” таркибига кирган ҳар бир достони хотимасида мазкур асари неча минг байтдан ташкил топганини ҳам қайд этиб борган-ку!

Фикримизча, Алишер Навоий ҳам Фаробий сингари ўтмиш алломаларининг “шеър - солим завқ ифодаси, назм - вазн ва қофияли нутқ” қабилидаги қарашлари билан ҳамфикр бўлган. Масалан, шоирнинг ўзи “Сирож-ул муслимин” типидagi асарларини назм билан битганига қарамаздан, уларни лирик асарлари сирасига, айтайлик, «Хазойин-ул маоний» таркибига киритмаган. Чунки “Сирож-ул муслимин” ислом руқнларини “алға мақолат” қилиш учунгина назмга солинган рисоладир. Ислом асосларини назм йўли билан баён этиш уларнинг одамлар хотирасига тез ўрнашиши, кенг тарқалишига хизмат қилади, холос. Бундай типдаги асардан шоирнинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам завқ олишни эмас, наф кўришни назарда тутадилар. “Сирож-ул муслимин”ни шоир ўзининг “Насойим-ул муҳаббат” номли асарида Хожа Убайдуллоҳнинг илтимосига кўра “мусулмонлар маслаҳати” учун ёзганлигини қайд этган.

Ёки ўз “Ҳикмат”лари билан Шарқ оламида машҳур бўлган Хожа Аҳмад Яссавийни Алишер Навоий “Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур” дея улуғласа-да, унинг ижодий мероси, шеърий иктидори ҳақида ҳеч нарсга демайди. Бу масала кўпдан буён турли мунозараларга ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Бизнингча, Хожа Аҳмад Яссавий ўзининг тасаввуфий ғояларини эл-юрт орасида тезроқ ёйилиши ва кўнгилларга чуқурроқ ўрнашишини назарда тутиб, назмга мурожаат қилган. Мазкур ҳикматлар халқ тилига яқинлиги, оғзаки ижод намуналари билан ҳамоҳанглиги ва мурид-мухлисларнинг турли табақаларга мансублиги туфайли кенг тарқалган ва шу кунгача севиб ўқилади. Шу жиҳатдан турк олими Мустафо Эсоннинг “Мутассаввуф шоир учун шеър санъат унсури эмас, балки ғояни қаршидаги инсонга етказувчи бир воситадир” деган хулосасида жон бор.

Алишер Навоийнинг Аҳмад Югнакийга берган таърифи масалани янада оғоҳлаштиради: “...Анинг тили турк алфози била мавоиз ва насойихқа гўё эрмиш... Ҳикмат ва нукталари шоеъдур. Назм тариқи била айтур эрмиш...”

Ушбу таърифдан маълум бўлишича, Адиб Аҳмад бу ўринда шоир сифатида эмас, балки ҳикматларини, фойдали насихатларини “назм тариқи” билан, яъни шеърга солиб айтувчи донишманд сифатида намоён бўлади.

Шеър ва назмни фарқлаш, шеърни маълум талаблар ҳамда қоидалар асосида баҳолаш Навоий даври учун табиий ҳолга айланган эди. Ўша давр фарзанди бўлмиш Алишер Навоий, ўз навбатида, шеърий шаклда ёзилган ҳар қандай асар лирикага мансуб бўлавермаслигини. бундай ҳолда шеър муаллиф ички дунёсини ифода этишдан маҳрум бўлишини яхши англаган, ҳатто ўз қаламига мансуб бўлган айрим шеърий асарларини ҳам лирик мероси сирасига киритишдан тийилган эди.

*Ҳабибулло ЖўРАЕВ,
Фарғона давлат университети катта
ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди*

*Миллий мафкура - бу халқнинг,
миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сув-
да чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.
Ислом КАРИМОВ*

*Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,
сиёсий фанлар номзоди*

ХАТОЛАРДАН ЭМАС,

ТАЖРИБАЛАРДАН ЎРГАНДИЛИК



Президентимиз истиқлолимизнинг даст-лабки йилларидаёқ “Ўз келажигини ишончли ёшлар қўлига топшира олган мамлакат умрбоқийдир, унинг келажиги албатта порлоқдир”, деган эди. Ушбу ғоя ке-йинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ёшлар сиёсатининг асосига айланди. Бу ғоянинг моҳияти миллатимиз, давлатимиз ва жамиятимиз тақдири, унинг буюк келажиги бевосита ёшларимизнинг камолоти, баркамол бўлиши билан узвий равишда боғлиқ эканлигидадир.

Ёшларимизнинг билими, салоҳияти туфайлигина жамиятимиз кучига куч, қувватига қувват, бойлигига бойлик қўшилиб бориши эндиликда бировга сир эмас, бас, шундай экан, мазкур ғояни фаолиятимизнинг асосий тамойилига айлантиришимиз зарур. Дунё халқлари ҳам бу амалиётни муваффақиятли қўллаган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хонавайрон бўлган Германия ва Япония ҳаёти орқали фикримизни исботласак бўлади. Иккита атом бомбасининг портлаши натижада беқиёс вайронгарчиликларга дучор бўлган япон жамияти, урушдан кейинги очарчилигу муҳтожликларга (маълумки, Япония ғолиб мамлакатларга жуда катта миқдорда контрибуция тўлаган) қарамай охириги топган-тутганини ёшларга, уларнинг таълим ва тарбиясига сарфлади. Вунинг асосида Япониянинг келажиги учун чуқур қайғуриш ётар эди. Худди шундоқ немис жамияти ҳам урушдан кейин ёшлар тарбиясини йўлга қўйишга бирламчи эътибор қаратди. Натижада у ерда ҳали вайрон бўлган бинолар тикланиб улгурмасдан туриб келажак томон, тараққиёт то-

мон интилувчи янги жамият шаклланиб улгурди. Демак, ҳар қандай миллат, жамият авваламбор ўзининг ёшлари туфайли тараққиётга эриша олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари тафаккурида она юртимиз кўзлаётган эзгу мақсадлар билан ҳамоҳанг бўлган дунёқарашни шакллантириш, таъбир жоиз бўлса, бош стратегик вазифа ва мақсад ҳисобланади.

Ушбу масъулиятли вазифани ҳал этишда жамиятимизнинг миллий истиқлол ғояси асосий восита бўлиб хизмат қилмоғи даркор. Зеро, айнан ана шу ғоя жамиятимизда яшаётган барча одамларнинг, шунингдек, ёшларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг эзгу интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Президентимиз таъкидлаганидек: “Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Винобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади”.

Ёшларимизни йўлдан уришга уринган диний экстремистларнинг, аслида, узоқни кўзлаб ҳаракат қилганликлари бугун барчага маълум. Истиқлол ганимлари жамиятимизни бўйсундириш учун унинг куч-қувват ўзаги бўлган ёшларни асосий объект сифатида танлаганлар. Бизни шу йўл билан келажакимиздан маҳрум қилмоқчи бўлдилар. Бу ҳақиқатни бугун барчамиз юрагимиздан ҳис қилиб туришимиз керак ва даставвал қиладиган ишимиз - ёшлар орасидаги ҳар қандай мафкуравий бўшлиқни тугатишдан иборатдир.



Бугунги кунда биз жамиятимизда душманлар ғоясига қарши кучли мафкуравий қалқонни жорий қилиш устида ҳаракатлар олиб борар эканмиз, авваламбор унинг ўзига хос ички механизм, элементлари тўғрисида чуқурроқ фикр критмоғимиз зарур бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай миллий мафкура ўз ижтимоий базасининг онги, тафаккуридан чуқур жой олиб, унинг фаолияти асосига айлангандан кейингина ҳақиқий яратувчи ва йўналтирувчи кучга айланади. Унга қадар кўпроқ декларатив даражада қолади. Бундай даражадан чиқиш эса жамиятнинг барча интеллектуал ва бошқа ижтимоий-сиёсий кучларининг тинимсиз меҳнати натижасида рўй беради.

Шу жиҳатдан қараганда, жамиятимизда ҳозирги вақтда миллий мафкурамининг ёшлар тимсолидаги кучли ижтимоий базасини шакллантириш вазифаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ушбу вазифани амалга оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари устида олимларимиз, мутахассисларимиз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бош қотирсалар, амалий таклифларни берсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки эндиликда миллий мафкурамиз ҳақида фақат умумий фикрларни билдириш билан мақсадга эриша олмаслигимиз барчага аён дир.

Миллий мафкурамизни ёшларимиз онгига шакллантириш борасида мамлакатимизда қарор топиб келаётган янги таълим тизими учун масъулиятли вазифа турибди. Бугунги кунда бутун таълим-тарбия тизими, айниқса, олий таълим тизимининг барча фаолиятини ёшларимиз тафаккурида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш вазифаларига бўйсундиришимиз керак бўлиб қолди. Керак бўлса, ҳаёт ва мамот масаласи сифатида муҳтарам устозларимиз ўқувчи ва талаба ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдиришнинг самарали усуллари тўғрисида тинмай изланишлар олиб боришлари зарурдир. Токи ёшларимиз мустақил миллат сифатида олдимизга қўйган буюк мақсадларимизни аниқ ва чуқур, юрак-юракдан ҳис қилсинлар. Халқимизни ўз кўзлаган мақсадидан оғдиришга уринаётган жоҳил душманларимиз даъватларига нафрат билан жавоб қайтарсинлар.

Бизнинг ёшларимиз тафаккурида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш механизмининг асосида Президентимиз И. А. Каримов томонидан илгари сурилган жамиятимизда эркин шахс манавиятини

қарор топтириш ғояси асосий ўзак қилиб олинмоғи керак, яъни онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, шахсий манфаат билан Ватан манфаатини уйғун кўра оладиган шахс манавиятини қарор топтириш орқали биз миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига чуқур сингдира олишимиз мумкин.

Президентимиз айтганидек, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш жараёнида ёшларимиз дунёқарашини бошқариш йўлидан эмас, аксинча, уларнинг тафаккурини бойитиш, билимини чуқурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш орқали миллий истиқлол ғоясини чуқур англайтиш йўлидан боришимиз керак. Мана шу қонда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш борасидаги барча таълим-тарбия ишларининг услубий асосини ташкил қилмоғи керак. Бунда, албатта, шомма-шомарликка йўл қўйиш, пухта ўйланмаган режаларни амалга оширишга ҳаракат қилиш, кампаниявозлик умумий ишимизга зарар келтиришини доим ёдда тутишимиз лозим.

Жамиятимиз миллий ғоясини ёшларимиз онгига сингдириш жараёнида ёшларнинг ўрни ва роли масаласига жиддий эътибор беришимиз зарур деб ўйлайман. Токи ёшларимиз ўзларини мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳис қилсинлар, уларда жамият ҳаётидан бегоналашиш кайфияти бўлмасин. Ана шундагина бизнинг назаримизда мафкуравий тарбия соҳасидаги ишлар самарали бўлади.

Эътибордан соқит қилмайлик: миллий ғоя ва миллий мафкурани ёшларимизга тарғиб қилаётган устозлар, мутахассисларнинг маънавий жиҳатларини, билим, савияларини ҳам суриштирайлик. Сабаби маълум: ўқитган киши ўзи ўқишга муҳтож бўлмасин.

Эндиликда мафкура ва уни ёшлар тафаккурига сингдириш масаласида адашишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Аксинча, шу пайтгача йўл қўйилган хатоларимиздан тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак. Бундан кейин хатолардан эмас, тажрибалардан ўрганайлик.

Зероки, Президентимиз таъкидлаганидек: "Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини бағишлайдиган фидойи зиёлилари меҳнат қилиши лозим".

Юсуф ЖУМАЕВ

Сендан айирмасин қисматим мени...

Етган дарёсидан кўра инсонга
Етмаган булоғи гўзал кўринур.
Етса ҳам юлдузга, йўлдош армонга,
Етмаган чироғи гўзал кўринур.

Уммонга етса ҳам ҳузур қилмайди,
Сойга етмадим деб армон қилади.
Қуёшга етса ҳам шукр қилмайди,
Ойга етмадим деб армон қилади.

Бўстонда бўлса ҳам пушаймонга қул,
Ўқинар сахрога кетмаганига.
Одамзот ҳамиша қўяди кўнгил
Етганига эмас етмаганига!

Мабодо дилимдан олсалар сени,
Дилимда дилимдан қолмас нишон, қон...
Мабодо бағримдан юлсалар сени,
Бағримда бағримдан қолмагай нишон.

Гар ўйиб олсалар сени кўзимдан
Заррача қолмагай кўзимда кўзим.
Мабодо олсалар сени ўзимдан
Заррача қолмагай ўзимда ўзим!

Сендан айирмасин қисматим мени,
Мабодо айирса адоман, ишон.
Мабодо олсалар жонимдан сени,
Жонимда жонимдан қолмагай нишон!

Қисмат абр - булутни сел қилиб йиғлатади,
Қоқ - тупроқни қип-қизил гул қилиб йиғлатади.

Йиғлатади истаса филни чумоли қилиб,
Чумолини истаса фил қилиб йиғлатади.

Ёстиғим тош бўлса ҳам эзилар кўз ёшимдан,
Болишим чўл бўлса ҳам ҳўл қилиб йиғлатади.

Юсуф бошдан оёқ дил ишқу-имон йўлида,
Қисмат уни водариг дил қилиб йиғлатади!

Мақол бор: мабодо бўлмаса шамол
Қимирламас эмиш дарахтнинг боши...
Шамол йўқ ва лекин қимирлар беҳол,
Чинорнинг чўнг боши - осмон сирдоши.

Шўрликка ёғилар санги маломат:
Олам тинч, титрайсан нега, ношукур?
Шамол йўқ, бирон йўқ, фақат ва фақат
Болта тушаяпти бошига ахир!

Армонлар, хижронлар жонга тегмоқда,
Аламинг ичида яшаб нетаман.
Гуссалар қаддимни икки букмоқда,
Булутга қўшилиб йиғлаб кетаман.

Чақмоққа қўшилиб чақнаганим бас,
Нега бевафо деб ўтда ўтаман.
Ортиқ ололмайман заминда нафас,
Булутга қўшилиб йиғлаб кетаман.

Чўлпонга қўшилиб таратдим зиё,
Анинг осмонида фарёд этаман.
Алвидо, эй бедил, басир, алвидо,
Булутга қўшилиб йиғлаб кетаман.

Ойига қўшилиб ўтди ойларим,
Тунин кундуз қилдим, етар, ботаман.
Ўзанга сиқмайди дарё, сойларим,
Булутга қўшилиб йиғлаб кетаман.

Қуёшга қўшилиб кўкида кездим,
Дилни пушаймондан тиглаб кетаман.
Қадримни билмаган заминдан бездим,
Булутга қўшилиб йиғлаб кетаман.

Тож ва сулув ривояти
Айлаган экан қарор,
Қадимда битта элат:
Бизга подшо бўлгуси
Пойгада ўзган, албат.





Маррага энг биринчи
Етган чавандоз шоҳдир.
Биз мудом хизматида
Бошимизда паноҳдир.

Не-не ўктам йигитлар
Отга минди, бисмилло.
Ортада қолди не-не қир,
Ортада қолди тоғ, дарё.

Манзил сари елишар
Манзил олис - маёқдай.
Отларнинг туёқлари
Сас беради чақмоқдай!

Барча чавандозлардан
Ўзиб борар бир йигит.
Бошқалар бўлса турна,
У бамисоли бургут.

Самани бир отдайн,
Самани нақ Бойчибор.
Булутлар бағрин ёриб,
Учиб борар жонивор.

Ортада қолиб кетдилар,
Чавандозлар бирма-бир.
Подшо бўлмағи тайин,
Манзил яқиндир, ахир.

Марра дегани ана,
Кечиб ўтса бас сойдан
Воҳ, бу гўзал ким бўлди,
Зиёда тўлин ойдан.

Сувга келарди сулув,
Нозик қўлида кўза.
“Ё тангрим” дер чавандоз,
Етказдинг шундоқ рўзга.

Саманини тўхтатди,
Шоҳликка борми бало.
Шундоқ сулув сув ичган
Сойдан кечмасман асло.

Ё раб, отдан ўзини
Отди дилбар пойига.
Севдим, сен ҳам севсанг бас,
Кўнгил тушар жойига.

Ҳайқиради оломон,
Отга минсангчи, ўғлон.
Бир зумда кечиб ўтгин,
Юртга бўлурсан султон!

Ошиқ йигит эшитмас,
Одамларнинг сўзини.
Сулувнинг изларига
Босар экан юзини.

Алқисса, бир кундан сўнг
Ортидан келган тождор.
Бир умр ўкунмади,
Яшаб ўтди бахтиёр!



Мўмин АВАЗ

БУ ДУНЁДАН КўНГЛИМ ТўК

Оппок-оппок булутлар сузар,
Этникади бозлар, кўнгил тўк.
Киприк копар нурли юлдузлар
Ой юзига ҳеч қандай доғ йўк.

Булук суви шифобахи, шаффоф,
Ҳам ялтиробди тоиларга гап йўк.
Ҳаво тоза, барча қалби соф,
Бу дунёдан менинг кўнглим тўк.

Непи кўрсам гўзал холатда
Кўражакман тамом кўнгил тўк.
Шундай бўлган вақтлар оғатда
Юрагимда ҳеч қандай гард йўк.

Ланг очалар дераза кўзин,
Кирар телба, ховлиққан шамол.
Ҳарир парда тутолмай ўзин,
Қаюмларин ёзар беламол.

Парда куйлар шамол кўшинин,
Ковозимга қараб сикилган.
Ташқарида кўзид тумишгани
Отиладу тошиб, лўкиллаб.

Давом этар бетакроф ўйин,
Ногоҳ енгил тортади руҳим.
Ҳарир парда ширт-ширт кенг ўйининг
Қона боилар гал-ангушларин.

Наҳот бунис кўйдил шунча ўзимга
Ёки зурурнинг ҳеч ўрнимасмикан?
Ўқинган қалб алри, сенинг кўзингга
Ҳаракат қилалар кўрипмасликка.

Аччиқ изтиробдан дилгинам оғрир,
Ҳеч не келмаяпти менинг кўлимдан.
Рост сўйлаб, дилингни оғритиш оғир,
Ёлғон сўйлаб, мақташ келмас кўлимдан.

Мехришо ҚУРБОНОВА

ЭСДАЛИК УЧУН СЕВГИ

Ҳикоя



Сувратга тушириш хонасининг эшиги қия очилиб, ичкарига бир аёл кирди. Ўттиз беш ёшлар чамасидаги бу жувон иш йўқлигидан эснаб ўтирган сувраткаш Акбарга ийманибгина салом берди. Йигит ёмғирпўши ва шамсиясини илгакка илаётган аёлга беихтиёр тикилиб қолди. Аёл эса бепарво тўсиққа яқинлашди-да, ойна ортидаги сувратларни назаридан ўтказа бошлади. Ҳамиша шундай. Мижозлар киришгач сувратларни обдон томоша қилиб олишади. Шундан сўнггина рўпарасида одам турганлигини сезиб қолишгандек, расмга тушишга келганликларини айтишади.

Бир неча сония ўтгач, аёл йигитга кўзи тушиб майингина жилмайди ва “расмга тушмоқчи эдим” деди пичирлаб.

— Нима учун тушмоқчисиз, опажон? — деди Акбар ва аёлни қаерда учратганини эсламоқчи бўлгандек диққат билан тикилди.

— Сувратга тушгим келди холос, — деди аёл ранжиб.

— Пулини олинг-да, тушираверинг!

— Бирор бир хужжат учун тушасизми, деб сўрамоқчи эдим. Нега жаҳлингиз чиқаяпти?

Аёл хижолатли жилмайди.

— Узр, тушунмабман, ука, — деди у. — Биласизми, бу расм яхши чиқиши керак. Онамга юбормоқчиман.

— Онангизгами ёки яхши кўрган кишингизгами?

— Ҳазиллашаяпсизми? — деди аёл ва унинг рангпар чехрасига қизиллик югурди. — Наҳотки мен яхши кўрган одамга сувратини такдим этадиган ёшда бўлсам? Оилали, бола-чақали одамман. Илтимос, тезроқ туширақолинг. Кетишим керак. Хуллас, сувратим яхши чиқиши керак. Унда бахтиёрлигим акс этиб турсин, майлими?

— Мен...

— Онам мени Ҳамиша бахтсиз яшаяпти, деб ўйлайди, — деди аёл унинг гапини бўлиб. — У узоқ шаҳарда яшайди. Сувратга тушмаганимгаём ўн йилча бўлди-ёв...

— Ҳа, дарҳол сезган эдим.

— Қаёқдан билдингиз?

— Сувратга тез-тез тушиб турадиган одамлар дарҳол билинади. Улар расмга яхши тушиш учун ажойиб кийиниб келишади. Соатлаб ойна олдида пардоз қилишади. Сўнг роса бошимни қотиришади. Асабийлаша бошласам, айниқса, қизлар “очиғини айта қолай, сувратимни яхши кўрган кишимга совға қилмоқчиман” — дейди. Мен уларни дарҳол туширмайман. Севган кишисининг қайси фазилатлари ёқади, қаерда, қандай танишишган, ҳаммасини сўрайман.

— Сабр-тоқатингизга балли-е, — кулиб юборди аёл. Унинг кулгиси тиниқ ва жозибали эди. — Кунига ўн та одам келса... Ўн хил тақдирни эшитиш осон эмас. Бошқа эрмагингиз йўқ экан-да?!

— Йўқ, йўқ, — дея шоша-пиша эътироз билдирди Акбар. — Яхши кўрган кишига сувратини совға қилмоқчи бўлганларга бераман саволларимни. Турган гапки, бу саволдан сўнг ўша инсоннинг кўнгли очилади, юз-кўзлари яшнаб кетади, ўша пайтда уни сувратга тушириб бўламан. Сиз эса сувратхона ёнидан ўтаётиб, мен ҳам эсдаликка расмга тушиб кўяқолай”, дегансиз ва мана рўпарамда турибсиз-да!

— Бугун тушмаганим маъқулмикан? — деди аёл йигитдан маслаҳат сўраб. — Эртага келаман.

— Хафа бўлманг-у, сизга бир гап айтаман, — деди Акбар. — Сиз чиройли, келишган аёлсиз. Лекин чиройингизга жуда бепарвосиз, ўзингизга унча қарагингиз келмайди. Аёллар иложи бўлса, йигирма тўрт соат ўзларига зеб бериб юришса, дейман.

— Унда аёлнинг бутун умри кўзгу олдида ўтиши керак экан-да?!

— Нима бўпти? Ўзига ҳамиша зеб берса, оро берса, нимаси ёмон? Ҳатто энг кўримсиз аёлни ҳам пардоз-андоз очади.

— Уйланганмисиз? — қизикди аёл. — Келинбола сизга ёқиш учун кун бўйи кўзгу олдида ўтирса керак?

— Йўғ-е. У ҳам ишлайди. Кун бўйи тирикчилик билан банд. Пардозга вақти кам қоляпти. Лекин мен “ўзингга ҳамиша қараб юрасан” деб шарт қўйиб уйланганман.

— Э, яшанг! — деб қўйди аёл.

Иккаласи бир муддат жим қолишди. Аёлларнинг пардоз-андозига эътибор беришни ёқтирадиган эркакларни унчалик хушламасди аёл. Яна ойна тагидаги сувратлар орасидан кимнидир қидириб топмоқчи бўлгандек, диққат билан кўздан кечира бошлади. Шу топда уни шундай қаттиқ йўтал тутдики, зўрға энтиқиб нафас ола бошлади. Аёлнинг кўзларидан ёш сизиб чиққанини кўриб Акбар унинг соғлом эмаслигини сезиб қолди.

— Шамоллабсиз-да?! — деди ғамхўрлик билан. — Келинг бир пиёла иссиқ чой ичинг!

— Йўқ, йўқ, — деди аёл дарҳол рад этиб. — Кераги йўқ, раҳмат сизга. Тезроқ тушира қолинг.

Акбар аёлни сувратга туширди, лекин керакли ҳолатга солгунча эси кетди.

* * *

Икки кундан сўнг сувратини олгани келган аёлни касалхона кийимида кўриб Акбар таажжубланди. Аёл тез-тез юриб келганлиги учун бироз энтиқиб нафас олар, юзида хижолатомуз ифода қотиб қолганди.

— Зўрға чикдим, — деди аёл йигитнинг саволини кутмай. — Рўпарангиздаги касалхонада ётибман.

Йигит сувратхона қаршисида қандайдир касалхона борлигини билар, шундай дилбар аёлнинг ёшгина боши билан қачон, қандай касалга чалингани, тунов куни “оилалиман” деб уни ишонтирмоқчи бўлган гаплари ҳақиқатдан йироқлигини, бунинг устига ёлғиз эканлигини пайкаб қолган эди. Табиб одамларнинг соғлигига ташхис

кўядиган бўлса, ҳар куни ўнлаб турли тоифадаги одамларни кўравериб, кўзи пишиб кетган сувраткашимиз ҳеч иккиланмай, мижозларнинг ҳаёти ҳақида бемалол ташхислар кўя олар, тахминлари аксарият ҳолларда тўғри чиқарди. Бу аёл ҳақида ўзининг тахминий фикрларига эга бўлди: “Ёлғиз яшайди, қаттиқ сиқилишдан оғир касалликка чалинган. Кўпчилик орасида бўлишни ёқтирмайди. Қачонлардир ҳаётида қаттиқ қоқилиш бўлган...”

— Қачондан бери ётибсиз? — деди у ҳамдардлик билан. — Яхши қаришашаяптими?

— Раҳмат, яхши, — деди аёл. — Ётганимга икки ҳафта бўлди. Икки кундан сўнг операция қилишди.

— Қаерингиз оғрийди?

— Юрак чаток, — дард чекаётган одамдек ютиниб жавоб берди аёл. — Ишқилиб операциядан эсон-омон ўтиб олайин-да.

— Худо хоҳласа ўтиб кетасиз, — шу топда Акбарнинг овози қалтираб чиқди. — Сизни кўргани бораман!

— Йўқ, йўқ, раҳмат, — деди аёл негадир чўчиб. — Сувратим тайёр бўлдимми?

— Ҳали тайёр эмас, — деди Акбар. — Уэр, вақтим бўлмади. Эртага...

— Ахир ўзингиз...

— Тўғри, “тайёр бўлади” деб ишонтиривдим, бошқа ишлар билан андармон эдим, — ўзини оқлаб кўя қолди у. — Эртага келинг, албатта оласиз.

Аёл баъзи мижозлардек шанғилламади, жеркимади, индамай эшик томон йўналди. Акбар аёлга тайёр бўлган сувратини бергиси келмаётган, уни яна кўргиси, гаплашгиси келарди. Бунинг устига суврат хирарок чиқди. Негадир суврат туманлар ичида қолиб кетгандек бўлди. Эгаси манови дилбар, маъсума аёлга эмас, бу дунёдан бутунлай қўл силтаган, ҳафсаласиз ҳолатда мунғайиб турар, яхши ишлари билан танилган, кўплаб мижозлар ортирган йигит суврат муваффақиятсиз чиққанлигидан хижолатда эди. Шунинг учунми, кетаётган аёлнинг ортидан ширин сўз айтгиси келди.

— Эртага сизни кутаман. Келасиз-а?

Ташқарига чиқаётган аёл “ял” этиб Акбарга қаради, “келаман” дегандек бош силкиди ва тез-тез одимлаб кетди.

Эртаси куни Акбарнинг икки кўзи эшикда бўлди. Аёл келмади. Ҳар хил одамлар кириб-чиқиб туришар, гоҳ илжайиб, гоҳ расмий ҳолатда сувратга тушишар, йигитнинг эса негадир кўнглига чироқ ёкса ёришмасди. Ҳаёлини бутунлай эгаллаб олган, тунлари ухламаётган, ўзидан уч-тўрт ёш каттарок бу аёлнинг сулув ва маънос чехраси рўпарасида ўз қиёфасини тиклаб олди. Агар аёл йигитнинг кўз ўнгида намоён бўлган ҳолатдагидек тарзда сувратга михланганида борми, бу унинг энг яхши ишларидан бири бўлар эди. У юзлаб қизларни, аёлларни расмга туширар, ола-ола шундай хулосага келган: “инсоннинг барча ҳис-туйғулари чехрасида акс этиб турмаслиги керак, унда сирлилик, яширин туйғулар бўлиши шарт. Лекин фикрларимни мижозимга қандай тушунтираман?”

Бу ҳақда аёлга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

У хатто ойнага қараб бўянмади ҳам. Лоқайд бир назар ташлаб кўйди холос. Ўз ҳаёти ҳақида ёлғон-чин аралаш сўзлаб ташлайдиган баъзи аёллардан эмас. Атрофга, одамларга эҳтиёткорлик билан боқади, кўнглида туғилган гапини “айтсамми, йўқми?” дея мулоҳаза қилади, юзида туғма ҳаёси, иффати бор. Йигитнинг назарида аёл қачонлардир қаттиқ хатога йўл қўйиб адашган-у, энди эса ўша хатолари туфайли изтироб чекаётганга ўхшаб кўринди. Балки у янглишаётгандир. У яқинда уйланган, йигирма саккизга қадам қўйган, онасидан жуда эрта етим қолиб, меҳрига тўймаганлиги учунми аёл зотига ўта эҳтиром билан қарар, бу маъсумани ҳам яхши биламан, деб ўйлаётган эди.

Аёл индинига ҳам келмади. «Нега келмаяпти экан», ўйлади йигит аёлни ҳамон унутолмай. Нималар бўляпти менга? Бугун уни операция қилишади-ку, шунинг учун ҳам келмаган. Излаб борсаммикан? Биров уни йўқлаб бормаса керак. Бораман, албатта бораман!

У кўпчилик ёш йигитлардек узоқ ўйлаб ўтирмади, аёлнинг сувратини чўнтагига тикди. Хамроҳига “ярим соатда келаман” деди ва кўчага чиқди. Касалхона ҳовлисига кирганида юзларини баҳорнинг этни жунжиктирадиган совуқ шабадаси сийпалаб ўтди. Халиям ёмғир тинмаган, йўл четидаги ариқларнинг суви тошиб чиқиб, халқоблар ҳосил қила бошлаган. Ҳеч кимдан сўрамай “юрак касалликлари” деб ёзилган бўлимни излаб топди ва ичкарига кира олмай бироз ташқарида туриб қолди. Негадир суриштиришга истихола қиларди.

Нихоят бир қарорга келди. “Нега келдингиз?” деса, расмингизни олиб келдим, сизни бир кўриб кетгани келдим” деб айтаман дея ўз-ўзига таскин берди. Уни эшикдан киритишмади. Эшик олдида турган ҳамшира қизга аёлнинг сувратини кўрсатиб қайси хонада ётганлигини суриштирди. Ҳамшира қиз бир муддат унга тикилди, сўнг сувратга нигоҳлари михланди.

— Бу аёл кеча операциядан чиқмади, — деди ҳамшира бепарво оҳангда. — Қариндошлари олиб кетишди.

Ақбарнинг бошидан кимдир бир челақ муздек сув ағдариб юборгандек сесканиб кетди. Уч кун бурун у билан мулоқотда бўлган, уни мафтун этиб қўйган аёлнинг бугун тириклар орасида йўқлигидан ўкинди. Зўрга қадам босиб ташқарига чиқди ва касалхона ҳовлисида ўрнатилган ўриндиқларнинг бирига ҳолсизгина бориб ўтирди. Чўнтагига қўл тикиб яна бир бор сувратга тикилди-ю... юраги санчди. Аёлнинг кўзлари ғамгин тортиб ер сузиб қолган, қиёфаси оппоқ туманлар ичида қолиб кетгандек эди.

Хосият РУСТАМОВА



ҲАЙРАТДА ТУРАДИ БОЛАНИК ЧОЗИНИ

1

Бир лаҳзада ўтади умр,
Ўтар умр тунлари билан:
ҳали тонгни уйғотмасидан -
Кўзим қачон мудради экан?!
Бир қарасанг...

ҳаммаёқ оппоқ,

Бир қарасанг...

ҳаммаёқ туман.

Шу гўзаллик бағрига тўймай,
Очиқ кетар кўзларинг баъзан...
Бу кенгликка битта қуш бўлиб,
Менинг жоним сифмадимикан?!
Муҳаббатни...
Гулни туш кўриб -
Юрак қачон ухлади экан?!

2

Азизим...
ҳамма тун

бизники эмас

ҳамма тонг бизларга
қилмайди насиб.

Шу боис туйғулар
бўлади сармаст -
Тушингга қайғулар
қиради босиб...

Ўзинг ҳам бешишинг керак
ҳаётдан,

Ўкинма сўзларим
ботсада оғир.

ҳеч маъно қолмайди
узоқ яшашдан -

Жоним,

ўлмаслик ҳам
яхшимас ахир...

3


Нега ёзолмайман
бирорта сатр,
Сингимоқ истовди
жоним оҳанга.

Яшиллик сифмаган
тунларда ахир -
Оқ гуллар очилар
қоп-қора рангда.

Шамол қаби олиб кетдинг

Меҳринисо ҚУРБОНОВА 1961 йили Қашқадарё вилоятининг Яққабог туманида туғилган. 1984 йили Тошкент Давлат Дорилфунуни журналистика факультетини тугатган. 1994 йили “Яшаш осон эмас” номли ҳикоялар тўплами чоп этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон радиосида хизмат қилади.



хаёлни,
 Ўриқлар гулини
 тўккан чоғида.
 Деразам раҳида
 юрган шамолни -
 Хаёт кўчаларга отар гоҳида...
 Нега ёзолмайман
 бирорта сатр,
 Кўксимда ухлаган
 тонгни уйғотиб.
 Талваса ичида
 йиғлайди шамол,
 Ўзини минг битта
 эшикка отиб.
 Ўзингни хўрлама...
 мен каби шамол,
 Уйга кир...
 тўкилиб қолибсан чангда.
 Борлиққа сизмас
 тунда яшиллик,
 Оқ гуллар очилар
 Қоп-қора рангда.

4

Менга ҳеч сўзлама
 Ўзинг ҳақингда,
 Сўзласанг...
 Куёшдан, осмондан
 Гапир...
 Сенинг қандай кунни
 Кўрганинг ҳақда,
 Жоним...
 Кўзларингга ёзилган
 ахир.
 Йўлларингни тўсиб
 Чиққанми жинлар,
 Кўрқитиб қўйганми
 Гўзал тунлар ҳам.
 Сен ҳақда менгаку
 Сўзлар ажинлар -
 Ўзингни бахтиёр
 тутганинг билан.
 Боғлардан ахтардим
 нафис гулларни -
 Сен учун жонидан
 кечади гуллар.
 Ўзингни мажбур эт...
 Соғин уларни -
 Сенга яшамоқни
 ўргатди улар.
 Бу йўллар биз учун
 Энди қадрдон,
 Бу йўлни бизларга
 асраган тақдир.
 Менга ҳеч сўзлама -
 Ўзинг ҳақингда,
 Менга кўзларингни
 асрасанг бўлди.

5

Сен сўзлардан тортасан
 лашкар,
 Ва юракка соласан хавфлар.

Ёраб...
 Менга қарама-қарши
 Тизилишиб олар ҳарфлар.

Гўзаллигин сезасан гулни,
 ҳаволарга силкитасан қўл.
 Беркитасан мен борар йўлни -
 Менга аён Сенга борар йўл.

Эшитилар деразангдан куй,
 Пардаларинг ўйнар эшилиб.
 Фақат зиналарга айтиб қўй -
 Таъзим қилсин менга эшигинг.

Жарангласин қўнғироқлар ҳам,
 Қадамимни сезсин остонанг.
 Фақат менинг боришим билан
 Хайрлашмай кетмасин хонанг.

Гўзаллигин сезасан тонгни,
 Ҳаволарга силкитасан қўл.
 Беркитасан мен борар йўлни -
 Юракда кўп Сенга борар йўл.

6


Менга бўлолмадинг абадий ҳамроҳ
 Кўрмадим...
 Дунёнинг бутунлигини
 Йиғласам...
 Йиғлатиб ўргатди ҳаёт -
 Сенсиз ҳам яшамоқ
 Мумкинлигини...
 Йиғласам...
 Бошимда йиғлади ёмғир,
 Сезмадим осмоннинг кенглигини ҳам.
 Яшамас...
 Дунёнинг кўзлари билан.

7

Тунлардан чарчадим,
 Бу недан дарак,
 Юрагим тиг санчиб солади ғулу.
 Шу ҳолда мумкинми...
 узоқ яшамак,
 Ахир ўттизга ҳам кирганим
 йўқку...
 Кушларнинг чуғури беради
 далда,
 Кўнглимга яшиллик солар
 майсалар.
 Менинг ҳаяжоним,
 оҳанглар қайда?!
 Яшашни ўргатар ҳамма
 нарсалар.
 Бу улкан тоғларга...
 ғадим тоғларга,
 Ҳайратда яшади болалик чоғим.
 Унда яқин эди осмонга бошим,
 Унда узоқ эди ердан оёғим.




Кўчқор НОРҚОБИЛ



КУЛМЪ ТУР, АЗИЗИМ

Роман

* Журнал нусхаси



Ҳаётни борича тасвирлаш нечоғлик қийин. Кўриб турганинг, ҳодисаларни қоғозга тушира билсанг ва шунга ўзинг ҳам ишонсанг яхши. Агар буни эплай олмасанг, ёзганларинг сени бадном қилади.

Муаллиф

Ташқари тиниқ эди. (У айнан шундай дейишни яхши кўради.) Дераза роҳига суяниб боғ адоғига чўзилган йўлакка разм солди. Йўлак оққа бўялган ҳашаматли темир эшикка бориб тақалади. Тўрт кундирки ҳар куни эрталаб ўрнидан туриши ҳамона ана шу эшикка қарайди. Тўғри, ҳали қоровул уйғонмаган бўлади. Эшик ҳам ёпик. Азонлаб касалхонага биров йўқлаб ҳам келмаслигини яхши билади. Негадир, шу ёққа, дарвоза томон тез-тез қараб кўяверади. Чой ичаётганда, бирор китобни мутолаа қилиб чарчаганда, ёки бекорчиликдан нима қиларини билмай диққати ошган палла. Касалхона ҳовлисидаги боғ баҳор нафасини сезиб уйғонай-уйғонай деб турибди. Ҳаво илимлик, ёқимли. Ўрик новдалари бўртиб қолган. Эрта-индин гулга киради. Ана шунда ташқарида бир ажиб манзара намоён бўлади. Ҳар ҳолда гул яхши, кўнглинг кўтарилади. Яшагинг келади, баҳорда. Сурхонга аллақачон баҳор кеп қўйди, бодом гуллаганига 15 кун бўлди, деган ўй ўтди хаёлидан. Шоир китобни мутолаа қилиб кўришини, умуман гулни яхши кўрадими ўзи, тушунолмай энсаси қотди. Йўқ, гулни яхши кўрмасам керак. Шунчаки, баҳорда қийғос гулга тўлган дов-дарахт яшаш яхши деган ўйни кўнглима жо эгани учун гулни севсам керак, деб ўйлади. Қизик, баъзи бировлар тўйлар, туғилган кунлар, байрамлар қолиб, шу касалхонага, беморни кўргани ҳам гул кўтариб келишади. Ажойиб кунлар-ку тушунарли. Бетоб одамга нега беришади. Шу ерга тушганинг яхши бўлибди, табриклаймиз дейишганими, бу... Ёки, деразангта шу гулни кўйиб қўй, кайфиятиг кўтарилади, дейишса керак. Умуман олганда ҳамма нарса яхши-ёмон томонга бурса бўлади. Бу одамнинг ўзига боғлиқ.

Шоир дераза қанотини очиб қўйди. Эрта баҳор ҳиди, энгил насимлар кирди хонага. Баҳорнинг ҳам ҳиди бўлади, деб кўнглидан ўтқизиш қўйди у. Очiq деразадан узоклашаётиб боғ адоғидаги темир эшикка яна бир разм солди. Қоровул деганим шунча ухлайдимми... Очиб қўйса ўлармикин.

Ўрнига чўзилди. Тўрт кундирки хотинини шу эшикдан кириб келиши ҳолатини кўришни истаб ўша ёққа қарайди. Қаерда, ухлаётганда, китоб ўқиётганда ёки чалқанча ётиб хаёл сураётганда палатага бостириб келади. Ёнида ўғли ёки қизини эргаштириб олган бўлади.

- Адажон, -деб бўйинга осилади ўғли ё кизи...

- Э-э... -эсанкираб қолади. Бағрига босади. Вой бунча ширин бўлмаса. Кўнгли ийиб кетади.

Барно эса тузукмисиз, яхшимисиз, камчилик йўқмидан нарига ўтмай каравот бошидаги тумбага ул-бул нарса қўйган бўлади. Чорак соат ўтар-ўтмай она-бола уйга қайтишга тараддудланади. Кичкина қизчасига кўшнининг боласи қараб қолган. Кеч қолишса дили оғрийди. Дили оғрийди, деган атама Барноники. Унинг учун ҳеч кимнинг дили оғримаслиги керак... Кўп гапирди шу сўзни... Вой дилини оғритманг, дили оғрибди-да... Сиз ҳам қайсарсиз-да, дили оғрийди, деб ўйламадингизми... Қачонки хотини шу сўзни оғзига олса тамом - муросаю мадорага чек қўйилади. Шоир жим бўлади - хотинининг гапи гап.

Шоир емак столи устидан Шукур Холмирзаевнинг қайта нашрдан чиққан "Ўн саккизга кирмаган ким бор..." деган китобини олиб, тагин чалқанча тушган куйи ўқиб бошлади. У бу китобни аввалги нашрда уч марта ўқиб чиққан. Ҳар бал мутолаа ниҳоясида ҳайратга тушган. Қандай қилиб шундай ёзиш мумкин. Бунчалар кучли бўлмаса, Шукур ака. Бекорга, ортиқча сўз олиб кирмайди китобига. Ҳаммасининг ўрни бор. Кўнглидаги туйғу ва ҳаяжонни қоғозга тўкиш жараёни ҳам одам боласи учун осон кечмайди-ку, ахир. Дилингдаги ёзиб бериш, ҳаммани ўз ҳолатига солиш учун илҳомдан бошқа яна

нимадир керакдир. Ана шу нимани эса ҳеч ким билмайди... Шоир шундай кайфиятда китобдаги манзаралар ичра, юқоридаги ўй хаёлларга берилар, ўқигани сари ўша нимадирни ахтарар, иккинчи бир томондан эса китобдан жазиллаб сачраган ўт унинг борлигини чўлғаб, куйдирар эди.

У китобнинг анчагина саҳифасини ўқиб қўйди. Бироз толиққандай бўлди, лекин қўлдан қўйгиси келмади. Очiq саҳифани юзига босди. Эҳ, Холмирзаев, Холмирзаев! Агар шу одам уруш кўрганда борми, менга ўхшаб майда-чуйда нарсаларни ёзиб ўтирмасди. Ҳар лаҳзани, урушнинг ҳар кунини битта китоб қиларди... Унинг ичида оғриқ кўзгалди. Ўрнидан даст туриб тумба устидаги сигаретга ёпишди. Нонушта қилмай эрталабдан тутатганиданми, кечаси билан ухлай олмагани сабабми, кўнгли беҳузур бўлди. Икки-уч бор тортиб чала хумор ҳолда сигаретни кулдонда эзгилади.

Деразага тирсақлаб ташқарига қаради. Дарвоза очилибди. Яхши. Кун бошланди. Бугун битта-ярим дўстларим келади, бир амаллаб кунни ўтказаман. Эртага уйга боришга жавоб оларман. Нима қипти, бир кунга. Врач кечаги гапига тармашиб қолмас, рухсат берар... -деган юпанч билан ўзини овутиди.

Шоирнинг касалхонага тушганига тўрт кун бўлди.

Олдин қайсарлиги тутиб юраверди. Ўтказиб юбораман, деди. Йўқ, бўлмади. Юраги сиқилиб, нафас олиши оғирлашди. Боши ғувиллаб оғриди. Ишда охириги кунни бужмайиб ўтирганича, боши билан столга йиқилди. Ўзига келтиришиб ҳамкасблари уйига олиб келишди. Бош муҳаррир орага тушиб касалхонага ётқизишди. Хуллас, шоирга бу ерда назорат кучайди. Алоҳида хона. Телевизор. Врач хонасига кириб бемалол телефон қилиши мумкин. Овқатни ҳам палатага олиб келиб беришади. Дори-дармон, укол ўз вақтида. Бир дақиқа ҳам кечикмайди.

Ҳамшира эрталабки нонушта келтирди. Ярим соатдан кейин уколга, деб чиқиб кетди.

Шоир қандай қилиб бўлса ҳам бош врачнинг кўнглини юмшатиш чораларини излади. Тузукроқ баҳонаи сабаб тополмади.

Кеча кечкурун бош ҳакам бу масалага чек қўйди. - Мана жой. Нима камчилигингиз бор? Ҳаммасини ест қиламиз. Лекин, уйга ярим кунга ҳам жавоб бермайман. Нима қипти? Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кўнглингизга қараб сизга ёмонлик қилишим мумкинлигини сезаяпсизми, ахир. Хўп, туғилган кунингиз бўлса, шу ерда иккаламиз бирга нишонлаймиз.

- Ахир, уйда жўралар, ака-укалар...

- Тўғри... Киттай-қиттай, уйин-кулги. Кейин яна, аҳволингиз, аввалдагидай-а, шундайми?

- Сўз бераман... Ичмайман.

- Тушунган йигитсиз... Нима қиласиз ортиқча гапни.

Шархан мен Сизга асло рухсат бермайман. Бу ерда мен тартиб-интизомга, керак бўлса Сизнинг соғлигингиз, айтаверайми, ҳаётингиз учун жавоб бераман.

Шоир бўлиб-ўтган шу гап сўзларни эслаб, бу бир гапли ўрси, бари-бир жавоб бермайди. Онангн элмур, армиядаги офицер бўп кет-ей, деб гудради. Столдаги сутли овқатдан бир-икки қошиқ татиб кўрди. Бўлмади. У умуман сутли овқатни, ширинликни ейолмайди. Ҳозир хотиним кеп қолса ажабмас, тузукроқ емак келтирар, деган ўй билан столдаги идиш-товоқни йиғиштиришга уринди.

Ташқарида одамлар гимирлаб қолган. Катта эшик ланг очiq. Тез ёрдамлар, касалхонага келган энгил машиналар кириб чиқиб турибди. Қоровул эса ўтган кетган машиналарга, ҳайдовчиларига бош эгиб салом беради. Уларнинг дуосини олади. Пулиниям олади. Ҳа, йўқса кириб кўрсин-чи... Ана, машинасини эшик ортида

қолдирсин. Эҳ, товба, ҳамма жойда пул ўлгур. Ҳаммаси оламан дейди... Савоб ҳам, салом ҳам пул бўлиб борапти. Балки чолга ҳам қийиндир... Болалари йўқдир. Ёлғиздир. Хўп, болалари бор, дейлик. Уларнинг ҳам рўзғори, бола-чақаси, иссиқ-совуғи бор. Бугун ҳеч ким ўзидан ортмайди. Чоли тушмагур камзулининг устидан ўнг кўксига қиррали нишон тақиб олган. Демак урушда бўлган. Жанг кўрган. Одам отган. Ҳаёт-да энди бу. Лекин шу кўксидегани бекор кўз-кўз қиляпти-да. Урушда бўлган одамнинг ўтган-кетган ҳайдовчилардан қўл чўзиб пул сўраши номаъқул иш.

Шоир ўз фикрини ўзи тасдиқлаб деразани қарсиллатиб ёпти. Телевизор кўйди. "Ассалом, Ўзбекистон" бўляпти.

Телевизорда айтилаётган жуда жўн, алмойи-жалмойи кўшиқ шоирнинг энсасини қотирди. Кўзини юмди. Бошини ёстиқ остига беркитди. Шундай палагда нарсани бугун мамлакатга кўшиқ деб айтаётган диксиллакисфатни сўқди. Караса, ҳали-вери тугамайдигандай. Бошида оғриқ турди. Ҳе, ифлос. Уялмайсанми, шуни кўшиқ дегани. Сенга нимарсани қайси ҳалиғифуруш ёзиб берди. У ўрнидан даст туриб телевизорни ўчирди. Кейинги пайтлар жиззаки бўлиб кетаётганини, арзимас нарсаларга эътибор бериб жиззага чиқиб қолаётганини сездим. Аммо, бугун халққа ҳалиғифуруш кўйлаб, ювиқсизлик қилишни арзимас нарса ҳам деб бўлмайди.

У каравотга узала тушди. Хаёлга толди. Доимо ана шундай маҳали - туғилган кунда бир гап чиқиб туриши тайин. У иримга ишонмайди. Лекин бугун оғриқни кўйди. Ўтган йили туғилган кунда ҳам хаста эди. Олдинги йили хотинининг акаси ўлди. Қайси бир йили командировкада эди - самолёт учмади. Афғондалигида, туғилган кунининг икки йилида ҳам госпиталда бўлди. Яна бир йили қизи сариқ касал бўлди. Бу йил бундай. Асаби кўзийди, орқа мия шамоллабди. Хуллас, ётиш керак.

Шоир бошида кўзгалган оғриқни ўтказиб юбориш учун кўзларини юмди. Қайийди, ухлай олса... Бошини иккита темир орасига олиб аллақандай куч қисаётгандай. Бош томирлари тортилиб, қақшаб оғрияпти... У базўр ётган жойда тумба тортмасини очиб дори ичди. Кўзлари ич-ичига тортиб кетаяпти... Ўрнидан турай деса, ҳалиги темир кўллар бошини мажақлаб, эзгилаб ташлайди. Йўқ, оғриққа чидаб бўлмайди. У каравот чети тегиб турган деворга суяниб ўрнидан турмоқчи бўлди... Эплай олмади. Жойига қайтиб йиқилди. Ҳозир бошида нимадир овоз чиқариб даҳшатли гувиллайди. Шунгача нимадир қилиш керак. У бор овози билан бақирди...

- Дўхтиир... Воҳ...

Хонада нимадир тарақлади. Эшик очилди, шекилли... Бир зумда шоирнинг тепасида бўлимдаги шифокорлар, ҳамширалар йиғилди. Икки-уч хил укол қилишди. Қон босими кўтарилиб кетибди.

Туш маҳали ўзига келди. Боши анча енгиллашиб қолган. Ёнида Барнони кўрди. Қизи оёқ учида ўтирибди. Оёғини уқалапти. Қовоғида оғирлик сездим. Жилмайгиси келди, уддалай олмади. Бош силкиб кўйди. Кейин ҳамшира кириб қизини ҳам, хотинини ҳам олиб чиқиб кетди.

II

- Кантузия асорати. Яхши даволанмаган. Бугун сиқилганга ўхшайди.

- Яна укол берайми?

- Албатта. Сидуксин беринг. Томирга Манний жўнатинг. Йигирма фоизли мониза қуйинг. Лозекс борми, яхши. Ўнликдан укол қилинг. Хонадан ортиқча кишиларни олиб чиқинглар. Сиз доимо ёнида бўлинг.

- Бу сафаргиси ўтиши қийин кечса керак.

- Телевизорга нима бор? Олиш керак.

- Ўзингиз айтудингиз...

- Олиб чиқинг...

Шоир тепасидигилар билан гаплашгиси келиб, уларни кўришни истади. Уколлар таъсирида яна уйкуга кетди. Бошини лойқа сув қоплагандай, умуман ўзини бўғана ичида фарқ бўлаётгандай сездим. Нима

бўлаётганини англай олмади. Қаердадир кимлардир узук-юлуқ гапираяпти. Ҳар замонда бошининг орқа томирдан ушлаб кимдир қаттиқ тортаяпти. Шу азоб борапти. Бошининг орқасидан ўтган ингичка ип томирини боғли қўл тортиши билан ихрайди, шунда кимларнингдир овози яна кучаяди. Аёл кишининг овози... Йўқ, эрақ ҳам гапираяпти. Кейин жони бир оз ором топди. Бош оғриғидан қутулгандай бўлди. Овозлар ҳам ўчди.

Ҳамшира пешонсига кафтини босди. Иссиғи пасайибди. Қон босими ҳануз баланд. Тагин битта укол қилди. У бош ҳақимнинг айтганига мувофиқ тумба ичидаги ортиқча нарсаларни йиғиштириб қўйди. Қиз Хемингуэй, Ремарк, Эдгор По, Балзак, Ж. Рмонтов, Пикул каби таниш-нотаниш улуғларнинг китобини елим халтага жойлади. Беморнинг ортидан келгучиларга бериб юбораман деб ўйлади. Унга китоб ўқиш ҳам мумкин эмас. Ўзи эса шоир ётган каравот ёнидаги ўриндикда мункайиб ўтирган куйи "Ўн сккизга кирмаган ким бор"ни ўқий бошлади. Айтиш мумкинки, қиз дастлаб китобни вақт ўтказиш учун ўқиётган бўлса, бориб-бориб ҳаяжонга тушди, саҳифалардан бош кўтаролмай қолди. Бунча таниш воқеалар, (Ҳамшира қиз адабиётчилар тилида манзаралар демоқчи) кўнчалар ҳаётий. Худди кўриб турганингдай бўлсан-а. Қиз кўнгли китобга ошно бўлди. Ҳамшира ўн саккизда эди.

Шоир кўзини очди. Ёнида унинг ҳол-аҳволига жавобгар қиз китоб ўқияпти. "Мен эса тузукроқ нарса ёзолмадим... Демак, шунчалар кунларим беҳуда кетибди". Шоирнинг ичини оловли бир ўкинч куйдириб ўтди.

Ҳа. У уруш ҳақида ёзмоқ юқини елкасига олган эди. Лекин, ўзининг таҳминича бу ишни эплай олмади. Мана, умр дегани ҳам шамолдай учаркан... Йўқ умр шам, шу шамни умринг шамоли истаган пайтида ўчириши мумкин. Сендан сўраб ўтирмайди. Сен эса бошқалар кўрмаган урушни ўз кўзинг билан кўргансан, сен зўр ёзсан, деб юрган экансан. Шоирнинг юраги санчди. Кўзига ёш келди. Гапирмоқчи бўлиб тисланди. Ҳамшира уни тинчлантди. Кўкрагидан оҳиста ушлаб, жиминг ишорасини қилди.

- Китоб...

- Китоб. Яхши китоб экан, -қиз негадир миннатдорона бокди.

- Мен... яхши ёзаман ҳали...

- Ухланг. Илтмос. Сизга гапириш мумкинмас. Озгина ухланг, ўтиб кетади.

Қиз беморга дори ичирди.

"Мен кўп нарсалар қилишим керак эди..."

Шоир "Қулиб тур, азизим" деган романига уч йил олдин қўл урди. Негадир кейин ёзолмади. Юраги бетламади. Чала қолди.

...Иккала томонида одам бўйи баробар пахса девор тикланган йўл қишлоққа олиб боради. Икки чақирим юрилгач кўрғонлар бошланади. У кузатувчилик қилаётган жанговор машина (БМП-2) қишлоққа кирaverишда тўхтади. Машина устидаги пиёдалар деворни паналаб қишлоққа киришди. Орқада взводнинг тўртта ҳарбий машинаси келиб тўхтади ва уларда ўрнашган пиёда аскарлар ҳам худди шу ҳолни такорлади.

Кузнинг сокин тонги. Яланғоч дарахтлар қилт этмайди. Совуқ этни жунжиктиради. Бу сирли сокинлик ичра ўлим ваҳми кезади. Кичик уйлар, хароба ҳовлилар расом тасвирлаган аллақандай сувратни эсга солади. Взвод шу қишлоқни ёриб ўтиб, Баграм йўлида ҳимояга туриши керак. Қобулдан Саланг тоғларига озиқ-овқат олиб ўтаётган машиналарни кўриқлаб туриши лозим. Бу ер ўлим маскани деб номланган Чорикорнинг бошланиш қисми.

Пиёдалар қишлоққа кириб бўлди. Машиналарда ҳайдовчи ва кузатувчи-отувчилар қолди. У БМП-2 ичкарасига кириб бошидаги шлимафон учини алоқа қутисига тикди. Керакли рақамларни топиб взвод командири билан алоқа ўрнатди. Машинанинг отув милини рўпарадаги ҳовлига тўғрилаб, снаряд лентасини юқорига сурди. Отишга мослаб қўйди. Пулимёт лентасини



юклаб, тайёрлаб қўйди. Ўқ-дори етарли. Ҳайдовчи билан ички алоқани текширди. Жойида.

- Ринат, нега бунча жимлик? -деди ички алоқада ҳайдовчига.

Овози қалтираб чиқди.

- Билмадим. Отишга тайёрланиб тур. Ташқи алоқада комбат ҳеч нарса демадимми...

- Йўқ. Ҳеч нарса демади.

- Агар қочиб чиқиш керак бўлса, орқадаги учта машина бизга халақит беради.

- Агар орқадан ҳужум қилишса-чи?

- Унда машинани олдинга қаратиб ҳайдайман. Сен тўхтовсиз отаверасан. Алоқани узма.

- Ҳўп.

Беш дақиқа ўтди. Жимлик. Бундай пайтда иймонинг олти бўлади. Қўрқув ичингни кемириб, тўкиб адоий тамом қилади. Тезроқ бошлансаиди, деб сабрсизлик билан ўзингни даҳшат комига ургинг келаверади.

Ичкаридан, қишлоқ тарафдан ўқ овози эшитилмади. Қишлоқ гуёки бир аждарҳо, бутун бошли взводни ютиб юборгандай эди. Бу осудаликнинг ичида мудҳиш қўргулик борлигини ҳис қила бошлади.

- Эшитяпсанми? -деди Ринат ички алоқада безовталиқ билан.

- Нимани, -деб сўради у.

- Комбат алоқада ҳеч нарса демадимми?

- Уф... Йўқ... Комбатингни ҳам, взводни ҳам ер ютганга ўхшайди. Энди мени чалғитмагин...

У оёқларини асабий қимирлатиб, қалтираган қўйи машина ичкарисиди чека бошлади. Сигарет тутунини босиб-босиб тортар, ботини музлаб борарди. Урушда энг даҳшати шу. Қачон, қай маҳал жанг бошланиб сени ўққа тутишларини кутиб ўтириш. Бир маҳал ташқи алоқада комбатнинг хириллоқ овози эшитилди.

- Размах. Размах. Мен Сена... Мен Сенга қабулга ўтаман.

- Мен Размах, -деб жавоб берди қишлоқ ичкарисига ўн дақиқа олдин кириб жойлашган взвод командири.

- Размах! Мен Сена! Ип ортидан серсоқоллар таёқ ва бодринг ушлаб ўтишяпти... Фақат олдинга қараб олтиши бир.

- Мен Размах! Сизни тушундим. Ҳамма қутчалар! Мен Размах. Соат 12.00 бўйича б1.

Серсоқоллар - душман. Таёқ - қурол. Бодринг минамёт. б1 - ҳаракатлан, юр дегани. Демак душман ўраб олибди.

- Ринат! Тайёрлан... Машинани ёқ. Олдинга юр. Қопқонга тушибмиз. Биз қуршовдамиз, -деди у ҳайдовчига.

Алоқада қий-чув бошланди. Қопқада жойлашган ойнак орқали у орқага қаради. Шу заҳоти гумбурлаган овоз эшитилди. Ортдаги, охириги машина портлаб кетди.

- Ринат, бос! Тез. Ҳайда.

Машина олдга силжиди. Шу маҳал қўрғонлардан минамёт ва гранатамётлар ишлаб қолди. Салла ўраган душманлар тўп-тўп бўлиб чиқишиб машиналарга қарата ўт очди. Алоқада қий-чув бошланди. У сўл қўли билан пулимёт, ўнг қўли билан снаряд нуқтасини босди. Башниани ўнгга-сўлга автоматик равишда буриб қўзи тушган душманга тўғирлаб отаверди. Машина хароба бинолар ичкарисига кириб борди. Қишлоқнинг қоқ ўртасига бориб қолди. Қишлоқ душманнинг уяси эди. Пиёдалар учун қочиб чиқиш йўллари беркилганди. У машинага қараб югуриб келаётган пиёда аскарни кўрди. Аскар жон-жаҳди билан чопяпти. Шу маҳал девор панасидан уни пойлаб турган душман гранатамёти олов пурақди. Оний бир ҳолатда аскар танаси тир тўзғиб кетди. Урнида куюқ тутун кўтарилди. У шахд билан башниани душманга қарата буриб, пушқадан кетма-кет снаряд отди. Девор култепага айланди. Душман бурда-бурда бўлиб кетди. У қўрқувни унутди. Умуман қарахт ҳолга тушди. Сўлдаги ҳовлилардан биридан чопиб чиқаётган душманни кўрди.

- Ринат, чапга! Чапга ол!

Машина душманга тўғри бўлди.

- Устидан ҳайда онафарни! Бос. Тезроқ бос! Қув.

Душман қўлидаги қурол билан рўпарадаги яқинлашиб қолган баҳайбат машинани ҳеч нарса қилолмаслигини сезди ва қўрқувнинг зўридан ўзини девор панасига олишни ҳам унутиб олдга тушиб қочди.

- Бос! Тезроқ бос!

Душман жон ҳолатда югурди. Машина паст-баландликдан чайқалиб олдга учади. Ниҳоят душман машинанинг занжирли гилдираклари остида қолади. У кутириб боради. Ринат кутиради. Машина кутиради. Башни тинимсиз айланади. Отув мили оғзидан олов сочиб, снаряд отади. Пулимёт тинимсиз ишлайди. Ичкаридан пороҳ ҳиди, ачимсиқ тутун ўрлайди.

- Унг томонга от, ўнгга от!

У башниани ўнгга олди. Япаски уй деразасидан автомат ўт очаяпти. Уй бурчагида ўз взводдошининг ўлигини кўрди. У отув милини деразага тўғирлади. Ва, отди.

- Мана сенга! Мана! Мана! -телбанома қичқира бошлади.

- Тўхтат энди! Тўхтат...

Рўпарадаги кулба чанг тўзон ичида қолди.

Машина чуқур ариқдан тумшуғи ерга тегиб силкиниб ўтди. Унинг юзи тўғридаги кузатув мосламасига теғди. Оқриқни мутлақ сезмади. Башни тепасидаги қутига гранатамёт снаряди келиб теғди. Қути сочилиб кетди. Душман орқадан отди.

- Тезроқ ҳайда! Қочиб чиқайлик... Онасини...

Ринат машинани хавфсиз йўл - бепоён тоқзор ичига бурди. БМП-2 чуқур ариқли тоқзорни, пушталар узра гоҳ пасайиб-гоҳ юқорилаб кесиб ўтарди. Бу анча ишончли уриниш эди. Алоқадан комбатнинг шанғиллагани эшитилди.

- Ҳамма Размах қутиларига буюраман. Барчангиз Размах - ўн тўртинчи қутининг орқасидан юринглар... Размах - ўн тўртинчининг ортидан олтимиш бир...

Тоқзор тугаб яланглик бошланди. Машина ўқдай учади. Катта йўлга чиқиб олинса бўлди. Қисм ўша жойда тўланади. Ўн қақирим йўл босгандан сўнг қўшни қишлоқ бошланди. Қишлоқни тор йўл кесиб ўтади. Ринат БМП-2ни тор кўча четидаги деворга қарата бурди. Машина деворни ўпириб ўтди. Ивирсиган, тўзғиб кетган, хонавайрон бир ҳовлига кириб борди. Кулба ичидан беш яшарлар чамасида болакай югуриб чиқди ва девор томон чопи кетди. Ринат машинани тўхтатиб, кабинадан бошини чиқарди... Кабинадан АКСУ автоматини олиб болага тўғирлади.

- Нима қилаяпсан. Шошма!

- Отаман. Ҳаммасини отаман. Уруғини куйдираман...

У башнидан чиқиб ўзини Ринатнинг устига ташлади. Бўғиб олди. Юзига тарсаки туширди. Ринат бор овоз билан бақирар, тентакнамо бўлиб қичқирар, "Отаман, сени ҳам отаман, ўзимни ҳам отаман, ҳаммангни отаман" -деб уввос соларди. Машинадан тушиб қўлида қурол, телбаном қўйи ҳовлини гир айланиб, дод солиб югура бошлади. У кабинадаги сув идишни олиб Ринатнинг йўлини тўсиб чиқди. Силтаб йиқитди. Бошидан идишдаги бор сувни қуйиб юборди. Ринатнинг овози ўчди. Атрофига аланглаб қаради. Манглайини чангаллаб, унсиз эзилиб-езилиб йиғлади. У Ринатни суяб машинага олиб келди. Бўғзига нимадир тиқилди. У ҳам йиғлади... Хароба ичидан чиқиб келган жувон эса икки қўлини фалакка чўзиб ув солар, шафқатсиз шўро аскарини қарғар, афтидан Ринат иккисига Худодан ўлим сўрар, ҳозиргина қўрқиб қочган боласини улар отиб ўлдирдилар деган ўй билан зор қақшар эди.

Лекин болакай қочган томондан бошқа машиналар ҳам келаётгани аниқ, шўро аскарлари мислсиз ғазабга минган эди.

Зум ўтмай орқадан келиб тўхтаган БМП-2 устидаги аскарлар аёлга ўқ узди. Аёл бир силтанди, қўли ҳавланиб ичкарига сўнгги бора талпинди. Башни мили қулбани нишонга олди. Кетма-кет снаряд учди. Деворлари тўкилган кулба ичидан қип-қизил қуйлак кийган қизалоқ чириллаб чиқиб, ўзини аёл устига отди.

У кўзларини чирт юмиб олди. Машина юргандай бўлди... Алоқадан буйруқ келди...

- Отишмани тўхтатинглар. Тезроқ йўлга чиқинглар. Нима қиляпсанлар?!
 Урушда вақт қандай ўтганини сезмайсан. Взвод катта йўлда тўхтаган қисмга келиб қўшилганда, қуёш уфққа ағнаган эди. Взводдан олти нафар жангчи омон қолди. Битта машина ёниб кетди. Ўн олти нафар жангчи ҳалок бўлди. Унта аскар яраланган эди.

Кечга бориб оғир артилерия қишлоқни ўққа тутди. Самолётлар бомба ташлади. Унинг қулоқлари шангиллаб, иситмаси кўтарилиб, кўз олди қоронғулашиб борарди. Қисм фелдъшери узатган ампула таъсир қилмади. Ринат "Охотничье" сигаретига наша "юклуб" тутди. Икки бора босиб тортди. Бир оз чалғиди, оғриқ пасайгандай бўлди. Кейин замбилга солишди. Тепасида меровланиб турган Ринатни кўрди. Кўзини юмди. Қовоқлари шишиб борарди гўё. Боши зил-замбил.

- Тезроқ, вертолётга олиб чиқинглар, - деган гап қулогига чалинди. Кейин нима бўлди - билмайди.

Бошида гунғур-гунғур қиляётганларни пайқаб-пайқабмай ётибди. У госпиталдаман деган хаёлга борди. Тириклигига амин бўлди.

- Боши ишдан чиққан. Кантузия. Бу урушнинг асорати. Касали компрессияга айланса чатоқ бўлади. Олдини олиш зарур. Тутқаноғи тутяпти.

- Миясида шиш оғриқ беряпти.

- Дўхтир, айтган дорингизни хотини топиб келди.

- Ҳозирмас. Етарли.

- Олдига ҳеч кимни қўйманг...

- Икки соатдан кейин сизга кўнғироқ қиламан дўхтир...

- Яхши, профессор.

У алаҳсиган ҳолда тепасида гапларни эшитиб турар, лекин идрок қилолмасди.

- Ринат... Ринат, - деди зўрға.

- Тутқаноғи тутяпти, тагин. Глюкоза қуяйлик.

- Ринат. Воҳ бошим... От, Ринат.

Шифохона бош врач, невролог дўхтир ҳамда аллақадердан чақирилган профессор палатани тарк этишди.

Ҳамшира унинг қон босимини ўлчади... Томирига пирогетам уколини юборди.

Ташқарида баҳорий безовталиқ. Ҳаво тоза. Осмон мусафиро. Тирикликка жон кира бошлади. Ҳовлидаги ўриндиқда кенжа қизчасини бағрига босиб Барно эри ётган палата деразасига боқиб юм-юм йиғляпти. Лаблари пирпираб учади. Эндигина йигирма беш ёшга кирган жувон урушни қарғаб, қирғин-баротларни ланъатлаб-ланъатлаб йиғляпти.

Ким билсин, уруш туфайли хонавайрон бўлган, бошига мусибат тушган кишиларнинг қарғишию бегуноҳ болакайларнинг оҳ-зорлари боис ҳам эри шу жазога мустаҳкидир. Бироқ, жувон бу ҳақда сира ўйламас эди. У эрига яратгандан шифо сўрарди...

III

- Ринат, от. А-а-а-а! От!

Одам ўлим чангалида қолганда ҳамма нарса кинотасвирдайин кўз олдиндан лип-лип этиб ўтаверади. Оний бир пайтда, масалан, қаршингда турган душман сени отиб ўлдириши мумкинлигини англаган маҳалинг, яқинларинг, ўзинг учун қадрдон нарсалар хаёлингда бирма-бир жонланади. Шоирнинг аҳволи оғир эди. Бу дард уни олиб кетиши ҳам мумкин.

Унинг бошидаги оғриқ мия чайқалиши ё эзилиш эмас, балки касали компрессияга айланиб бўлган эди. Бошдаги зўриқиш, юқори ҳарорат беморни ҳушидан кеткизарди. Тутқаноқ ичида жон таслим қилиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Бундай пайтда ўз-ўзидан кўз томирлари ҳам тортилиб, таранглашиб боради.

Кўзини очди. Шифт. Бошини қимирлатишга мажולי бўлмади. Юқорига базўр қараб турди. Қовоғидан аллақандай куч босаётгандай бўлди. Боши орқага тортиб кетаяпти. Ихраб юборди. Пешонасини кимдир пайпаслади. Киприкларини очолмади. Тагин ҳушини йўқотди. Бошининг ичига кириб олиб нимадир тариллар,

борган сайин мияси ташқарига отилиб чиққудай бўлар, кўз олдида оқ ҳарир булутлар сузар, гоҳида бу оклик зимистонлик ичра фарқ бўлар, шунда орқа миясини аллақандай темир қўл жон-жаҳди билан суғуриб олишга уринарди. Жони бўғзига тикилиб, оғриқ зўридан талвасага тушарди.

Бир зумда палатада дўхтирлар тўпланди. Эрталабки профессор, бош врач, невролог, ҳамшира, яна иккита дўхтир шоирнинг тепасида ҳозир бўлишди.

- Глюкоза қуйинглар. Пирогетам уколини томирига юбориш керак. Бошқа дориларни таъсири сезилмади, - деди профессор.

Осма укол қўйдилар. Профессор айтган ампулани беморнинг томирига жўнатишди. Бир оз ўтиб, шайтонлаб ётган бемор тинчлангандай бўлди. Жонига шу дорилар бир озгина ором берди. У уйкуга кетди. Мияси тиниклаша бошлади.

IV

Шоир телевидениеда туппа-тузук ишлаб юрган эди. Кўрсатувлари ҳам эл оғзига тушиб қолди. Хаётни борича ҳикоя қиламан, шундайлигича кўрсатаман, экраннинг вазифаси шу, унга тикилиб турган миллионлаб нигоҳларга чўп суқолмайман, экранда алдаш шу халққа нисбатан хиёнатдир, деб ўйларди. Ва, шу тушунча билан иш юритарди. Унинг бу феъл-атвори кўпчиликка ёқмади. Айрим раҳбарлар унинг устидан ишхонасига шикоят ёзди. Бири нотўғри танқид қилди, деди. Қўли баландлари эса тўғридан-тўғри телевидения раҳбариятига ултиматум қўйди. Шу болангизни тартибга солинг ё ишдан кеткизинг. У парво қилмади. Бадиий кенгаш тузилиб, телебошловчилар синовдан ўтказилди. Шоирга эфирга чиқишга рухсат беришмади. Нега? Экранда ғамгин кўринар экан. Майли, деди. Кўрсатувларга сценарий ёзиб муҳаррирлик қилиб юраверди. Кунлардан бир куни кўрсатуви жонли эфирга қўйилган тележурналист бетоб бўлиб қолган экан, ишга келмади. Дирекция бошлиғи шоирни чақириб, оғайни, кутқаринг, бир амаллаб йигирма дақиқалик кўрсатувни олиб боринг, деди. Ким келади, кимни чақирасизлар, қайси мавзуда? Ҳеч ким билмайди. Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, биродар, ҳозир қайси йўналиш долзарб, бирорта олимними, сиёсатшуносними чақириб суҳбатлашинг.

Суҳбат бўлиб ўтди. Матбуотнинг зиммасидаги масъулияга хусусида. Шоир толган суҳбатдош ҳам дангал ва дадил сўзлади. Ҳозирги газеталар деярли бир хил йўналишда чоп этиляпти. ЎзА ахборотлари ва мақолаларини кўчириб босиб билан чекланиб қоляпти, газеталар шижоат кўрсатишмаяпти, деганди ўшанда. Бу кўрсатув ҳам катталардан. Шоир оқ қарғадай ажралиб, "ёмонотлик" бўлиб қолди. Бу майда-чуйда қарашлар унинг энсасини қотирарди.

Жазирама ёз куни. Қуёш нури ерга тигдай санчилади. Беадоқ далада хотин-халаж чопиқ қиляпти. Йўл четида дала шийпони. Шундоқ, катта йўлдан кўриниб турибди. Нафас олсанг олов ютадиган даражадаги иссиқда ишлаётган аёлларга, офтобда қуриб-қорайиб бораётган оналарга қараб ич-ичингдан тутайсан. Уларни ҳеч ким далага уриб-сўкиб ҳайдамагандир, ахир. Бирор бир манфаати бордир. Майли, шундай экан чопиқчи аёллар овқатланиб, ҳордиқ оладиган дала шийпониди ахвол қандай экан, синчилик билан шоир телеоператорни эргаштириб шийпонга кирди. Бу шармандалиқ эди. Шийпон молхонадан ҳам ҳароб. Ичи ўйилиб ётибди. Тўшамчи солинмаган. Ҳар жой-ҳар жойда ўзини пашшига талатиб кир-чир болакайлар думалаб-сумалаб ётишибди. Шийпоннинг эски устунларига ҳалинчаклар осилган. Пешоб ҳиди анқийди. Боғча опа алюминий товоқда қатиқ эзаяпти. Шийпоннинг ярмига офтоб келиб қолган. Ўн қадам наридаги чуқурликда ҳар хил кимёвий дорилар уюми. Уюм ёнидан ўтган ариқ шийпон ҳовлисидидаги ёғоч сўри тагидан оқади. Боғча опа ариқдан сўлоқмандай чўмишга сув олиб товоққа қуйиб қатиқни суйилтиришга киришди.

Бундан ҳам даҳшатли манзара, шийпоннинг кунчиқар томони, ўнгай бетида баҳайбат учта ҳайкал қад ростлаб

турибди. Ярашмаган ямоққа ўхшаш бу манзаранинг даҳшатли томони шундаки, истиқлолнинг бешинчи йили кетаётган бир пайтда миллатни, халқни таназзулга учрашига сабаб бўлган, империя даҳолари Ленин, Дзержинский, Сталиннинг ҳайкаллари улуғланиб, атрофига райхонлар, алвон гуллар экилиб, қўйилган эди. Бу ёқда болалар афтода аҳволда. Учта доҳийнинг ҳайкали эса, бу кунингдан ўл, қирилиб кет ҳамманг, эҳ нодонлар дейишаётгандай.

Шоирни титроқ босди.

- Қани бригадир... Қаерга кетди у, -деб сўради хали куймангланаётган опадан.

- Билмасам, журиб эди. Чопиқ бошига кетгандирда...

- Шу сувни ичайспизми...

Юрагида санчиқ турди. Аёлга гапириш бефойда эди.

Одам боласи шунчалар ўз қадрини тупроққа, тупроққа эмас, хув анови, уюм-уюм сассиқ дориларга белаидими. Бу ернинг раисини кўзи кўрми, ҳокими қаёққа қарайди. Уйинг куйгур мана шу катта йўлдан ҳар куни тўрт-беш маротаба ўтади. Раиснинг ҳам, ҳокимнинг ҳам уйига шу катта асфальт кўча олиб боради. Энг катта магистрал кўча шу. Тошкентга олиб боради.

- Ол, тасвирга тушир, -деди операторга, -аввал шийпоннинг шармандали аҳволини тасвирга ол, болаларга қарат камерани, бугун бизда шундай жойлар борлигини ҳамма билсин. Кейин манави доҳийларни ол. Бу ердаги раҳбарлар уларни ҳалиям ўз отасидай иззат қилади. Уларга сиғинади. Замон айланиб, эски тузим қайтиб келса, биз доимо олдинги давр томонда эдик, мана улуғларнинг ҳайкалларини жасорат кўрсатиб эъозлаб келдик, десалар керак...

Шоир жаҳл устида аччиқ-аччиқ, кесиб-кесиб гапирди, операторгами, анқовсираб турган, офтобда қорайиб кетган муштипаргами, ўзигами, англай олмади. Ҳар ҳолда ичидагини тўкиб солди.

Ердан чикдими, осмондан тушдими бригадир пайдо бўлди.

- Нима гап мухбирлар, укалар, -деди қалтираб-салтираб...

- Шийпонни, манови аҳволни расмга олаяпмиз...

- Эртан тузатамиз... Қони журиг, бир пиёло чай ичайик. Журиг оға, ҳей анови жойда солқин жер бор... Жўл журиб кегансизар...

Бригадир нима бўлаётганини англамай, хаёлотли бўлиб қараб турди. Шўрлик дехқон-да барибир. Газет ўқишга, телевизор кўришга вақти бўлмайди. Ўлиб кетсам, шу ердан ҳосил олсам, дейди. Буни қўлидан нима келарди. Ҳов анови белидан пасти офтобда қолиб ухлаётган болакайга гапирдинг нима, бунга гапирдинг нима?

- Манови ҳайкаллар нима қип турибди?

- Нима қилайик, олайикма?

- ...

Бунга гапириш фойдасиз эди...

- Кеча Термиздан катталар келиб эди. Даламизди моқтаб кетди. Ғўзамиз авж, укалар. Майли, ҳайкаллар ҳам нон-ош сўрамаса, турибди-да.

Юраги эзилди шоирнинг. Жони сим-сим оғриди. Бошини ерга эгиб, индамай изига қайтди.

... Кўрсатув пайванддан чиқди. Кечқурун эфирга узатилиши керак.

Кўрсатув эфирга берилмади. Кассетани кимдир билмасдан ўчириб юборибди.

Бир ҳамкасби шоирни қўлтиқлаб суйкалган бўлди.

- Хафа бўлманг. Эътибор берманг. Ўйлашга арзимайди.

- Бундай нарсалар ўлган одамлар учун ўйлашга арзимайди, -деди у кесатиб. Суйкалганнинг капалаги учди.

Кечки кузак ҳавоси совий бошлаган. Борлиқдан намлик ҳиди келади.

Ёмғир томчиларди. Осмон билан ер бир-бирига яқинлашиб бораётгандай, кишида эзгин ва сиқик кайфиятни пайдо қиларди. Шоирнинг юраги санчди. Босиб-босиб чекди. Бошига оғриқ кирди. У телевидения биносидан тезроқ узоқлашиш мақсадида шахдам қадам

ташлади. Санъат саройидан ўтиб, йўл четидаги емакхонага қараб юрди. Икки юз грамм отиб олишни ва ҳаммасига қўл силкишни ният қилди.

Миясида бир фикр айланарди: Ўлган одамларгина фикрламайди... Ўлган одамларгина фикрламайди...

- Ўлган одамларгина фикрламайди. Улмаслик керак...

У нега бундай дётганини ўзи сезмади. Бошининг оғриги пасайди.

Атрофга аланглади. Эшик қия очик турибди. Ҳамшира йўлақда столга кўксини бериб алланималарни ёзаяпти. Шоирнинг уйғонганини сезиб ичкарига кирди. Чехраси самимий, боқишлари беозор.

- Яхши бўлди, турганингиз. Ҳозир сизга лимонли чой бераман. Анчагина ухладингиз, -деди у ҳеч нарса билмагандай.

- Шу... бошим оғриб тортишди. Алахсидим, шекилли. Мен ухладим, чамамда.

Шоир қўйнаиб, ҳорғин сўзлади.

- Йўқ. Сиз чарчаган экансиз. Укол қилдим. Кўпроқ ухладингиз холос. Ҳозир... Аҳволингиз анча тузук. Қани энди, рухсатингиз билан манави лимонли чойни ичиб олинг. Қани, қўлингизни беринг...

Киз унинг қон босимини ўлчади.

- Яхши. Бошингизнинг оғриғи ҳам пасайди, чоғимда. Энди ором оласиз. Дарвоқе, Барно опам билан ҳам танишиб олдик. Келиб кетдилар. Ухлаётгандингиз, безовта қилмайин дедилар. Сизга товуқ шўрва олиб келдилар. Ҳозир ҳеч бўлмаса ярим коса ичиб олинг.

- Барно кетдимиз?

- Кечроқ келадилар... Аҳволингиз яхши эди, хотиржам бўлиб уйга жўнадилар. Ялиниб ёлвордилар, мана шу шўрвани ичкарсиз. Қани, озгина бошингизни кўтаринг. Йўқ, косани ўзим ушлаб тураман.

Шоир қошиққа чўзган ўнг қўлида оғриқ сезди. Нина излари... қизариб турарди. Сўл қўлида ҳам худди шундай. Шоир ҳамширага саволмуз қаради.

- Энди хавотир олманг. Ўзингизни аянг. Ўтиб кетди.

Шоир шўрвадан уч-тўрт қошиқ хуплаган бўлди. Бошидаги "гутқи" яна тортилди.

- Мен ётай...

- Майли. Сиз кўпроқ ухлаб, камроқ фикрлашингиз керак. Олдин манови дорини ичиб олинг.

Камроқ фикрлашингиз керак. Шоирнинг лаблари беихтиёр пичирлади: *Ўлган одамларгина фикрламайдилар.* Қачон, қаерда айтувди бу гапни? Жуда таниш гап... Эслай олмади. Унинг мияси чарчаган, ўйлаш учун ҳеч бир куч тополмасди ўзида. Идрок туйғуларини кетма-кет берилган дори-уколлар босиб, жиловлаб турарди. У шу ҳолида қаршисида эмранибгина турган, уни деб ўзини койитаётган, соғайиб кетишини жон-жонидан истаётган қизга нимадир дегиси, яхши гап айтгиси келди. Унинг олдида ўзини қарздор деб билди. Уялгандай бўлди. Бирор бир гап топиб ҳамширанинг кўнглини кўтариш, шу билан бирга ўртадаги хижолат туманини тарқатишга чора изларди.

Шоир бу масалани ҳамширанинг бурчи, мен бемор, у менга қарши, даволаши керак, деб тушунолмасди. Унинг учун бурч деган нарса совуққонликка ишора эди. Шоир меҳр, инсон меҳрининг тафти олдида бош эгиш ва бу туйғуни эъозлаш керак деб тушунарди.

Бу кайфият унда болалигдаёқ пайдо бўлган эди. Ким яхши гапирса ўша одамни қалбига яқин оларди. Айёрликни билмасди. Ҳамқишлоқлар ток юмшатиш, лойсувоқ ёки ўт ўришга ҳашарга чақирса бас, ҳаммадан олдин борарди. Шу одамнинг иши тушибди, деб бошқа ўртоқларига нисбатан кўпроқ ишлар, тиним билмасди. Ҳашар охирига етмагунча кетмасди. Гуёки, у бу ердан кетса иш тўхтаб қоладигандай тасаввур қиларди.

Уйдаги мол-ҳолнинг ташвиши унинг бўйнида эди. Саратоннинг жизғанагида куйиб-пишиб далама-дала ўт ахтариб юрарди. Чап қўлининг барча бармоғини икки юз бора ўроққа олдириб бўлганди. Каналнинг ости, каналнинг усти, Обшир қишлоқ даласи, говтуда, жона, чорбоғ, беш гектар, оқ тепа, бақироқ қўл сингари ёввойи ўт қўп далалар ҳалак, шоирнинг болалиги ҳалак, чўлоқ эшаги ҳалак эди у паллалар. Лагер нималигини

билмади. Ёзги мактаб таътилида катта шаҳарларга саёҳат нималигини билмади. Билгани шу дала, хуржун тўла ўт, еб-тўймас мол-ҳол бўлди. Юқори синфга кўчганда отасининг кўлига аро кирди. Ота-бола паҳса уришди. Дастлаб уялгандай бўлди. Бировларнинг ишини қилиш, деворини уриб беришга юзи бетламади. Лекин, отасини кўзи қиймади. Бир ўзи оилани боқишга қийналиб қолапти. Кейин ота-боланинг бирга паҳса уришига одамлар ҳам кўниқди. Домлалар, мактабдошлари ҳам ўрганиб қолишди. Синфдош қизларидан ҳам уялмайдиган бўлди. Отасининг бир гапини юрагига муҳраб олди: *Фақат ўз меҳнатинг билан унасан. Тоza толганинг татийди.*

Баҳорда одамларнинг боғини юмшатиб, ёзда деворини тиклаб ўсмирлик билан хайрлашди. Ёшлигиданоқ ҳаётнинг паст-баландини чамалаб кўрди. Кунлари қийинчилик билан кечганиданми, эзилгани кўрса кўнгли ачийди, бағри куяди. Ўзига нисбатан яхшилик қилганларни бошига кўтаргиси келади.

Шоир ўзини яхши ҳис қила бошлади. Ҳарорати тушиб, жиққа бўлиб терлади. Ҳамшира дори-дармон терилган стол устидан аллақандай шишачага шприц тикиб суюқликни тортиб олапти.

- Синглим, энди буниси қандай укол бўлди, - деди у зада бўлган оҳангда.

- Кўркманг, билинмайди. Аччиқ эмас. Лазекс деган укол бу. Мускул орасига юборилади. Асабингизни тинчлантиради.

- Раҳмат Сизга. Бу яхшилигингизни қачон қайтараман... Мендан қайтмаса, Худодан қайтсин.

- Мен Сизга нима яхшилик қилибман...

- Синглим, Сизнинг олдингизда барибир қарздорман...

- Унда бундай қиламиз... Худди Шукур Холмирзаевникидай ҳаётинг қилиб (ҳа, у айнан ҳаётинг деб айтди) эзилган китоблар топиб берасиз. Соғайиб кетсангиз, кейин шеърларингиздан ўқиб берасиз, - деди.

- Келишдик. Шукур ақанинг китоби ёқдимиз?

- Жуда зўр. Хозирча ўқиб тугатмадим.

- Янгангиз келса айтаман, уйда у кишининг бошқа китоблариям бор олиб келади. Сизга совға қиламан.

- Вой, бунча зўр...

- Адабиётни яхши кўрасизми?

- Ҳа. Майли, гаплашиб ҳам олдик... Уколдан кейин бироз мизғиб олишингиз керак... Режимга риоя қилсак, тез тузаламиз.

Кун бўйи оғриқ хуружидан чарчаган шоирни яна уйку элитди.

Сарҳадсиз текислик. Атроф оппоқ туман қўйнида. Шоир қўшдай енгил бўлиб югуриб бораяпти. Хаёли осмон қадар кенг. Негадир тинимсиз кулади. Ялангоёқ чопиб бораяпти. Ям-яшил майсалар оёғига хуш ёқади. Бундай гўзал кеча ҳеч қачон бўлмайди, бу эзгулик кечаси, деб қичқирарди у. Борлиқ оппоқ рангга фарқ бўлган. Фалакда юлдузлар зўрға кўринади. Нур ёғмайди, дейишганди, бекор гап экан, мана, оқ нур ҳам ёғаркан, дейди ўз-ўзига: ... Шу маҳал қаршисида уфқранг шойи либосга бурканиб олган катта энаси (раҳматли момосини эна дерди) турганини кўрди. Энам тирик экан-да, деб из-из йиғляпти. Катта энаси эса кўлини силкиб қайт, ишорасини қилди. Келган томонига кўлини ниқаб алланималардир демочи бўлди. Шоир тўхтаб орқага қаради. Ортида учта фарзанди, Барнони кўрди. Улар қўл силтаб чорлашяпти. Раҳматли энаси ҳамон орқанга қайт деган ишорани қилаяпти. Бир фарзандларига, бир катта энасига қарайди. Шу пайт катта энаси кўздан ғойиб бўлди. Энам мени фарзандларимга ташлаб кетди, деган уй келиб урилди хаёлига. Болалари ёнига қайтди. Уларни бир-бир кучиб дув-дув кўз ёши тўкаверди. Энам мени олиб кетмади, қайтиб келдим. Сизлар билан қоламан, деб уларни бағрига боса бошлади.

- Энам мени олиб кетмади... Қайтиб келдим. Сизлар билан қоламан...

Барно унинг кўз ёшларини артаётганмиш. У туйқус кўзини очди. Тепасида учта фарзанди билан Барно турибди. Барно унинг чаккаларига тушган кўз ёшларини

рўмолчаси билан артаяпти.

- Дадаси, ҳар нарса деб кўрқитманг бизни. Мана келдик. Анчагина тузуксиз. Ҳаммаси ўтиб кетди, энди. Қани, адажонларинг билан кўришинглар...

У фарзандларининг қўлларини кўзига босди. Ўзини ўнглаб олди. Айни дамда чиройи очилди.

- Дадаси, кеч бўп қолди. Мана, қайнатма шўрва олиб келдик... Овқатланиб олинг, зўрға кирдик - икки дақиқага. Катта духтур кўриб қолмасин, ишқилиб. Барака топгур Гўзалга ёлвордик, рухсат берди. Ўзи эшик олдида қоровуллик қилиб турибди. Духтирлар сөзиб қолишса унга ҳам гап тегади.

Шоир фарзандларини кўриб кўнгли кўтарилди. Улар билан хушлашаётган чоғда эса фикри ёришгандай бўлди.

V

Шоирнинг ўй-хаёли ўша кундан бери зимистон эди. Ўлим тушагига олиб келган ўша кунги воқеа шу фарзандлари кўзидаги хавотиру ҳадик олдида бир чақага ҳам арзимаслигини у ҳозир, мана шу дамда, фарзандларини бағрига босаётганда чуқур ҳис қилди. Бу ҳол унга қанот, куч бағишлади. Уруш асабини эмира бошлаган инсон учун бу дунёда энг ишончли суянчиқнинг борлиғи нақадар ёқимли бўлишини у англаб етди. Унинг учун бирдан бир суянч фарзандлари, оиласи эди.

VI

Хуллас, шоир телевидения биносидан кимдир ортидан югуриб келаётганидек, гуёки қайрилиб қараса уни чақириб қолиши мумкиндек тез-тез юри муюлишдаги емакхонага бурилди. Ҳозиргина содир бўлган ҳодиса ҳақида ўйламастикка ҳаракат қиларди. Лекин, ўз ўзидан газаби тошаётганини ҳис этди. Одам боласи шунчалар ҳам тутруксиз, турланувчан бўладими-а, кап-катта одамлар. Айтган гапларини кулоқлари эшитмайди.

Совуқ этни жунжуктиради. Ёмғир кучайди. Муздай шамол урилди юзига. Обҳавонинг тундлиги шоирнинг кайфиятига мос эди. У ёмғирпуши ёқасини кўтариб олди.

Емакхона рўпарадаги бекатда ҳамкасбини кўрди. Уйига кетаяпти чоғи. Шоир ҳамкасбини имлаб чақирди. Емакхонага ишора қилиб, ҳалигидан урамиз белгисини билдирди. Ҳамкасби ҳам шуни кутиб тургани каби емакхона томон юрди.

Столни шоирона қилишди - битта ароқ, салат, қовурилган картошка, икки шиша Тошкент суви.

- Ҳавоям на уёқлик на буюқлик бўлди - деди шоир қўлларини бир-бирига ишқаб. - Олдикми?

- Энди ёғади. Совуқлашяпти. Осмон булут бўлган кезлар кўнглим сиқилади, - деди.

- Яхшилик учун.

Улар бир кўтаришда идишларни қуритдилар. Столдаги бор нарсалардан таътиб кўрган бўлишди.

- Қаёққа кетаяпсиз, ҳозир иш тугамади-ку...

- Уйга. Ўзингизга йўл бўлсин?

- Мен шу ерга. Жиндай отиб олиб дунёни унутиб уйга жўнашни мўлжаллаган эдим. Мана Сиз шерик бўлдингиз, бу жуда яхши.

- Бугун "отиш"ни шунчаки кўнглингиз тусаганмиди?..

- Ҳа. Аниқроғи, шундай бўлиб қолди.

- Нима бўлди?..

- Эй, арзимайди.

Улар тагин биттадан сипқаришди. Қизишди. Гаплари тобора қовушиб борарди.

- Менга фарқи йўқ. Минғир-синғир қилиб, шинғиллашаверсин. Шу ишхонада ишламаслигим ҳам мумкин. Лекин, шу майда-чуйда, иприсқи гап-сўзлар ҳам қалбингни кемириб тургани чатоқ. Улай агар телеюлдуз бўлиш орзуси кўнглим кўчасидан ўтмаган. Мен бунди сира-сира истамайман. Фақат ёзсам дейман. Эҳ, ёзишим учун эса, яна ўша ланъати уруш, азоблар ҳақида ўйлашга мажбурлигим мени қийнайди.

- Одам ўзига яқин ва таниш манзарани яхши тасвирлайди. Уруш ҳақида ёзишининг ўзи бўлмайди. Бу дунё адабиётини кексайтирган мавзу. Яхши биласиз. Уруш ҳақидаги кичик бир ҳикоя ёки ёстикдай романи,



бу фалон жойда содир этилган уруш тўғрисидаги асар деб эмас, инсониятнинг фожиаси, ёвузлиги фош қилинган асар деб қаралмоғи керак. Ана шундай даражадаги асарни яратиш ҳар қандай ёзувчининг қўлидан келмайди. Уруш асари Инсон ва унинг таққирланган орзулари, ўққа учган муҳаббати, издан чиққан ҳаётини ҳикоя қилмоғи лозим. Уруш адабиёти тириклик ва ўлим, эзулик ва ёвузлик ораллигидаги мунгли бир кўшиқдир. Ҳамма миллат ва элатларга тушунарли кўшиқ. Мисол учун афгон уруши. Вьетнам уруши, Иккинчи жаҳон уруши, ёйинки ер юзидаги барча урушларни битта ном - Уруш деб аташ керак. Демак, инсонни жиддий ўйга толдирадиган, башарият кўнглига оғриқ солувчи дард бу. Қолган нарсаларга чалгиманг. Урушни кўргансиз... Ёзинг. Ҳозир куч-қувватингиз бор. Кўп гапирдим... Манови ҳаёлимни айлантирди, шекилли? Олаимизми?

- Қани олдик. Хурсандман. Очиғи, Хемингуэй, Ремарк, Толстойлар тасвирлаб кетган урушлар замин қадар, ҳаёт қадар китобхон юрагини ларзага солаверади. Ҳарорат ҳам бор, совуққонлик ҳам бор, севги ҳам бор, ўлим ҳам бор - қисқаса ҳаёт бор. Во, ҳаёт. Уруш. Уруш... Уруш... Менинг кўнглимда нима ғам бор... Ўзимга аён, ака... Афсус, айрим хумкаллалар шунчалар бир паст ишларни қилиб нөрвимни кўзитганига тутаб кетаман... Нега унақасан, унга ён бос, бунга ён бос, ҳалигини хурматини қил, у катта, бу катта - мансаби бор... Эй, шуларни бир зиёли деб, шулар билан бирга нафас олиб бўладими? Майли, шундай палағда бўлиб дунёга келган экансан, нима қиласан бошқаларни ҳам ўзингнинг сафингга тортиб.

- Эй, кўйинг, шуларни. Капейка... Бир тийинга қиммат нарсалар булар...

- Узр. Яна чалгидим. Бир роман қоралайман. Қўлёмасини бераман. Ўқиб кўрасиз... Ўзи урушдан қайтган, лекин мен урушдан қайтиб келмадим деб китоб ёзаётган бир ёзувчининг ҳаёти ҳақида... Ҳа, шундай... Уруш кўрган одамнинг урушда қолиб, уруш ичида яшаши тўғрисида бир асар...

- Ғалати фикрлар...

- Ака, бир гап айтаман... Яқинда Шукур акага, Холмирзаевга... Эй, охири қолибди, келинг кўтарайлик шуниям... Яхши бўлаяпти...

- Энг гўзал туйғу, адабиёт учун...

- Адабиёт учун.

Охиргисини ҳам олдилар. Аччиқ салат газак ўрнида бўлди.

- Хўш... Нима деётувдим. Уф, шуни ўзи яхши. Лекин, кўргур эсни олади...

- Ҳозир... ҳозир... Ҳа, Шукур ака деётувдингиз.

- Во! Яқинда Шукур ака билан бирга чой ичдик. Шукур ака, дедим бир гап айтайинми, дедим. Айт деди. Ўртада мановиндан бор эди. Кайфиятимиз чаккимас эди. Хўш, ҳа, кейин Шукур акага ҳалиги гапни айтдим. У кишининг чеҳраси ғалати бўлди, қошлари уюлди... Менга украйиб қарагандай бўлди. Разм солдим. Мени кўрмапти. Кейин, ерга қараб сукутга чўмди-да, яна менга анграйиб қаради. Даҳшат-а, деди. Сўнг кўзларига лиққа-лиқ ёш келди. Йиғлапти.

- Нима дедингиз?

- Шукур ака, мен яқинда қишлоққа бордим. Афғонда бўлган дўстим ўзини осиб қўйибди. Кейинги пайтлар одамови бўлиб қолган экан дедим. Нега шундай бўлибди, биласизми, деди у мунгли оҳангда. Ҳеч нарса деёлмай қараб туравердим. Ҳа, билмайсиз. Агар урушдан қайтган одамнинг нима сабабдан ўзини осиб қўйишни тушунтиришга қўрбингиз етса эди... У бекорга ўзини осмаган. Мана сизга урушнинг аянчли тасвири. Шуни ёзиш керак, деди Шукур ака. Уф, ҳа, майли.

- Кейин нима бўлди?

- Кейин Шукур ака туз тотмай ўтираверди. Ароқ ҳам ичмади. Ука, кетайлик деди, секингина. Эҳ... Ака, яна битта айтайлик. Ҳозир... барвақт. Уйдаям нима қиламиз.

- Етар, балки.

- Йўқ... Бир кўнгли очилди-да.

- Майли...

Улар яна биттани стол устига дўққайтириб қўйдилар. Бу гал газакка шўр бодринг, сўзма, тўрт бўлак қовурилган балиқ буюришди. Қадаҳлар тўлғазилди. Ҳамсухбатлар бир-бирига энгашиброқ ўтирдилар.

- Баъзи бировлар, ҳамма нарсаси етарли бўлгандагина, тўқ яшасагина ёзувчи шоирлар яхши ижод қиладилар, деб ўйлайдилар. Бир қараганда шу гап...

- Оч бўлсангиз ҳам кўнглингиз хотиржам бўлиши керак, ака... менимча.

- Менимча ҳам шу гап тўғри... Бошимни олди.. манови..

- Мана менинг ижод ташвишимни ҳаётдаги ташвишларим босиб кетганга ўхшайди. Мана, таниш билишлардан қарз-ҳаволо қилиб, қарз қилиб, қарздор... бўлиб уй олдим... Билмайман, қандай қутуламан. Лекин... лекин. Уйинг, оиланг бўлмаса ҳам... пойтахтда яшаб бўлмайди-да.

- Майли, омон бўлайлик... Энг асосийси, ижодни маҳкам ушлаш керак.

- Эй, бари бир тийин... Қани... биргаликда... Уф... гугуртингизни узатинг. Хўш, мен ҳали урушни гапирдим... Онасини... урушни. Яраландим... Кейин... қисмимизда бир, йўқ санчасда бир ҳамшира қиз бор эди. У менинг яраларимни боғларди. Кейин Баграмдаги жангга у ҳам чиққан экан. Исми Аня эди... Машинаси минани босибди, портлаб кетди. Қизнинг чап юзидан ва сўй қўлига асколка тегди. Қобулга, госпиталга олиб бордик... Аёл кишининг ярадор бўлиб қонига бўялиб ётиши аянчли кўринаркан. Шунда ўзимни тутолмай, йиғлаганман. Уч ойдан кейин контузига бўлиб госпиталга тушдим. Аняни кўриб қолдим. Қўли тирсагидан кесиб ташланган. Оқсаб ҳам юрибди. Оёғи ҳам жароҳатланган экан. Юзини айтгилиги йўқ. Қарасангиз кўрқиб кетасиз. Мени таниди. Қараб турди. Айтдим-ку, санчасда ярамни боғлар эди, деб. Ёнимга келолмади. Бурилиб кетди. Шунда бунақанги кунларни лаънатлаганман. Тирикчим учун ўзимдан ҳам нафратланганман. Гулдай очилиб юрган жувон майиб-мажруҳ, боқсанг этинг жимирлайдиган хунук бир махлуққа айланиб қолган эди. Ким билсин, балки урушга пул топиш учун келгандир, балки ҳаётнинг тақозоси ўлароқ бу ерларга келишга мажбур бўлгандир... Ҳар ҳолда, ҳанузгача шу қиёфа, шу ҳолат ёдимга тушса юрагим музлаб кетади.

- Даҳшат.

- Даҳшат ҳам гапми, ака... Энди ўша аёл бир умр урушни қарғаб, йиғлаб, ич-ичидан тўкилиб яшайди. Наридан борса у ҳозир ўттиз ёшга киргандир. Ҳа, ўттиз ёшида ўтинга айланган гўзаллик... Уруш қисмат оловига улоқтирган гул... Кайфим ошди... Узр.

- Тураимизми?

- Ҳа. Турдик..

Ташқарига гира-шира қоронғулик чўқди. Эзиб ёмғир ёғар, кенг кўчадан машиналар сув сачратиб ўтади. Йўлда қўлмақчалар пайдо бўлган. Дарахтлардан узилиб тушган сўнги япроқларни ёмғир савалаб, бетон йўлак билан битта қилиб ташламоқчидай.

Шоир сигарет тутатди. Нам ҳавода сигарет тутуни буралиб юксакка ўрлади. Бу ҳолат шоир учун мароқли эди. Ёмғир. Гира-ширлик. Салқин ҳаво... У кейинги бекатгача яёв юргиси келди. Борлиқда алланечун маҳзунлик бор эди. Кузнинг ўзига хос бу манзараси айни чоғда шоирга хуш ёқар эди. Унинг кайфияти анча баланд эди.

Ҳозирги улфатчилик жуда мароқли ўтди. Агар юрагинг оғирлик қилса, ўзинг кўтаришга дош беролмасанг, яқин, садоқатли биродарларинг кўмак берадилар, деган ўй ўтди ҳаёлидан. Шоир ўз фалсафасидан мағрурланиб, жилмайиб қўйди.

VII

- Аҳволи қандай?

- Ухляпти, дўхтир.

- Қон босими, ҳароратини ўлчадингизми?

- Анча тузук, тушиб қолди. Алаҳсиши йўқолди. Икки соатдан бери ухляпти.

- Ҳа... Ўтиб кетгани чин бўлсин. Асаблари чарчаган.

Урушда бошига зарар етган. Яхши даволанмаган. Бугунга келиб эски дарди кучайиб, хуруж қилаяпти. Беморга фақат тинчлик, хотиржамлик керак. Ҳаётдаги турли хил ташвишлар ҳам зарба бўлган. Бундай касаллик билан оғриган бемор учун аччиқланиш сира-сира мумкин эмас. Ўқигансиз, тушунасиз. Иложи борича беморга хотиржамлик зарурлигини унутманг. Ҳеч кимни олдига қўйманг. Соат бўққиз бўлди. Анча кеч. Бунақа пайтда ҳеч ким келмаса керак. Ҳа, эсимдан чиқай дебди, хотинига айтинг, ҳеч қандай дори-дармонга овора бўлмасин. Афғонда бўлганлар учун алоҳида заҳира бор. Бепул ажратилади дорилар. Эрталаб профессорнинг олдига одамни хижолат қилдингиз. Ким айтган эди, хотинига дори олиб кел, деб? -бош врач ҳамширага саволмуз қаради.

- Врач Исмоилов айтувди.
- Эси жойидами унинг. Айтинг, эрталаб менинг олдима кирсин. Бўпти, эҳтиёт бўлинг. Мен кетдим. Бирор қор-қол юз берса уйга қўнғироқ қилинглр... Айтмоқчи, Исмоилов қани?

- Тепадаги беморнинг хузурида...
- Бундан ҳам оғир бемормикин... Ахир, кўриб турибсизлар-ку буни аҳволини... Айтиб чиқинг бу ёққа.. Тепадаги қанақа касал у...

- Прокурор бор-ку. Эртага жавоб бериладиган... Кетади, -деди ҳамшира.

- Оббо! Нега шунақа булар. Нега одамига қараб ирғишлайди булар... Нима, бошқалар одам эмасми-а? Нима, касалхонада ҳамма бир хил бемор эканлигини, беморнинг ҳам оғир ёки энгил касаллангани бўлиши мумкинлигини булар тушунишмайди-а? Тушунишади... Лекин, эҳ. Чақиринг Исмоиловни!

Ҳамшира хонадан югургилаб чиқиб кетди. Бош врач асабий ҳолда ортига қайтиб, шоирнинг ёнига келди. Хайрият, ухляпти. Уйқуси тоза. Боши энгил тортган.

- Чақирдингизми, Ақром Тоҳирович.
Остонада Исмоилов кўринди.
- Ука, биз учун ҳозирча жиддий ва хушёрлик билан назорат қилишимиз, бутун диққат, эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган, аҳволи оғир касал мана бу киши. Тушундингизми?

- Туш... тушундим... Ақром Тоҳирович. Мен беморнинг қон босимини ўлчаётган эдим...

- Сиз мени яхши тушундингизми?
- Тушундим.

- Гўзалга тайинладим. Хушёр турунглр. Шу қаватдан жилманг. Ҳар чорак соатда бемордан хабар олиб турунглр. Ҳа, айтмоқчи, нега беморнинг хотинига дори олиб келишини буюрддингиз? Сизга ким айтди, шундай қилиш керак деб?

- Мен... мен. Ўзингиз белгиланган дориларни айтувдим.

- Мен сизга шу дориларни беморнинг ёнидан сотиб оламиз деб айтдимми?

- Йўқ... йўқ.
- Исмоилов, одамда фаросат бўлиш керак. Одамда виждон бўлиши керак. Касаллик варақасини ўқинг. Кўзингиз борми? Уруш қатнашчиси бу. Қолаверса, аҳволи ўзингизга маълум. Қачонгача бировлардан юламан, юлғичлик қиламан дейишимиз керак. Мен Сизни оғоҳлантирдим. Бундай ўйинни охириг марта қилинг. Қулоғингизга қуйиб олинг. Тепа палатадаги прокурор, раис ва ҳоказоларнинг аҳволи анча тузук. Уларга бир нарса керак бўлса, ана Гўзал боради. Тушунарлими? Сиздақаларнинг тили билан айтганда, ётган бемор ҳам "кичкина" одам эмас.

- Туш... тушундим.
Бош врач Исмоиловга бир ўқрайиб қаради-да палатадан чиқиб кетди. Исмоиловнинг жони товонига тушди. Ҳамшира қиз Гўзал йўлакда ҳангу манг бўлиб турарди. У бўлиб ўтган воқеани пайқаманликка олиб ўриндиққа чўқди ва столга энкайиб нималарнидир ёза бошлади.

- Кайфиятни расво қилди. Бемор каттанинг одамими? -деб сўради у Гўзалдан.

- Нега энди.. Йўқ. Аммо, жудаям яхши одам. Тузалиб

кетсин ишқилиб.

Гўзал бу гапларни оҳистагина ўзига айтди, Исмоиловга айтди, англаб бўлмас эди. Унинг чақмоқ кўзлари бир нуқтада қотиб турарди. У палатага кириб тумба устидаги идишларни йиғиштирди. Нон бўлагини елим халтага солиб тумба ичкарасига қўяётиб китобсифат ёндафтарни тушириб юборди. Қора муқовали, ўртасида сариқ телефон аппарати тасвирланган ён дафтар саҳифалари очилиб қолди. Гўзал ён дафтарнинг очиқ саҳифасидаги куйидаги жумлаларга кўз ташлади. «Агар юрагинг оғирлик қилиб, сен уни кўтаролмасанг садокатли дўстларинг кўмак берадилар...» Гўзалга бу гап бир оз галати туюлди. Сўнгра кейинги қаторни ўқиди: «У бўлмаганида эди, ўлим мени аллақачон ўлдирар эди».

Қиз ҳаяжонга тушди. Юзидан чўғ сачради. Ичида алланечук оғриқ сезгандай бўлди. Шу лаҳзанинг ўзида ўша У ким экан, деган ўй фикрини чақмоқдай ёриб ўтди. Кейин... хаёлига келган гапдан ўзи уялди. Ён дафтарни ёпти-да, тумбанинг иккинчи тахтачасига солиб қўйди. «Ун саккизга кирмаган ким бор»нинг сўнги саҳифаларини ўқий бошлади.

Шоир тинчгина мизғирди. Юзини бир оз оқаринқираганини ҳисобга олмаганда, дунёнинг ташвишу гамларидан холи, бахтиёр бир одам ухляпти, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин беғам одам касалхонанинг бунақанги бўлимига тушмас эди.

- Касалимизнинг ҳоли қандай? - Исмоилов эшикдан бошини суқди.

- Яхши. Ухляпти. Менимча дорининг ҳожати йўқ.
- Гўзал, мен хонадаман. Телевизорда яхши нарса бўлаяпти... Бир гап бўлса чиқарсиз, - Исмоиловнинг боши эшикдан қандай пайдо бўлган бўлса, ана шундай ҳолатда гойиб бўлди.

Гўзал «Ун саккизга кирмаган ким бор»ни тугатиб, анчагача хаёлга толди. Қанақадир ўзига таниш воқеалар эсига тушди. Доим шунақа. Қандай китоб ўқимасин ўз хаётига тааллуқли ҳодисаларни топади. Гуёки, дунёнинг барча китобларида Гўзал деган бир қизнинг ҳаёти, қарашлари акс этиши керакдай.

У негадир ўша, тумба ичидаги қалин муқовали ён дафтарни варақлагиси келаётганини ҳис қилди. Қайсидир бир куч дилидаги бу истакни аланга олдирар, очиги, қизнинг шоирга қизиқиши ортиб борар, буни шунчаки бир ҳис деб изоҳлаб беришларининг ҳожати йўқлигини ўқувчи тушуниб турган бўлса керак.

Гўзал астагина, авайлаб тумба қопқасини очди-да ён дафтарни варақлаб кўрди. Бармоқларига ўт югургандай бўлди. У нега бу йигит билан шунчалар қизиқиб, ўзига яқин олаётганини англамаган ҳолда ғайриихтиёрий ҳаракат қиларди. Ён дафтар саҳифасида турли хил маъноли (ҳар ҳолда Гўзал уларни шундай деб ўйлади) гаплар, ҳўчирмаларни ўқий бошлади. У галдаги саҳифада катта қўрфлар «Янги романимга қўшимча» деб ёзилиб тагига чизилган жумлани ўқиди... Жумла пастиди, хунук, чумоли юриш дастхат билан шундай ёзилган эди:

VIII

«... Мен ўлимдан кўрқмайман. Шоир айтади-ку, ўлимга хурмат қилганимдан бошимни эгдим, деб. Азизим, фақат сен қулиб тур, қайғуга тиз чўкма: Уэр, мен бошқача бўлишини истаган эдим. Ҳозир, ўз дарду ташвишларинг етмагани каби, менинг ҳам ҳасратимга шерик бўлиб турибсан. Лекин, мен нима қилай? Кимгадир айтишим керак-ку. Мени биргина Сен тушунасан. Сен билан яшаётганимдан бахтиёрман. Сени севаман. Сен мени ҳаётга қайтариб қолдинг. Суяч бўлдинг. Фарзандлар кўрдик. Агар Сизлар бўлмасангиз, бу ҳаёт маънисиз, оғриқлар гирдобиди фарқ бўлаётган кема янглиг, менинг ишонинг умидларим шамини аллақачон сўндирарди. Ҳаёт нима? Тириклик. Тирикликнинг моҳияти нимада? Ўз қадрингни топмоғингда. Кимгадир кераклигини ҳис қилиб яшаётганингда. Худога шукур, Сенга азоб берсам-да, Сенга кераклигимни англаб қоламан. Шунда ўзимдан хурсанд бўлиб кетаман. Барножон, бугун жиддийроқ гаплашамиз. Романим, ўзим ҳақимда. Биласан буни. Лекин тугатолмаяпман. Ўлим ҳақида гапириш оғир. Ўлим ҳақида,



аянчли ўлим ҳақида ёзиш, уни тасвирлаб бериш эса ҳар қандай қаламни музлатиб қўяркан. Сен тез-тез, деярли ҳар куни бир хил манзарани хаёлингга келтириб, ундан нафратланаётиб, ғам-андуҳга тушиб яшай оласанми? Менимча, қотиллар, энг оғир гуноҳ иш қилган кимсаларнинг ёвузликларини ана шундай ҳолда кўз олдида қотиб қолса керак. Буни кейин хотира деб атайдилар. Яъниким, шу ҳолатни тез-тез эсга оладиган бўлганман деб ўйлайдилар. Мен ҳам ана шундай хотира оғриғига дучор бўлган одамман. Ҳар куни эслайман. Тўкиламан, синаман. Миям зир қақшайди. Ҳамма-ҳаммасидан қутилгим келади. Чорасини тополмайман. Шунда хаёлимга бир фикр ярқ этиб урилади, дилим чароғон тортади гўё. Ўлим! Бироқ, шу онда Сен, фарзандларим кўз олдимга келади. Ўзимдан жирканиблар кетаман. Мен ижодим чала қолади, романимни тугаллай олмадим, деб ўзимга ортиқча бино қуядиганлардан эмасман. Сенинг олдинда бу ҳаётки шунчаки мазмунсиз ва аҳамиятсиз экан. Ўзимни ижодимни Сенга тенглаштириб, ижодни Сен каби азиз билиш мен учун умуман аҳамиятсиздир, бу кулгули. Сенинг шу нарсани тушуниб етишингни жудаям хоҳлаётганимни сезсанг эди. Барно, сен қуйида ёзганларимни ўқиб хаёлимни ҳар куни банд қиладиган манзарага бир назар сол. Майли, бугун шундай қарорга келдим. Буни ҳаёт билан ўлим оралиғида жанг қилавериб ҳориган одамнинг ёзганлари деб қабул қил.

... Мени кўпинча тушларимда оппоқ салла ўраган ёки товоқ телпакли, устида узун халатсифат кийим ва иштонли, соқол қўйган кишилар қўлида қурол билан қувлашади. Игна ютган ит каби ўзимни қуярга жой тополмай, қочаман. Гоҳида тутиб олишади, уларнинг кўзларида ўт чақнайди. Озгин ва чайир бу одамлар биз билан жанг қилган, урушда кўрганим афгонлар мени дарахтга боғлашади. Рўпарамда қуролни ҳасса каби ерга тираб мени томоша қилишади. Шунда улардан бири қуролни манглаймга тўғирлайди. Бошқалари тиржайиб қаҳр билан қараб турадилар. Ҳалиги ғазабкор менга яқинлашаверади. Автомат милини пешонамга теккизишади. Қўлини тепкига олиб боради. Мен жон ваҳмида бақираман. Уйғониб кетаман. Сен ўрнингдан сапчиб туриб ошхонага югурасан. Нималарни деб пичирлаб қосада муздай сув олиб келасан. Ўзимга келолмай қалтирайман. Сенинг олдинда уялиб, ожизларча, нотаваонларча ерга қарайман. Бошимдан тер оқади. Анчага довр ухлолмайман. Гоҳида сенинг ўксиб-ўксиб йиғлаётганинг, Худога нола қиладиганинг эшитилади. Сен раҳмдилсан.

Менга бу воқеани ҳақоқ қилиш, қоғозга тушириш нечоғлик азоб. Лекин қалбим шаррос ёмғир қуяётган баҳорнинг тунд осмони каби ҳасратга лиммо-лим. Мени ё қайғу адо қилиши керак ёки мен қайғунинг қийноқларига дош бериб, тантана қилишим лозим. Ҳар иккала ҳолатда ҳам уруш даҳшати тўлалигича намоён бўлади. Мен урушни фош этаман ёки уруш мени ғам ўтида ёқиб кул қилади. Уруш устидан галаба қозониш учун эса унинг юзига тик қарай олсам бас.

...Қисмда икки кундирки осудалик. Ўтган куни жангдан қайтдик. Аскарлар уст-бошини тартибга келтирдик. Ҳаммомга тушилди. Саф майдони яна файзга тўлди. Аскарлар ва офицерлар хоналарида ишлаётган жувонлар казармалар олдида калта белкўйлак, кўкраги очик бурма кофта кийиб ўтишадиган бўлишди. Полкнинг ўртаси қумга тўлғазилиб икки ёқлама картондан тикланган казармалар олди, чекиш жойлари кепкасини бошга дол қўйиб, эғнига оппоқ ёқали аскаркийим илган аскарлар билан гавжумлашди. Оёқларида гармонсифат фосонга келтирилган кирза этиклар чунонам мойланганки, куёш нури тегса ялтиллади. Лабининг бари бурчиға сигарет кистириб олган айрим олифтанамолари (демак улар яқинда уйга қайтишди) унчалик пўрим даражасига етмаган кичик ияк аскарларга ҳар замонда иш буюриб қўяди.

- Оёқ тозаллагични олиб ке.
- Дўконга бориб ке.
- Ма, сигарет олиб ке.

- Тасмамни тозалаб тур.

- Иванни чақир казармадан...

Хуллас, иши йўқ итини суғорар. Ташқаридан кузатсангиз, хаёлингизга келмайди. Кечагина шу йигитлар лойга беланиб, афт-ангори қорамтир тусга тўлиб жон олиб жон беришди. Ўлимдан беркиниб қолишди. Топшириқни аъло даражада бажаришди. Уларнинг кўпчилиги орден ва медаллар олишган. Ҳаттоки улар ичида Қаҳрамон нишонига эга бўлганлари ҳам бор. Шу олифта, шу босар-тусарини билмайдигандай туюлган, безоринамо йигитлар ўлимга дуч келавериб, жанг қилавериб пишиб кетишган. Улар бугунчалик хурсандчилик қилишади. Эртага эса ўлим сари юз буришади, ирkit-сирkit ҳолда қонга беланиб жанг майдонида ажал билан курашадилар. Улар бугунчалик тирикман, эртага нима бўларкин деб тенгқурлари, ўз-ўзини қийнаб, юрагини нимталаб тонгни қарши олишади. Шунинг учун жангсиз кунлар полк майдони файзга тўлади. Қисм жанга чиқиб кетган кезлар полк ичи жим-жит бўлиб қолади. Бу ерда қолган баъзи ярадорлар, ҳар хил юмушларда ишлагани келган жувонлар, баъзи бир сабабларга кўра жангга чиқмаган солдатлар худди жанозада каби ўйчан, сукутга чўмиб, жим юришади. Қисм урушга кетган пайтда полкда ўйин-кулги бўлмайди.

Бугун эса бошқача. Жангсиз, талафотсиз кун қисмдаги картон девор казармалар ёнидан турли-туман духилар бўйини таратиб ўтиб қоладиган аёллар аскарларнинг кўзини куйдиради. Ҳаммаси гап отади. Оғзи ёмонлар тап-тортмай уларни ҳалигинга... таклиф қилади. Руснинг меҳрибон, такаббур, самимий аёллари бунга парво қилмайдилар. Айримлари жойида шахд тўхтаб:

- Кечқурун. Кел модулга, кел. Ўзим сенинг ақлингни киритаман, - дейди.

Баҳорнинг чароғон кунлари, тиниқ осмон заминга яқинлашиб қолгандай бўлади. Полкнинг жанубида кўришиб турган катта қишлоқдаги дов-дарахтлар, боғлар қийғос гулга кирган. Олам ёруғ. Беғубор. Баҳорий муаттарлик ҳукмрон. Шундай ёрқинлик дилдаги губорларни дарё суви каби шарқираб ювиб кетади. Уруш бўлаётганига ҳам ишонгинг келмайди.

Кеч кириши билан эса казарма бурчагида тўда-тўда бўлиб наша чеккан, ароқ ичган, хуллас тараллабедод аскарларнинг учарвойлари аёллар моделига (казарма), офицерлар ошхонасига, сув тортиш мосламаси биносига, клубга, қисм тиббиёт пунктига, полк дўконига, хуллас, тўғри келган жойга, бу ерга ишлашга келган рус аёллари билан маишат қилгани кетади. Улар жангдан қайтаётиб катта-кичик қишлоқлар, шаҳарлар дўконларидан ўмарган япони рўмол, спорт камзул-иштон, япони магнитофон, фаранг духиси, тақинчоқлар, қисқаси, нимаки топган бўлсалар тантик жувонларга совға қилиш учун аскар костюми қўйнига солиб овга чиқишади. Егулик турли ил ноз-неъматлар, ичкиликка ҳожат сезилмайди. Бу ёғини полкдаги жувонларнинг ўзлари эплайдилар. Одам боласи урушда ҳам, даҳшат ичида ҳам доимо аёл, гўзалликка интилиб яшаши муқаррар экан. Бугун тирикман, эрта ўлиб кетишим мумкин, деган аскар аёл меҳри, унинг қўлларининг ҳароратли эркалаши боис урушга ўз тириклигининг тантанасини кўрсатиб қўймоқчи бўладилар. Аскар офицерларнинг кўзини шамғалат қилиб жувонларга яқинлашсалар, жувонлар эса эрта-индин жувонмарг бўлиб ўлиб кетувчи бу гўдакларга раҳми келганликлари учун ҳам борлигини ҳадя этадилар. Шундай қилиб урушдаги ҳаётнинг ҳам ўзига яраша фароғатли онлари бўлади. Шу жувонлар бу ерда ҳар куни ўлим домига бориб жанг қилувчи аскарлар масканида осмондан тушган фаришталарга қиёсланарди. Хуллас, шўро ўз фарзандларини беҳудага ўлимга юборар, шу билан бирга уларни "сийлаб" ҳам қўярди.

Ана шундай кунларнинг бирида бутун рота қутилмаганда казарма олдида саф тортди. Тушлик овқат маҳалига анча эрта эди. Биз жангга чиқиш учун топшириқ келган деб ўйласак, жанг ваҳимаси икки-уч кун олдин этиб келарди. Рота командири беҳудага биринчи сафга тушмаган эди. Ҳар ҳолда бир гапи бор. Ана, у шахдам

қадамлар билан казармадан чиқиб келди. Ўзига хос сиполик ва дўстона кайфиятда бошини ғоз тутиб:

- Салом, бургутлар, - деди.
- Соғ-саломатлик тилаймиз, ўртоқ катта лейтенант, - қичқирди аскарлар бор овози билан полкни бошларига кўтариб.

- Кайфиятлар аъломи, бургутлар!
- Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант, - бирваракайига қичқирди рота.

- Эшитмадим, - деди рота командири керилинқираб кўз қири билан сафга боқиб, - кайфиятлар аъломи, бургутлар?

- Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант!!! - саф гумбирлаб жавоб қайтарди.

- Бу бошқа гап! Яшанглар! Хўш, гап бундай. Икки соатдан кейин бизнинг ротадан битта БМП-2 йўлга чиқади. Қаергалигини штабдаги офицерлар тушунтиради. Махфий топширик. Шунинг учун 614-машина - механик Ринат Исанбаев ҳамда ...ов, пиёда аскар Михайлов ҳозирликларингни кўринглар. Сапёрлар взводидан битта БМП-2 ажратилади. Штабдан иккита офицер ҳам боради. Бизнинг машинадаги санчастан битта дўхтир кўшилади. Сен машинада раҳбарлик қиласан, - деди у менга. - Хуллас соат 12.00 да полкдан иккита БМП-2 чиқиб кетиши шарт. Саволлар борми?

- Йўқ, ўртоқ катта лейтенант, - яна жўрвоз бўлди рота.
- Тарқалинглр. Сен буёққа кел, - чақирди командир.

- Вазият жиддий, - деди у, тирсагимдан ушлаб чекиш жойига бошларкан.

- Эҳтиёт бўл. Штаб офицерларининг буйруғига биноан иш юрит. Хушёр бўл. Сенга ишонаман. Агар омон-эсон бажарсанг "Қизил Юлдуз"га ёзаман. Уйингга ҳаммадан олдин кетасан. Уч ой қолди-я. Ўтиб кетади. Ҳозир механик билан техника паркига бориб машинани текшириб кўринглар. Ўқ-дори етарли бўлсин. Уч кунлик озик-овқат ол! Балки эртарақ қайтарсизлар, лекин ортиқчаси зиён қилмайди. Хўш, бўпти. Икки соат вақтларинг қолди. Тушлик йўлда бўлади.

Қисм штаби ёнида тўхтадик. Сапёрларнинг машинаси ҳам етиб келди. Штабдан иккита офицер чиқди. Уларнинг бири, яъни, кўз ойнак таққан, йигирма бешга ҳам кирмаган, ёш офицер бизни машинага чиқди. Пиёда аскар Михайлов олдиндаги сапёрлар машинасига жойлашди.

- Сен қариямисан? (кўп хизмат қилганмисан демоқчи) - деб сўради.

- Қарияман. Яқинда уйга...
- Яхши. Ҳамма нарсанг жойидими?
- Тушунмадим.
- Манави пушка, башния, яхши ишлайдими?
- Албатта.
- Яхши отоласанми?
- Ҳа.
- Механик ҳам қариями?
- Ҳа.

Офицер ҳамма нарсани сўрайвериш билан қилиб юборди. Энсам қотди. Шўрлик Афғонистонга кечагина келгани сезилиб турарди. Бу биринчи жанги бўлса керак...

- Кеча келдингизми? - деб сўрадим пайтини пойлаб.
- Нега энди? Ўн кун бўлди.

- Тушунарли, - дедим эснаб, - демак пишмагансиз. Ҳечқиси йўқ ўрганиб кетасиз. Битта-яримта дайди ўқ яралаб ўтгач, ўқдан тез учадиган бўлиб урушга кўникиб кетасиз.

Мен атайлаб шундай дедим. Офицернинг ранги оқарди. У ёқ-бу ёққа қимирлаб кўйди. Асабига бехато уриб овозини ўчирганимдан хурсанд бўлиб, бошимни ирғаб хуштак чала бошладим. Ёш офицер сигарет тутатди. Чекасани ишорасини қилди.

- Хозирча йўқ. Жангдан кейин керак бўлади, - дедим.
- Шундай де.

- Албатта. Бугун рота командири топшириқни бажарсанг "Қизил Юлдуз"га тавсия қилинасан деди. Демак ўлимга кетаяпмиз. Тирик келсак ордени кўраимиз. Йўқса тобутимиз билан бирга уйга жўнатишмоқчи.

- Ахир, бутун полк юриш қилганда талофат кўриш мумкин, дейишади-ку.

- Талофат, қанақа талофат? Ким айтди Сизга бутун бошли полкка қирғин келтирувчи душман иккита машинани жимгина кўйвориб, оқ йўл тилайди деб?

- Бу гал урушга чиқмаяпмиз-ку?
- Нима бало, курортга кетаяпмизми? Эй, ана нозанин, дўхтир хоним тўрвачасини кўтариб келаяпти. Айтганингиз чиқиб қолди-ку, оҳ, курортга кетаётганга ўхшаймиз. Хоним, бекорга чиқмаётгандир ҳар ҳолда!

Лейтенант машинага яқинлашиб қолган врачга ғалати қараш қилди.

Жувон лейтенантга салом берди. Лейтенант базўр алик олди. Врач орқа эшик орқали машина устига кўтарилди. Тилла соч, кўк кўз, чеҳраси тип-тиник, адл қад жувонга ҳарбий кийим жуда ярашган, унинг ҳаракатлари анча чаққон эди. У лейтенантнинг ёнидан жой олди. Аёлга афтидан тўлиқ тушунтириш берилган, олддаги вазифадан манови кўрқоқ лейтенантнинг ҳам хабари бор, лекин у бу ишнинг моҳиятини тўлиқ англаб етолмаган эди. Мен эса қаёққа кетаяпмиз, нима учун, қачон қайтишимиз кераклигини билмасдим. Фақат ёнимдаги қизиқувчан лейтенантга суяниб бўлмаслигини сезиб қолгандим.

- Ўртоқ прапоршик, қайси манзилларга саёҳат қиламиз, - деб сўрадим аёлдан.

- Гардезга.
- Вазифа аниқми?

- Ҳа.
- Демак биз яралансак. Сиз... шунинг учун?..
- Худо асрасин.

Олдиндаги машинадагилар жойлашиб бўлишди. Юриш тараддудига тушишди. Мен сапёрлар взводи машинасида ўрнашган офицердан сўрадим:

- Ўртоқ майор. Бизнинг атамамиз қанақа?
- Бубен. Бизнинг машина Бубен-1, сизлар Бубен-2.
- Тушундим. Алоқани қайси частотага кўйя?
- Тўққиз юз саксон олтига. Тезроқ ула. Мен билан алоқада бўл!

- Хўп бўлади!
Шу пайт полк штабидан биттадан қоп елкалаган тўртта аскар чиқди-да, тўғри биз томонга юра бошлади.

- Ўртоқ лейтенант, булар ҳам биз билан боришадими?
- Йўқ. Юкларни бизга беришади. Машинанинг десант бўлмасини оч. Уларни ўша жойга солаемиз.

Мен машинадан тушиб орқа эшикларни очдим. Десант бўлмаларига иккитадан қилиб қопларни жойлаштирдик. Қоплар зил-замбил эди.

- Бу нима? - сўрадим аскарлардан.
- Пул.
- Шунча пулни қаерга... нима учун?
- Мен қаёқдан билай. Ҳар ҳолда буларни ёқиб овқат пиширмасанглр керак, - деди аскар.

Машиналар жойидан жилди. Гардезгача уч соатлик йўл. Қобулдан чиққач катта қишлоқ бошланади. Сўнгра икки томони тоғлар билан ўралган йўлга тушамиз. Тоғли довондан ўтгач Гардезга кириб борамиз. Лейтенантимиз аланг-жаланг бўлиб ҳар томонни кузатиб борапти. Аёлнинг парвои фалак. Кўриниб турибди, жангларга чиқавериш вазмин ва сипо бўлиб қолган. Кўзи пишган.

- Ўртоқ прапоршик, исми-шарифингизни ким деб айтай?

- Нина Григоревна.
- Хурсандман, Нина хоним!

Мен машина ичкарасига тушиб ўз жойимни эгалладим. Нина Григоревна ва лейтенант башния тепасида қолишди. Кузатгич ойнак орқали атрофга разм солдим. Яланглик. Заминга яшиллик югурган. Йўл четидан ярим чақирим нарида қишлоқ бошланади. Кичик уйчалар атрофи одам бели баравар кўтарилган паст деворлар билан ўралган ҳовлилар ғимирлаётган тинч аҳолини кўриш мумкин. Боғлар, хотин-халаж, қиз-жувонлар кундалик юмуш гирдобиди. Улар қишлоқнинг шундай ёнгинасидаги йўлдан ўтиб бораётган шўро армияси машиналарига эътибор беришмасди. Бу йўлдан ҳар куни неча маротаба техника ўтади. Аҳоли эса ўрганиб қолган. Қобулга яқин жойлашгани, атрофи шўро полклари билан ўраб



олингани боис қишлоқда душман бўлиши, бу қишлоқнинг шўравига қарши қурол ўқталиши мумкин эмас эди. Қишлоқ аҳли ноиложликдан нафасини ичига ютиб эшитарди. Бош кўтарса, шу ердан бирорта ўқ учса қишлоқнинг ёниб кул бўлиши, ер баробар текисланиши аниқ эди. Агар шу қишлоққа қарата жанг қилиш зарурати туғилса тевааракда жойлашган қисмлардаги артиллериядан ўқ отилса кифоя эди. Бу ҳам етмагандай қисмларнинг биқинида шўро кўшинига ҳаммаслак, инқилоб ғимоячиси, сарондойлар полки, яъни, афғон армияси ўрнашиб олган эди. Совет полклари, ҳарбий техникалари, турли хил қурол яроғларга эга инқилоб қалқонлари бўлиш афғон армияси қишлоқда бирорта нохуш ҳол юз бермаслиги учун жон-жаҳди билан курашар, хўжасига содиқ ит каби қишлоқ осойишталиги учун жонини беришга шай турар эди. Буларда асосан инқилоб душманларига қарши курашиш иштиёқидан кўра, шўро армиясининг ғазаби қайнаб, қовоқ тумшуғи осилишидан чўчиш ҳисси минг чандон баланд эди. Агар шўро кўшини Афғонистонни тарк этса, буларнинг ҳоли хароб бўларди. Шунда сарондойлар учун иккита йўл қолади - ўлиш ёки душман томонга ўтиб инқилобни бўғизлаш. Бироқ афғон армияси иккинчи йўлни танлаши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Муюлишга келганда афғон армиясининг постига дуч келдик. Майор машинадан тушиб афғон офицери билан ниманидир гаплашди. Афғон тиржайди. Мен башнидан бошимни чиқариб, автоматимни олдим-да ўзимни бепарво тутиб қуролни ҳалиги офицерга тўғирлаган бўлдим. Пушкани тушириб, алоқа мосламаси сими чиқиб турган бинога мўлжалладим. БМП-2 отув милини алоқа бенисига тўғирлаб қўйилиши барибир афғон офицерига таъсир қилди. У бошини силкиб-силкиб, сунъий табассум қилиб четга сурилди. Йўлни очишди. Ўтаётиб автоматни мўлжаллаб, офицерга кўзимни қисиб қўйдим. У довдираб қолди. Лейтенант атрофга қизиқиб қараб турарди.

- Қизик, - деб қўйди у орқага, афғон пости томонга қараб.

- Қизиги, кейинроқ, жанг майдонида бўлади, - дедим.

- Ҳа-я, албатта, - деди лейтенант.

Нина Григоревна менга қараб турди-да, кулимсиради. Кейин лейтенантга назар ташлади. Унинг бу қарашидан ҳали шу билан урушга бораёлманми, деган фикрни англаш мумкин эди. У ҳар ҳолда лейтенантга раҳми келиб қарагани аниқ эди. Мен пайтдан фойдаландим.

- Нина Григоревна, ўртоқ лейтенантнинг бугун урушга биринчи бор чиқиши. Айтишадик, биринчи жанг биринчи бўса каби ҳаяжонли кечади.

Лейтенант, елкасини қисиб, бизга ҳазил қилмоқчи бўлди. Лекин эпложлади. Аёл шарақлаб кулиб юборди. Аскаркийими чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Мен машина ичкарасидан нави паст бўлсада ўзимнинг "Охотничье" сигаретимни олдим. Машина қишлоққа туташ сўқмоққа яқинлашганда йўл четида қўлини силкиб турган болакайга ниманг бор, ишорасини қилиб бош иргадим. Бола исқирт кийимда, яшил читдан тикилган кўйлак-иштонни ҳеваридай, оёқ яланг эди. У озгин қўлини ёнидаги турвачасига тикиб кулчага ўхшаш, дум-думалоқ нарса олиб кўрсатди. Наша экан. Бу ёққа от маъносида қўлим силкитдим-да, жанг тўрвадан гўшт, картошка, қуоқ сут солинган темир идишларни отдим. Улар боқонлик оёғи остига тушди. Бола консерва идишларни чақонлик билан олди-да, олдинга қараб югургилади ва қўлидаги кулча шаклига келтирилиб тайёрланган чарса, яъни, нашани биз томонга иргитди.

- Нима бу? - лейтенант қўлига олиб қизиқсинди.

- Кулча.

- Мен жиддий сўраяман.

- Чарс. Биласизми? Керак бўлади.

Лейтенант менга маъноли қараб, қўлида чўғ ушлагандай питирчилади. Отиб юбормасин деган ўй билан, чарсни қўлидан юлиб олдим-да, машина ичига, ўриндиққа ташладим. Нина Григоревна бизга шунчаки, бемаъно қараб турар, айна дамда ҳеч нарса ни ўйламас, қуруқ, аммо жозибали суврат бўлиб машина устида кўққайиб ўтирарди. Кепкаси гирдидан чиқиб турган

малларанг сочлари энгил шамолда титранар, тиниқ ва бегубор кўк кўзларини олисларга тикканди. Қабоҳату разолат ботқоғи бижғиб ётган бу кир дунё - уруш қучоғига хохиш-иродаси билан ўзини ташлаган хушрўй рус аёлининг айна дам хаёлидан нима кечаётгани биргина ўзига аён эди. Шундай бўлса-да, унинг орамизда бўлиши ёқимли бир ҳол эди. Манови лейтенантнинг ҳозир бу аёл ҳақида қандай ўй-хаёлда эканини билмадим, лекин аёл билан ёнма-ён турганим боис кайфиятим аъло эди. Очиги, лейтенант умуман мени қизиқтириб қўйди. Унда кўнгил, фаросат борлиғига ҳам шубҳа қила бошладим. Кўрқоқлиги шундоғам билиниб турибди.

Текис йўл тугаб, тошлоқ кўча бошланди, зум ўтмай паст-баландлик, ўйдим-чуқурда машина силтанарди. Гардез худудига етиб келдик. Яна ўн чақиримдан сўнг қишлоққа етамиз. Олдинги машинадаги майор алоқага чиқиб жанговор ҳолатга киришимизни буюрди. Лейтенант шоша-пиша каска ва эгнига зирҳли кийимни олиб олди. Прапоршик аёл эса бемалол, ўша-ўша ҳолатда кетар, зирҳ кийими башнига ёнида, жувоннинг оёғи остига ётарди.

- Ўртоқ прапоршик, Нина Григоревна, бошланиб қолса керак, ҳозир. Бир гап бўлса ўзингизни машина ичкарасига уринг, - лейтенант ташқарида қолаверсин деган маънода гап қилдим.

- Раҳмат, - деди у кулимсираб. Кулги жувонга ярашар, у кулса янаям гулгун яшнаар эди.

- Нина Григоревна, ҳозир аниқ нима қилишимиз керак. Бизга кўпинча кўзда тутилган манзилга боргач топшириқ берилади. Балки Сиз биларсиз, - мен атайлаб лейтенантдан сўрамадим.

Лейтенант менга гўёки сен билмасанг, мен биламан аскар, деган мазмунда қараб қўйди. Бироқ, Нина Григоревнанинг шаддотлиги ҳам бор экан. У энди бизга эл бўла бошлади чоғи, нима сабабдан бораётганимизни икки оғиз гап билан айтди-қўйди:

- Разведвзвод кеча шу қишлоққа кирган. Жанг бўлган. Иккита жангчининг ўлиги қолган. Шуларни олиб қайтамыз. Душман тараф билан келишилган.

Кутилмаган гапдан анқайиб қолдим. Мен қишлоқ ичкарасида ўзимизникилар ҳимояда турган кузатув нуқталарига бораёлманми. Улар орасида душман билан келишмовчилик содир бўлгандир, пул шунинг учун керакдир, деб ўйлаб келардим. Чунки қишлоқлар атрофидаги кузатув нуқталаридаги аскарларимиз доимо душманга у бу нарса бериб туриши, баъзида шу йўл билан жон сақлаши сир эмас эди.

- Демак душман билан юзма-юз келамиз...

- Ўтган йили, энди афғонга келган пайтим, ёш аскарлардан бири билмасдан офицерни отиб қўйди. Офицер ёш эди. Аскарни эса Жалолободага, учинчи батальонга жўнатишди. Ҳалиги офицерга ўлимидан сўнг "Қизил Юлдуз" ордени беришди. Ҳа, шармисорлик бу.

- Бу қандай бемаънилик. Даҳшат, - гапга қўшилди лейтенант.

- Нимаси даҳшат. Ёш офицер аскарга ёқмаган, отиб қўйган, - дедим кесатиб, - ёки шўрлик лейтенантнинг орден олгани даҳшатми?

Лейтенантнинг уни учди. Мен у билан ўчакишиб қолгандим. Бунга аёл сезди. У турвасидан узум соки солинган темир идишчани олиб очкич билан икки томонини тешиб, очдида, симира бошлади. Мен қорним очикқанини сездим. Ичкари тушиб жанг тўрвадан гўшт солинган темир идишни олиб очкич билан очдим. Идишдан гўшт олиб қуритилган нон билан едим. Узум соки ичдим. Энди юқорига чиқаман деб тургандим ички алоқада Ринатнинг овози эшитилди:

- Қара, тўғримизда афғонлар юрибди. Эҳтиёт бўлиш керак.

Мен рўпарамдаги одамларни кўрдим. Улар қуролсиз эди. Қишлоқ аҳли. Биз томонга келаяпти.

- Булар душман эмас, - дедим.

- Биламан, душман эмас. Шундай бўлса ҳам айтдим-қўйдимда. Кўрқаяпти, деб ўйлама тагин.

- Сен менинг энг довурак дўстимсан, - дедим уни мақтаб.

Башнидан бошимни ташқари чиқариб атрофга

қарадим. Биз қишлоққа кириб боргандик. Машина устида лейтенант тевааракка аланг-жаланг боқаяпти. Куролини кўксига тираб олган. Кўрққани шундоқ сезилиб турибди. Аёл эса бепарво. Олдга қараб бораяпти. Шундай бўлса-да анча ҳушёр.

Қишлоқни оралаб ўтдик. Ўқ отилмади. Ўн еттинчи кузатув нуқтасига етиб бордик. Атрофи баланд девор билан ўралган қалъа. Унинг уч тарафида махсус истеҳкомлар қурилиб, танклар қуйилган эди. Кузатувчи аскарлар ҳар кунлик ишимиз шу, атрофни кузатиб турибмиз дегандай, қўлини иягига тираб хаёл суриб туришарди.

Ичкарида эса, ҳовлида ўчоқ, тандир, қудук, супа. Қисқаси, қўрғон бой кишининг ҳовлиси бўлганлиги билиниб турибди. Ҳовлининг кунботарида сарҳадсиз тоқзор чўзилган. Узум навалари барг чиқариб, пиндик отиб қолган эди. Сўл томонда эса улкан бог ястанган. Ўриклар оппоқ гулга кирган. Қўрғон ичкарисига кенг хоналарнинг бирида йигирма чоғли аскарга ётоқ жой ҳозирланган. Кейинги хона ошхона. Бириси офицерлар ётоғи. Кичик хонага алоқа қурилмалари, турли хил ускуналар ўрнатилган. Ҳовли сатҳида ҳар хил ҳажмдаги ўқ гилзалари, БМП-2, танк снарядлари сочилиб ётарди. Супа ёнида снарядлар жойлашган қутилар тахланиб турар, берирокдаги чуқурда эса ток тарқатувчи двигател жойлаштирилганди.

Биз машиналарни тоқзор бошланишида, кунботарга қаратиб қўйдик. Майор қўрғон ичкарасига кириб, бу ердаги офицерлар билан нималарнидир гаплашяпти.

- Нина Григорьевна, бутун бошли полкни юз чоғли душман зир титратади. Тубканнинг тубидаги бу нуқтани душман йўқ қилиб юбормагани ғалати.

- Буларга ишонма. Булар душман билан дўст. Буларга тегмайди, - деди у кулимсираб.

Шу пайт ичкаридан майор чиқиб келди. Шу ердаги аскарлардан бири ўқ-дори солинган машинанинг десант бўлмасини очди. Каттақон қўтиларни тушириб тахлади. Бизнинг машинадаги тўрт қоп афғони пулни олдилар. Қўрғонда жанговор ҳолат эълон қилинди. Мен машина ичкарасига кириб рўпарадаги тоқзорни кузатдим. Врач аёл командир ўриндигига жойлашиб люкни ёпиб қўйди. Лейтенант пастда, машина тагида ётиб тўғрени кузата бошлади. Қўп ўтмай кунботардан тоқзорга туташ йўлда, биз "бурбухайка" деб атагувчи юк машинаси кўринди. Биз билан келган майор қўрғондан бир офицер ва тўртта аскар, тўртта қопни кўтариб тоқзорни оралаб "бурбакайка" томонга юришди. Улар узумзор ўртасига бориб тўхтаб туришди. Офицер қўлидаги оқ байроқни ҳавода силкиди. "Бурбухайка" тўхтади. Ичидан олти нафар афғон тушди. Иккитаси олдинда, қолган тўрттаси иккита замбилни кўтариб, бизникилар томон юрди. Биз вужудимиз кўзга айланиб уларни кузатиб турибмиз. Мен отув милини тушириб афғонларга тўғирлаб қўйдим. Иккала томон бир-бири билан учрашди. Аскарлар қопни топшириб замбилни олишди. Шунда тоқзор четидаги йўлдан отув мили орқага қаратиб бурилган БТР елдай учи борди ва "Бурбухайка" олдида тўхтади. БТР устидаги аскарлар ҳозиргина биз келтирган ўқ-дориларни ерга ағдарди. Шу захоти БТР орқага қайтди.

Биз иккита полкдошларнинг мурдасини олиб изимизга бурилдик, йўлга тушдик. Ҳеч кимнинг кайфияти йўқ эди. Келаётганимизда қоп жойлашган десант бўлмаларида энди ўлик олиб қайтаётгандик. Уйдим-чуқурлик тугаб қишлоққа киришимиз билан олдиндаги машина ёнида портлаш снаряд бўлди. Ён томондан чайиллаб келаётган снаряд товуши эшитилди. Гумбирлаган портлаш содир бўлди. Узоқдан қалъаларда кузатиб турган душман бизни олис масофага учувчи ракета билан ўққа тутаётганди.

- Нима бу, нега, ахир? Биз келишганимиз-ку?! - лейтенант эсанкираб қичқириб юборди.

- Ҳа, ифлослар, отишяпти. Ринат, тезроқ ҳайда.

Ён атрофга кетма-кет снарядлар туша бошлади. Бир қақирим юрмасимиздан автомат ўқлари тепамиздан чайиллаб учди. Ёнимиздаги қалъаларда душман беркиниб олганини сездик. Лейтенант кўрққанидан тентакнамо

куйга тушиб бақириб юборди. Прапоршик башния орқали ичкарига тушди-да, десант бўлмага, ўликнинг ёнига ўтди. Лейтенант командир ўриндигига ўтириб олди. Мен тепадаги қопқани ёпдим. Ўнг томонга ўт очдим. Қалъа деворларидан чанг-тўзон кўтарилди. Бир маҳал девор ортидан олов сачрагандай бўлди - гранатамёт ишлаб қолди. Снаряд машинанинг ёнгинасида портлади. Башния устига осколка, темир парчалари келиб тушди. Мен гранатамёт отилган жойга снаряд ёғдирдим. Пулимётдан ҳам ўт очдим. Узлуксиз отилган овоз эшитилди. Машина таққа тўхтади. Бошим забт билан алоқа қутисига урилди. Шундай бўлса-да душман ўрнашган томонга ўт очавердим.

- Олдимиздаги машинани гранатамёт билан уришди, - Ринат алоқада чинқириб юборди.

- Нима қилиш керак?

- Занжири узилибди. Пастки қисмидан тегибди.

- Тўхтат!

Машина тўхтади. Мен қалъа томонга ўт очиб турдим. Ринат механик хонасидан олдиндаги машина томон юрди. Ёнимда лейтенант бошини кузатув ойнасига тираб қунишиб олган. Ҳеч қаерга қарамайди. Дағ-дағ титрайди.

- Ўртоқ лейтенант, чиқиб десант бўлмасини очинг. Олдинги машинани уришибди... Улар бизга киришади, - дедим бақириб.

Вақт жуда тигиз эди. Мени бир куч бошқарар, қўрқув деган туйғу шу пайт менга бегона эди. Миям зўриққанидан ваҳимани унутиб қўйгандим. Лейтенант баттар елкасини қисаяпти. Мен уни туртдим. Қалтираб-қақшаб қараб, яна пусиб олди. Жаҳлим чиқиб силтадим.. Шу орада, қалъа томон қарадим-да, отув милини ўнга-чапга буриб автоматик равишда снаряд отдим.

- Чик, сенга айтаяпман, эчки. Ҳа онангни... тур, десант бўлмасини оч, - аччиқ устида лейтенантнинг бошига туширдим.

У талмовсираб, анграйиб менга қарайди.

- Онагни фалон қилай... Десантни оч.! Десантни.

Бефойда. Ўзим қопқани очиб ташқарига чиқдим. Шу маҳал вариллаб ўқлар учиб ўтди. Машина тепасидан юриб орқага ўтдим-да, десант бўлгани очдим. Ринат олдинги БМП-2 томондан югуриб келиб ўзини механикка урди. Машинанинг пушқаси тинимсиз ўт очаяпти. Демак юқори қисми талофат кўрмаган. Мен сўл десант бўлмаси орқали ўз жойимга чиқдим. Ўнг бўлмадаги туйнуқдан автоматини чиқариб Нина Григорьевна ўт очар, гилзалар тарақлар, бўлманинг темир сатҳига уриларди. Ринат машинани юргизди. Мен яна пушқани пулимёт босув нуқтасини бараварига босиб душман томонни мўлжалга олдим. Шу пайт занжири узилган БМП-2нинг экипажи оператор-отувчи, механик, Михайлов десантнинг очиб бўлмасига кириб олишди. Майор эшикка яқинлашиб, қўлидаги гранатани талафотга учраган машинага қарата иргитиб, ўзини ичкарига урди. Мен энди душман йўлимизни тўсади деб ўйладим. Айтганим тўғри чиқди. Ички алоқада Ринат қичқириб юборди:

- Олдимизда духлар! От!

Зудлик билан башнияни тўғрига айланттирдим. Машинанинг чап занжири олдида портлаган снаряд парчалари башния тепасига келиб тушди. Кузатув ойнасини чанг қоплади.

- Тўғрига от. От. Отавер... Қаршимиздан чиқишяпти.

Мен ҳеч нарса кўрмасам ҳам тўғрига қарата отавердим. Худонинг қудрати билан қишлоқдан соғ омон чиқиб олдик. Текис йўлда кетаётимиз. Десант бўлмасидагиларга энгашиб қарадим. Ҳамма ўз ўйи билан банд.

- Бу ёғида энди қишлоқ йўқ. Хавфсиз. Машинани тўхтатайми? Десантдагилар тепага чиқишсин. Ўликларни босиб ташлашди, - деди Ринат.

- Майли.

Иккала бўлмадагилар юқорига чиқишди. Мен ҳам башния тепасига чиқиб ўтирдим. Баҳорнинг тоза ҳавосидан тўйиб нафас олдим. Томоғимга порох ҳиди ўрнашиб қолган эди. Майор отув милига суяниб сигарет тутатапти. Михайловнинг оёғини осколка ялаб ўтибди. Нина



Григоревна унинг ярасини боғлапти. Лейтенант бошини ерга эгиб олган. Чурқ этмади. Машина Қобул сари яқинлашиб бормоқда.

Мен эрталаб йўлда афгон-бола берган кулча сифат чарсин олиб ушатдим-да "Охотничье" сигарет тамакиси билан аралаштириб эзгиладим. Таранг қилиб сигарет қоғозини тўлдириб "юкладим". Бошим ғувиллар, ҳозирги жанг шууримни музлатиб қўйган эди, гўё.. Чарсдан босиб-босиб иккита тортдим. Ўзимни энгил ҳис қилдим. Майор ҳеч нима демади. Михайловга узатдим. У ҳам икки-уч тортган бўлди-да, ярасини боғлаб қўйган врачга мулозамат қилди. Аёл бош чайқади. Юзими бироз совигандай бўлди. Уйқум келди. Бемаъно, тентакмамо юришимизнинг азобларини унутиш, уларни эсламаслик учун ҳам, манови қўрқоқмурда лейтенантваччаларни кўрмаслик учун ҳам, ҳозир чарс чекдим. Ўзимни ичкарига олдим. Қовоғим оғирлашди. Кўзим олдиди булутлар сузиб юрандай эди.

Бир нарса қаттиқ тарақлаб, машина силкиниб кетди. Мен бошимни башниядан чиқардим. Машина устида майор думалаб ётар, чаккасидан оққан қон жанг тўрваси атрофига ёйилиб борарди. Михайлов ғужанак бўлиб олган бор овоз билан бақирар, силкиниб-силкиниб кўярди. Душман машинанинг қоқ белидан гранатамёт билан урганди. Галасидан ажралган турна каби адашиб қолган, яъни, колоннадан холи келаётган машинани бу ерларда ёш бола ҳам ўққа тутиши ҳеч гап эмас эди. Ҳар бир уйда гранатамёт, ўқ дори қурол борлигига эса шубҳа қилмасак ҳам бўларди. Нина Григоревна майорнинг юзини ўнглаб, чалқанча ётқизди. У типирчилар, хириллаб нафас олар, бўйнидан қон сизар, елкаси орасига темир парчаси кириб кетган эди. Аёл унга оғриқни тўхтатувчи укол юборди. Ярасига бинт босди. Қон тўхтамас, майорнинг юзи оқариб борарди. Шу заҳоти снаряд отилган томонни машинада ўққа тутдим. Тўғри келган ҳовлига ўқ ёғдиравердим. Ҳовлиларда қий-чув бошланиб хотин-халаж, болалар югурдилар, баъзилари силтаниб кулар, мен эса ҳушим кўтарилиб қутуриб борардим. Ичкарида лейтенант елка қисиб қалтираб ўтирар, менга бенур кўзларини тикар, юзида қон йўқ, худди майорнинг юзидай оқариб кетган, дағ-дағ титрарди. У кўзимга жудаям жирканч аҳволда кўриниб кетди. Шу маҳал қопқани очиб бошимга уриб, алланималар деб бақираётган Нина Григоревнага қарадим. У башня устида энгашиб, тепадан ичкарига, менга отишни тўхтат деб қичқиради эди. Мен башняга ярим белим билан кўтарилдим. Тутқанок тутгандай ўзимни бошқаролмасдим.

- Қобулга яқинлашдик. Отишни бас қил, - бақирди аёл.

- Бу ифлослар бари бир бизни отиш пайида бўладилар. Нима бўпти... Қобулда ҳам отишимиз керак буларни.

- Ўзингни бос!.. Мумкин эмас. Ринатга айт, машинани тўхтатсин.

Машина тўхтади. Майор ҳеч нарса билмай афтода ҳол ётарди. Базўр инқиллаб кўярди... Овози шунчалар беҳол ва ожиз эдики, шу мунгли ихраши билан унинг жони чиқиб бораётганга ўхшар эди. Мен уни опичлаб десант бўлмасига олиб кирдим. Михайловнинг яраси энгил. Чап оёғига осколка тегибди. Уни ўнг бўлмага жойлаштирдим. Бўлмадаги мурдалар сафига иккита ярадор қўшилди.

Мен башнядан ичкарига кириб лейтенантни силкидим.

- Ташқарига чиқ-да, десант бўлмасига кир. Тепада ҳеч ким қолмади. Битта аёлнинг ўзи тепада кетаверсинми? Чиқ ташқарига дедим.

Лейтенант ялинганнамо оҳангда деди:

- Ахир бўлмада ярадорлар, мурдалар бор-ку.

- Ҳой, ит, сенинг мурдадан нима фарқинг бор. Бир аёлчалик юрагинг йўқ, ифлос. Чиқ тепага, онангни... Ҳозир отиб ташлайман.

Автоматни олиб унинг кўрагига тирадим. Лейтенант телбанома қиёфада ташқарига кўтарилди.

- Тез-тез бўл, отиб қўйшмасин. Чаққонроқ бўл.

Уни турткилаб ташқарига чиқардим. Нига Григоревна ичкарига, командир ўриндигига жойлашди. Унинг

кийимлари, ваҳм оралаган юзига қон сачраган эди.

Ринат машинани елдай учуриб ҳайдаяпти. Қобул шаҳрига кириб келдик. Нина Григоревна кузатув ойнасига юзини босиб юм-юм йиғлар, унинг кўз ёшлари юзида қотган қонни юзиб борарди.

Мен "Охотничье" сигаретига наша ўраб чека бошладим. Нина Григоревна эзгинди қиёфада қараб, қўлини чўзди. Мен яримлаган сигаретни унга тутдим. Аёл босиб-босиб икки бора тортди-да, кўзларини чирт юмди. Мен туман ичида қолгандай бўлдим. Суягим энгиллашди. Нина Григоревна ҳам узоқда, анча олисларда кўрингандай бўлди.

Қисмга етиб келганмиз чамамда, Ринат машина қопқанини очиб бошимга қўлини болға қилиб ураяпти.

- Нима дейсан?..

- Уйғондингми?.. Туш. Комбат келди. Ўликларни олиб кетишди. Сени сўраяпти.

Ёнимга қарадим. Нина Григоревна жойида йўқ. Қалтираган ҳолда машинадан чиқдим. Пастда батальон командири турибди. У машинага яқин келиб қўлини чўзди. Қўл узатдим. Сакраб пастга тушдим. Батальон командири мени бағрига босди.

- Яша! Сен чин эркасан... Чарчадингми? - деди елкамга қоқиб.

- Йўқ. Ҳаммаси жойида, ўртоқ майор!

- Кўзларинг қип-қизариб кетибди. Тебраниб турибсан. Чарчабсан. Ҳозир казармага бориб ухла. Икки кун дам оласан. Йўқламага чиқиб сафда турмайсан. Қисм командири сизларга ташаккур айтди. Сени бугуннинг ўзидаёқ "Қизил Юлдуз"га тавсия қиламан. Ҳаммаларинг жасорат кўрсатдинглар. Топширик бажарилди.

Кўнглим айнияти. Командирнинг тезроқ даф бўлишини истаяпман. У чайқалиб турганимни фаҳмласа-да билмасликка олди.

Казармада икки кун донг қотиб ухладим. Тушлик ва кечки пайтлар ёш аскарларни дўконга ароққа юбордим. Шкафимда жангга чиққан кезлар бериладиган "қуруқ овқат" темир қутида сақлангувчи гўшт, борш, сўли бўтқаси, қуюқ сут бор эди. Овқатланаман, ухлайман. Айқаш-уйқаш манзаралар намоеён бўлади. Нина Григоревнанинг қон сизган чехраси, ўша ўлик аскарлар қиёфаси, яраланган майор, йиғлаётган лейтенант, сон-саноксиз техникалар, қурол ўқталган саллалари, маҳаллий кийимдаги афгонлар хаёлимдан бир-бир ўтар, уйқу аралаш кимлар биландир гаплашардим. Бу - жудаям оғир ҳол эди...

...Гўзал шу мисраларни ўқиб, ёшли кўзларини беморга тикди. У қизга қараб турибди. Қиз саросимага тушди.

- Мен... мени кечиринг. Уйғондингизми?

- Бироз ухладим. Бу - жудаям оғир ҳол эди. Энди яхшиман.

"Бу жуда оғир ҳол эди..." Қиз ҳозиргина ўқиганларини такрорлаган шоирга қараб анграйиб қолди.

- Ўқийверинг. Бари бир китоб ёзмоқчи эмасман...

- Нега! Яхши. Таъсирли.

- Гап фақат таъсирли нарсаларда эмас.

Шоир оғрингандай бўлди.

Шу маҳал эшик очилиб дўхтир Исмоилов кириб келди.

- О, ана, бемор уйғонибди. Кайфият қалай?

Шоирнинг кайфияти хуш эди. Қиз ҳам жилмайиб турарди. Исмоилов уларга галати қараш қилди.

IX

Кузак ёмғири эзиб ёғаётган ўша кеч шоирнинг хонадонидан шундай гап-сўз бўлиб ўтди:

- Дадаси, бугун кўп ичибсиз. Соғлигингизни ўйланг. Сизга мумкин эмас.

Барно чайқалиб ўтирган эрига ёстиқ узатди. Шоир узала тушди. Аянчли кулди.

- Бир ҳамкасбим билан бирга эдим. Кайфиятим кўтарилди... Ўзим ҳам майда-чуйда ишларга аралашиб қолибман.

- Қўйинг. Эътибор берманг.

- Мен, мен... энди телевизорда ишламоқчи эмасман.

- Шунинг учун шунча... куйинапсизми?

- Йўқ... йўқ... Менга қаранг...
- Овқатланмасангиз ухланг энди...
- Эҳ, Хиқ... Ухлаб бўлармиди! Бугун яна телефон қилиндими?

- Ким?

- Кимни назарда тутаётганимни яхши биласиз. Уф-ф, жонга тегди... Шу Бурхоновдан бекор қарз олдим. Бундан кўра ётоқхонада яшаганимиз минг бор авло эди. Уй, уй, деб хит қилдингиз... Хар ҳолда... Биров безовта қилмаётган эди. Бу нима гап. Хар куни... телефон. Пулни топ, деб ўшқиради.

- Пул топгунимизча индамайди, қачон қайтарсак ҳам рози дедингиз-ку...

- Ҳа, Бурхонов шу пулга қараб қолгани йўқ. Каттакон.

- Нега унда бунча кўнғироқ қилади...

- Ишни ўзим хом қилган эканман. Ўшанда унинг

вилоятдаги ташкилоти телевизорда танқид қилиниши керак экан. Бошлиги бизнинг қишлоқдан. Олдимга келди. Анча-мунча ялинди. Орага туш, деди. Отанг салом айтди, энанг сўраб қолди, деди. Тўхтатайлик деди. Хўжайини, шу Бурхонов ҳам илтимос қилганини гапирди. Мен бу ишга аралашмайман, дедим. Хафа бўлди. У, кетди, шалвираб... Эртасига Бурхонов кўнғироқ қилди. Ука, деди, бир учрашайлик гап бор, деди. Учрашдик, эртасига. У ҳаммамиз бир жойданлигимизни айтди. Кейин, ётоқхонада туришимни гапирди. Ҳа, тўғри дедим. Уй оларман, лекин ҳалимас, кейинроқ дедим. У биз землярлармиз, яхши шоир экансиз, биз ҳамюрт бўлиб ёрдам берайлик. Уйсиз юрсангиз уят бўлади, деди. Мен, уни адабиётни, шоирни яхши кўраркан, деб ўйладим. Майли, дедим, ҳа, ҳаммаси Сизнинг минғироқ уй йўқ, уй йўқ, деб куйинаверганингиздан кейин бошланди, аслида. Хиқ. Кейин, мен Сиз қарз беринг, мен уй олай фақат анчадан кейин қайтараман, дедим. Эсингиздами, кечкурун шофёри пул ташлаб кетди. Лекин, танқидга аралашмайман дедим. Барибир телевизор танқид қилди. Ҳалиги раҳбар, қишлоқдошим ишдан кетди. Кейин Бурхонов мендан пулимни қайтар деди. У номардлик қилди. Қарзни қайтариш муддати менга боғлиқ эди-ку... Ахир қачон пул топсам бераман дедим-ку. Энди бир гапни такрорлагани такрорлаган. Бировдан олиб берувдим, қўймапти, қистаяпти, дейди. Министр одамнинг гапини қара. Ишхонага ҳам ҳар куни кўнғироқ қилиб безор қилди. Эртага ўзи борса керак. Бошим қотиб қолди. Бу дунёда яхшилик учун, самимий кўмак берадиган одам кам экан. Йўқ экан. Бурхоновнинг туваги тиллодан... Миллионлаб пули бор. У менга қарз учун берган пулини бир кунлик машағати сарфлайди. Агар худди ўша кунгидай бирорта танқидий кўрсатувнинг исини сезса, яна пул кўтариб юргурилади. У шундай одам. Отанг, ака-уканг ёрдам бермаса қўйин экан. Тошкентга келиб ёзувчи бўлишинг учун борнинг боласи, бу ёғинг бақувват бўлиши керак экан. Ижодкор ошналаримнинг ҳам аҳволи меникидан яхши эмас. Ҳаммасининг дарди ўхшаш. Лекин, улар ёзаяпти. Яхши ёзаётгани ҳам бор. Кимнинг калласи ишласа, номард одамдан қарз олмайди. Ишхонадаги опа процентга қарз берди. Судхўрлик бу. Лекин, уйсиз қолишдан қўрқиб унинг шартига кўндим. Қишлоқдан майиз, сигир-қўйларни сотиб олиб келган пулни опага бердим. Индамай олди, судхўр. Муддати ўтиб кетгани учун яна кўшимча пул олди. Энди отамдан пул сўрайолмайман. Мени деб бечора шип-шийдон бўлди. Укаларимнинг ризқи қийилди. Боре, деб қишлоққа кетсак, томорқа йўқ. Уй қуриш керак. Ташвишлар тўрт томонидан босаяпти...

- Қўйинг, бир гап бўлар. Яна мазангиз қочади... Мана чой. Ухламасангиз, бир пиёла иссиқ чой ичинг. Жон дадаси, қўйинг, сиқилманг. Бир гап бўлар. Бошингиз омон бўлсин. Хўп, десангиз эртага дадамга кўнғироқ қиламан. Ёрдам берадилар.

- Эй, йўқ. Куёвим тамом бўпти, дейди. У киши шоир-ёзувчини яхши яшайди, бой, телевизорда ишлайдиган одам, келиб-келиб, мендай дехқондан пул сўрабди, деб ўйлайди.

- Ахир, ўзингиз айтаяпсиз-ку, аҳволимиз оғир деб...

- Қишлоққа бораман. Тоғамдан пул сўрайман. Охирги

умидим шундан... Ҳа... Эртага ишхонага аризани топшириб, қишлоққа жўнайман. Бурхонов яна телефон қилса... пул қидириб қишлоққа кетди денг. У энди мени тинч қўймайди, уф... Ичим куйиб кетаяпти. Сув оп кенг. Йўқ, чой керакмас...

Барно косада сув келтирди. У муштдай бўлиб, ожиз ва мунгайиб қолган эрига ачиниб қаради. Ич-ичидан ўзини койиди. Ётоқхонада яшамаймиз, уй олинг деб хархаша қилганини эслаб, пушаймон бўлди. Гуноҳқорона ерга қараб ўйга толди.

Шоир хизматдан келиб, университетнинг журналистика факультетида ўқишни давом эттирди. Иккинчи курсдан. Барно биринчи курсда таҳсил оларди. Нимаси биландир қиз йигитни қалбига яқин олди. Қарашлари, ҳатти-ҳаракати, бошқалардан ажралиб турарди. Матбуотда деярли ҳар куни мақолалар билан чиқиш қиларди. Факультетдаги талабалар ичида обрўси ҳам баланд эди. Учинчи курсда "Шарқ юлдузи" журналида қиссаси эълон қилинди. Қиссани адабий жамоатчилик мақтади. Танқидчилар бу асар ҳақида мақолалар эълон қилишди. Талабалар орасида шоирнинг обрўси бир чандон ошди. Шеърини китобчаси чоп этилди, катта шоир оқ йўл тилади.

Шоир деярли ҳеч кимга қўшилмасди. Сабоқдан сўнг, танаффусда йўлак бурчагидаги ўриндикда ёлғиз ўзи чекиб ўтирарди. У ғалати эди. Баъзилар буни машҳурлик ҳавосини олиб ўзини атайлаб шундай тутади дейишса, бошқа бировлар, у одамови, ҳеч нарса билан иши йўқ, дарвеш-девона дерди. Униси ҳам буниси ҳам эмасди. Бор - йўғи у бошқалар билан тез танишиб, даврата кўшилиб кетолмасди. У ўзини анчагина кексақайиб қолгандай ҳис этарди. Уйин-кулгуга ўч ёшлик завқидан шодланиш, лаззату ором олиб яйраш шавқи шоир учун бегона бир туйғу эди.

Шоир дарсдан танаффусга чиққан кезлари ўриндикда узундан-узун тутатиб ўтирган кезлари бир ҳолат ҳар куни такрорланишини яхши биларди. Бурчакдаги дарс жадвали илинган тахта ёнига биринчи курсда ўқийдиган бир қиз келади-да, жадвални ўқийди. Кейин шоирга охишта қарайди. Салом беради. Шоир алик олади. Сўнгра қиз хурсанд бўлган алфозда дугоналари, курсдошлари тўдасига юргурилади. Гуёки жажжигина қизалоқнинг бошидан силаб сен яхшисан деб қўлига ширинлик тутсангиз, қувониб чокқиллашига ўхшаб кетарди бу. Кейинчалик шоир ўриндикда ҳаяжон билан чекадиган, кўзини аудотория эшигига тикиб қизни сабрсизлик билан кутадиган бўлди. Қиз ҳам дарс жадвал тахтасига келиб тикилиши ва шоирга салом беришни қанда қилмасди. Кунлар шундай ўтарди.

Бир куни газетада шоирнинг туркум шеърлари эълон қилинди. Дарсда ўта билимдон, қаттиққўл домла шоирга илиқ гап айтди. Шеърлар домлага маъқул келибди. Эрталаб биринчи курсдаги талабаларга ҳам шеърларингни мақтадим. Эҳтиёт бўл, талтайма, терлаб ишла, деди устоз. Шоирнинг юраги ғалати бўлди. Биринчи курсларга ҳам шеърларимни айтган бўлса, у бормикин, у ҳам эшитдимикин, бу шеърларни мен ёзганимни билармикин... Унинг хаёли чексиз нурлар ичра тўзгигандай бўлди. Тезроқ сабоқ тугагини сабрсизлик билан кутар, юраги ҳалқириб ураб, ботинида ҳаяжон, ширин бир оғриқ кўзгаланиди.

Ана қиз келди. Тахтачага кўз тикди. Ўқиди. Шоирга қаради. Қизнинг чехраси гулгун порлаб, кўзлари чақнаяпти. Ним табассум инган лаблари пичирлади - салом берди. Шоир ҳам ҳаяжон оловида қақшаб, эсанкираган қўйи алик олди. Улар бир зум тикилиб қолишди. Нигоҳлар чақин чақди. Юраклар чинқириб юбораяпти. Вужудларни чақмоқ урди. Ёруғлик эди. Унинг бу оламда борлиги, шу ерда, мана шу йўлакда туриши гапри одатий эди. Негадир, шоир бугун, ўзини бошқаролмас, гангиб қолган эди. Қиз хижолатик ичра бош эгиб, ортага қайтди. Йигитнинг юраги орқасига тортди. Ичидан бир нарса узилгандай бўлди. Шоир қизни севиб қолганлигини ҳис қилди.

Муҳаббат ҳар қандай метин иродали кишини ҳам ўз йўриғига солади. Шоир ҳамма нарсага рози эди. Фақат



қиздан айрилиб қолишини, уни йўқотиб қўйишини тасаввурига сиғдирилмасди. Эҳтиросли одамнинг севгиси аланга олса, куйдириб кул қилади. Апрельнинг чароғона ва озорли кунларида шоир бир курсдоши билан ётоқхонага яқин, ўша пайтда талабалар тилида “жар” деб аталадиган пивохолага боришди. Кечгача пивоҳўрлик қилдилар. Шоирнинг хира-шира тасаввурига қизнинг чақнаган кўзлари қотиб қолган, гўёки уни кузатиб турарди.

- Шароф, ошна, мен... мен... уф... яқинда жинни бўлиб қоламан. Мен уни яхши кўраман... яхши қиз. Жуда яхши. Уни севаман.

- Ким у.. Кўксингга ўқ бўлиб қадалган. Бунча йиглайсан. Қиз тикилиб ётибди. Йўқ, деяптими? Ким айтади Сени урушда бўлган деб.

- Тўхта... эшит. Йўқ, аввал яна бир бакалдан пиво буюр... яхши. Энди айтаман. Биринчи курсда ўқийди... Намангандан экан. Чиройли. Хуллас шу қизни севаман. Ҳозир, ётоққа борганда, Сен унга менинг севишимни айтасан. Сендан бошқага ишонмайман. Айт, агар кўнглида, куйиб кетдим, агар кўнглида бошқа бирови бўлса, унияма айтсин. Буёғи пешона, ошна... Қани, симирайлик... Закускага қурит ҳам тугабди... Олдик!

- Яхши. Ест қиламас. Нима, осмондаги оймиди. Сендай шоирга курснинг ҳамма қизлари ошиқ. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб айтишадик-ку... Майли, қоғоғингни осма, кетдик. Ҳозироқ, хонасига борамиз...

- Мен боролмайман... Ўзинг. Илтимос, Шарофжон! Ўзинг ҳал қил шуни.

- Яхши. Пивони пулини тўлайсанми?

- Тўлайман... тўлайман. Мана. Хоҳласанг эртага ҳам пивохолага келамиз. Фақат бугун Барнони...

- Бўпти. Эзмаланма. Турдик. Сен хонанга бўл... Диванда чўзилиб ёт. Шест секундда ҳал қиламан...

Улар ётоқхонага келишди. Шоир Шарофнинг амрига бўйсинди. Диванда чўзилиб олди. Юраги қинидан чиқиб кетай деяпти. Кайфи ҳам тарқалиб бўлди. Бир маҳал эшик очилди. Шоир ўгирилиб қаради. Шароф. Ўрнидан сакраб турди. Шароф унга ёт ишорасини қилиб яна қайтиб чиқиб кетди. Йўлақда унинг овози эшитилди... Зум ўтмай эшик очилиб Шароф ичкарига ўқдай учиб кирди-да, шоирнинг устига чойшаб ташлади.

- Кўзингни юм. Ухла. Ўрнингдан кўзгалма.

Шоир нима бўлаётганини англай билмас, Шарофга ботиниб бирор сўз деёлмас, унинг измига бўйсинарди... Эшик тақиллади.

- Келинг, келинг, - Шароф кимгадир мулозамат қилаяпти, - мана, шоирнинг аҳволи чатоқ. Иссиғи баланд. Алаҳсираяпти. Қизлардан бирортасини чақириб ке, деб илтимос қилди. Менимча, дори-пори сўраса керак. Мен топиб келаман, десам, номи галати, унақа дорини умримда эшитмаганман... Балки сиз биларсиз деб чақирдим... Ўзимам кўрқиб кетаяпман. Ўлиб-нетиб қолмасин... Ҳар ҳолда Сиз менга қараганда, биларсиз... Шоир кўзини очиб, хонада Барно турганини кўрди. Ток ургандай бўлди. Юраги увишди. Юзидан тер оқа бошлади.

- Дўхтир чақириб керак... - Барнонинг овози майин, ёқимли эди. Хонага баҳор насимлари апрел борлигининг муаттар бўйларини олиб келгандай бўлди. Бу ёқимли ва хуш бўйдан шоир сархуш эди...

- Ҳозир, ҳозир... мен унда тез ёрдамга кўнғироқ қиламан... Сиз ёнида тулинг... Айтмоқчи, менинг иссиғим ошса, уйимдагилар аччиққина угра ош ичиришарди. Балки, буни ҳам қилармик...

- Майли, майли... Мен тайёрлаб бераман. Агар хоҳласанглар, - деди Барно кўнғироқдай овоз билан.

Шоир ўқинчдан йиглаб юборай деди. У ҳали ўзига нисбатан бундай меҳр ва ардоқни шу пайтгача кўрмаган эди.

- Хоҳлайди. Нега хоҳламас экан. Туз тотмади... Ўзим мажбурлаб ичираман. Сизни ташвишга қўядиган бўлдик-да. Агар ишингиз бўлса, курсдош қизларга айтардик...

- Нега... Мен ўзим.

Барно хонандан шошиб чиқиб кетди.

Шоир ишониб-ишонмай Шарофга қаради.

У тиржайиб турибди.

Шоир ўрнидан туриб дўстини бағрига босди.

- Ақллисан, ошна. Қойил.

- Энди угра ичадиган бўлдинг. Бугун севги ихзор қилишинг учун имконият туғилди. Бўш келма, Наполеон.

- Қандай қилиб.

- Угра ошни ичиб бўласан... Кейин, қўлёмаларингни мен унга бераман... Ҳозир толиқиб турибди. Илтимос шуларни машинкалаб беринг дейман. Унга бераман. Сен бир қоғозга Барно, Сизни севаман. Сиздан бошқа бу оламда ҳеч кимим йўқ деб, ёзасан. Ихзори-дилигини шеърларинг орасига солиб қўямиз. Агар сени сева, шеърларингни кўчириб беради. Йўқса, қўлингга паттангни тутқизади. Бошқа ёр излайсан... Ҳа, бўпти, менга ўқрайма. Касал одам ҳам шундай ўқрайдими? Энди чўзилиб, қачон Барно угра ош олиб келади, деб Худога илтижо қилиб ётавер.

Ўша кун Шароф айтганидай бўлди. Наполеон зафар қучди. Эртасига дўстининг илтимоси билан у дарсга бормади. Ўзини касалликка олди. Барно яна угра ош, кўкат, энди бозорга чиққан помидор-бодринг қилиб касалдан ҳол сўради. Тўғри, бу нарсаларни шоирнинг хонасига ўзи олиб келмади. Шарофдан бериб юборди. Шароф ҳам изини қаттиқ қилиб Барнога миннатдорчилик билдирди.

Шоирнинг шеърларини машинкадан чиқаргач, Барно кечкурун минг бир ҳаяжон ичида эшик чертди. Остонада Барнони кўриб жони бўғзига тикилди. Довдиради.

- Кел... келинг... ҳа. Ҳозир.. Кириг.

- Йўқ. Яхши шеърлар экан. Мана олинг.

- ... Чой... ичинг.

- Раҳмат, тузалиб қолдингизми?..

- Худога шукур. Сиз... майли, - шоир гапини йўқотди.

- Агар бир юмушингиз бўлса айтарсиз. Тагин шеърларингиз бўлса беринг, мен кўчириб бераман... Майли. Мен борай.

Шундай қилиб икки қалб орасида муҳаббат риштаси тортилди.

Ёшлик гулу-гулгун чоғлари, беғубор орзулар ҳаёт синовлари олдида кўп бор ёдга тушди. Ҳаёт, турмуш ташвишлари гоҳида севилган юракларда ўқинч, армон ҳисларини уйғотди. Бироқ ўртадаги меҳр, муҳаббат уларни омон сақлади.

... Барно уйқуга кетган эрига ачиниб қаради. Қийналиб кетди, ишқилиб ўзини олдириб қўймасин, деган ўй кечди хаёлидан. Барно шоирнинг кейинги пайтда ичкиликка ружу қўйганидан хавотирда эди. Шундай чоғда эрининг ёнида туриши, унга кўмаклашиши, кўнглини кўтариши, ортида суянчиғи йўқлигини билдирмаслиги зарурлигини англаб етганди. Агар ҳозир эри ўрнидан туриб, кетдик, қишлоққа борамиз, деҳқончилик қиламиз, мен энди ҳеч нарса ёзмайман, шаҳарда яшамаймиз деса ҳам рози бўларди. У эри билан дунёнинг бир четига бориш учун ҳам тайёр эди.

Эртасига телевиденияга борди. Ариза ёзди. Ишдан бўшади. Нима қиларини билмай бурчақдаги пивохолага кирди. Ичди. Ҳовури босилди... Яна ичди. Дунёни бир оз унутгандай бўлди. Кечкурун уйига тентираб қайтди. Барнони тагин ҳам босди. Бу ҳол бир ҳафта давом этди. Бурхонов кунора кўнғироқ қилиб ўшқириб турди. Барно эрим қишлоққа кетган, пул олиб келади, деб ёлғон гапиришни қанда қилмади. Шоир эса бошини чангаллаган кўйи чора излар, ҳеч қандай ёруғ йўл кўрмасди. Орада таниш-билиш ёзувчи, шоирлардан қарз сўради. Айримлари ачинди, ёрдам беролмаслигини айтишди. Баъзи бировлари унинг ортидан қулди. Кўз ўнгида бир шоир турмуш икир-чикирларига ўралашиб, йўқолиб кетаётганидан севинди. Шундай зимистон ва аянчли кунларнинг бирида тоғаси Тошкентга келди. Қайсидир, каттаконлар жойлашадиган меҳмонхонадан кўнғироқ қилди. Етиб кел, деди. Барнонинг кўнглида ҳам умид учкунлари уйғонди. Эрига тоза кийимлар кийгизди, галстугини тақди. Туфлисини мойлади. Ёлворди, йиглаб-сиқтади, бегона эмас тоғамиз. Ҳоким кишида пул бўлади. Қарз сўранг. Қайтарарсиз. Бошқа чорангиз йўқлигини

билиб турибсиз-ку... Кеча Бурхонов уйингни тортиб олиш кўлимдан келади деб дағдаға қилди. Сизга айтмадим, деди. Шоир эзилди.

Тоғаси ҳашаматли хонада диванда чайқалиб ўтирарди. Ўртадаги айлана стол шоҳона тузатилган. Ичимликлар, ноз-неъматлар тур-тури билан товланиб турибди. Шоирни дастурхонга чорлади.

- Шоир жаноблари, ишлар қандай. Бормай кўйдинг..., - тоғанинг овози гулдираб чикди.

- Шу... юрибман... Иш.

- Ишдан кетибсан-ку... Нима бўлди?

- Ёқмади.

- Нима? Телевиденияга ким қанча одам етишолмай юрибди. Сенга ёқмай қолдимми? Ёки айб иш қилдингми?..

- Йўқ.

- Кеча бизнинг районга ҳам телевизорчиларинг борувди. Суриштирсам, бўшатиб юборишди, дейишди. Ҳар хил гаплар қилишди. Мен уларингдан, билдирмай сўраб олдим. Тоғасиман десам айтишмасди... Энди, битта яримтага танилдим деганда бу нимаси...

- Ким билсин. Шундай бўлиб қолди.

- Ким айтади, сени ҳаётни, қийинчиликни, урушни кўрган бола деб. Ёш бола эмассан-ку...

- Энди...

- Эндингни қўй. Мановилардан ол. Қани... ичадиларми?

- Йўқ.

- Ҳо, шоирлар ичмаса илҳом келмайди, дейишади. Қани, ол. Ўйлама. Ҳаёт шундай. Яхши-ёмон кунлар бўлиб туради. Соғлик бўлсин.

Тоға-жиян баравар кўтардилар. Шу пайт остонада пакана, тўладан келган, пўрим кейинган киши пайдо бўлди.

- Файбулла Шерматович, бориб келдим, - деди у тоғага хушомад қараш билан мулозамат қилиб.

- Яхши. Ке, ўтир.

Пакана куллик дегандай кўлига кўксини қўйиб столга яқинлашди. Шоирга букилиб кўл узатди. Стулни четроққа суриб ўтирди-да, тоғага жавдираб қаради.

- Танишиб қўй. Шоир жияним. Телевизорга чигиб турадигони шу... - деди тоға кўлидаги олма пўстини пичоқ билан арчар экан, ликопчадан кўз узмай.

Пакана дарров шоир томонга бурилиб таъзим қилди. Илжайди.

- Бу кишини танийман. Телевизорда кўп чиқиб туради, - дедида тоғанинг ликопчаси ёнига тушган олма пўчоғини йиғиштириб олди-да, бўш ликопчага солди.

- Қани, сенам битта урасанми, - тоғанинг бу гапи ўзига қарата айтилганини сезган пакана дик этиб ўрнидан туриб шишани кўлига олди. Тоға, жиянга тавозе билан ароқ куйиб тутди.

- Мен, Файбулла Шерматович, ишлар кўпроқ-ку. Ичмасам, девдим, - деди жовдираб.

Шу маҳал тоға шапалоқ тортаман деса бетини, тепаман деса кетини тутиб беришга тайёр паканага шоирнинг раҳми келди. Ачинди. Бундай қилиб, хушомад билан қандай яшаётганига ҳайрон қолди.

- Ич, кўп гапирма. Қани, анови пиёлани, нима кайфинг борми, довдирайсан, катта пиёлани ол. Ҳа, шуни ўзингга куй. Куй. Тўлатиб куй. Энди кўтар. Қани шоир, бир нарса де.

Шоир ҳаммага соғлик тилади. Бир кўтаришда ичди. Тоға ҳам шундай қилди. Катта пиёладаги лик тўла ароққа қараб мўлтираб турган пакана шошиб қолди.

- Ич. Нега шумшасан, - деди тоға бир паррак қазини гасак қиларкан.

Пакана пиёлани бир кўтариб бўшатди. Бўйинини эгиб, ўриндиққа чўқди. Шу заҳоти ўрнидан дик этиб турди-да, кўксига кўлини қуйиб тоғага саволомуз боқди:

- Мен бораверайми Файбулла Шерматович? Нима қилай?

- Шоир билан бизга қуй. Ҳозир сенга иш борга ўхшайди.

Меҳмондорчилик яхши бўлди. Ароқ таъсириданми ҳоким тоғасига шоирнинг меҳри ийди. Иккинчи шишанинг охири кўрингач тоға гапнинг индаллосига

кўчди.

- Энди, жиян бир гап. Кеча уканг бор гапни энангга айтибди. Энанг уйга йиғлаб келди. Уй масаласида... - шу жойда гапни узиб паканага ўқрайди. Пакана ғойиб бўлди, -шу уй олиб қарздор бўлибсан... Хабарим бор. Тошкентда ишим бор эди... Ҳам шу масалангни ҳал қилиб кетишим керак...

Тоға шоирга тикилиб қаради:

- Содиқ! Ҳо, Содиқ!

- Лаббай, Файбулла Шерматович?! - пакана югуриб кирди.

- Завод нима бўлди?

- Ҳал бўлди. Жойида. Эртага пул туширамиз.

- Ҳозир шоирни уйига олиб борасан.

- Ҳўп бўлади.

- Шоир, уйдан қанча қарз қолди?

- Шу...

- Айт. Тез бўл, чайналма... Ланжфеъл бўлма, бола Гапир...

- Икки юз...

- Нима икки юз?

- Икки юз минг...

Тоға мийиғида кулди. Жиян ерга кириб кетай деб турибди. Содиқ пакана тоға-жиян орасидаги гапга қизиксиниб бешиктербатардай тебранди.

- Содиқ, тушундингми, - деди тоға паканага қараб.

- Тушундим... Тушундим.

- Бўпти, - тоға шоирга кўл чўзди. Бу хайр, дегани эди.

Шоир тоға ёнидан қандай чиққанини билмайди. Пакананинг юзига қарай олмади. Ҳовлида салқин ва тоза ҳаводан энтикиб нафас олди.

- Ака, кетдик, ана машина, - деди Пакана қип-қизил "Нексия"га ишора қилиб.

Шоирниқига жўнадилар. Шоир миқ этмади. Пакана бепарво, хуштак чалади.

- Каттанинг жияни бўларкансиз-да...

- Шундай.

- Катта зўр ҳоким. Яхши одам.

Шоир жим эди. Эшитмасликка олди. Уйга келишди. Пакана "Нексия"нинг юкхонасини очиб, ярмигача нимадир солинган ялтироқ елим халтани олиб шоирга тутди.

- Нима бу?

Пакана шоирга ҳайратомуз, бақрайиб қаради.

- Катта айтди-ку. Олинг.

- Ҳа-я, ... Уйга кирмайсизми:

- Йўқ, бошқа сафар...

Машина ўрнидан жилди. Ўралган елим халтани кўтарганча шоир анграйиб қолди. Кўз ўнгида ҳоким тоғасининг саволомуз тикилиб турган сиймоси гавдаланди. Оёқ-қўли бўшашиб, кўзига ёш келди. Беихтиёр "Бир куни қайтараман", - деб пичирлади. Ўзини ўнглаб ичкарига юрди ва зинапоялардан ишонч билан кўтарилди бошлади.

Ичкарида жон ҳовучлаб кутиб турган Барнонинг оёғи остига пул солинган елим халтани тапиллатиб ташлади. Барно тисланди...

- Ма... Онасини... шу ҳаётни. Ол. Бурхонов телефон қилдимми?

- Йўқ... Бу нима дадаси?

- Пул...

- Тоғангиз... бердиларми? Вой, Худойимга шукур-а. Энди яхши бўлади, дадаси...

- Ҳа, ўлдириб олдим.

- Вой, бу нима деганингиз...

- Ўлдирдим...

- Нега ундай дейсиз? - Барно анграйиб турарди.

- Ўлдирдим. Ўзимни ўлдирдим.

X

Эртаси куни шоир Бурхоновнинг ҳашаматли қабулхонасида ярим соат сарғайди. Ҳаммадан сўнг котиба унга каттанинг хузурига киришга изн берди.

- Ҳа, мулла, келибдилар-да, - деди Бурхонов димоғ билан.



У кенг, узун стол ўрнатилган хонанинг тўрида, одам бўйи келадиган қора чармли ўриндикда юм-юмалоқ бўлиб ўтирарди. Кўзлари газабдан йилтиллаб кетди.

Шоир довдиради. Бу ўша кунги кўрсатувни тўхтаётган деб ялинган, мулойим Бурхоновга сира ўхшамасди. Шоир ўзини кўлга олди. У ҳам беписандлик билан елим халтани тарс эткизиб столга қўйди.

- Мана, оп келдим. Олинг.

Бурхонов истеҳзоли илжайди.

- Шундайми? Утиринг-чи... Салом-алик, муомала деган нарса бор. Ҳар ҳолда биз ака-укалармиз. Лекин, Сиз гапимизга кирмасангиз ҳам Сизга ёмонлик қилган жойимиз йўқ. Бу, ишдан ҳам кетибсиз... Йигит киши бир жойда ўсади, ука. Энди шеър ёзиб шоир бўлганлар кўп. Лекин, ўша мен зўр деган шоирларимизнинг ҳам чўнтагида ҳемираси йўқ. Ёшсиз, бунча қайсарлик яхши эмас... Ахир сиз одамгарчилик қилганингизда эди, мен...

- Сиз пулни сўрамасдингиз. Сиз мени эгри йўлга бошламоқчи бўлдингиз. Мен бор нарсани яширолмайман, қолаверса ҳақиқатдан бўйин товлай олмайман, камбағалман, лекин пора ололмайман. Мен ҳаром нон еб катта бўлмаганман...

- Бўлди қил, шоирвачча!

- Нега энди тутаяпсиз?

- Бас, қанча опкелдинг... Шунини тўртта шеър ёзиб топдим ёки ойлигимни йиғиб олиб келдим деяпсанми? Шу пулинг ҳалолми?

- Мен учун ҳалол. Тоғамдан олдим. Санамадим ҳам. Икки юзта деди. Ичини очиб ҳам қарамадим. Бир куни қайтараман...

- Нима? Тоғажонингни мен яхши биламан. Унинг пуллари қаердан келишини ҳам яхши биламан... Сендай ҳақиқатгўйдан ўргилдим.

- Тоғамнинг қандай одамлиги билан сизнинг ишингиз бўлмасин. Лекин кимларгадир ўхшаб номардлик қилмайди. Айтган гапини қайтариб олмайди. Қолаверса, вақти соати етгач бу пулни унга қайтараман...

Бурхонов меш қорнини ушлаб чайқалиб олди. Сўл қўли билан лабини аритган кўйи шоирга ўқрайиб қаради.

- Чиқ, йўқол. Ҳозир, тоға-поғанг билан уруғингни қуритаман!..

Бурхоновнинг тутқаноғи тутиб қолди. У титраб-қақшаб, лаблари пирпирар, юзи гезариб кетганди. Шоирнинг миясида чақмоқ чаққандай бўлди. Кутилмаган ҳамладан довдираб эшикка қараб юрди. Остонага бориб ўзини ўнглади-да, ортига тезлик билан бурилиб, оғзига келган гапни тўхтатиб қололмади.

- Онангни... ҳароми!! Мен Сени ўлдираман!!!

Эшикни тепиб очди-да, шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Қабулхонада бундай ҳолни кутмаган, эсхонасидан айрилган котиба шоирнинг ортидан жеркиб берди:

- Деревняк!

Шоир бунини эшитди. Тишларини гижирлатиб қизга ўқрайди:

- Иди ты... знаеш куда?. - ва газаб билан йўлакка отилди.

Ташқари намчил ва совуқ... Шоирга ҳаво етишмасди. Катта идорадан равон йўлга чиққунга қадар нафаси қисди. Буғилди. Оёғидан мадори кетди. У бекатдаги ўриндикка зўрга етиб келди. Оғир чўқди. Асаби зўриққандан қўллари қалтирай бошлади. Афтода бир ҳолда чўнтақларини титкилаб сигарет қутисини топди. Битта сигарет олиб тутатди.

Автобус келиб тўхтади. Шоир уйга қайтишни мўлжаллади. Бошқа қаерга ҳам боради. Кенг дунёда ўзини ёлғиз, нотовон ҳис қилди. Яна уй. Хотиннинг мунгли нигоҳига қараб ўтириши керак. Бирор нарса ёзиш учун ҳам кайфият зарур. Кўнглинг тинч, руҳинг хотиржам бўлмаса қийин экан. Эркак киши кўчага яратилган, кўчанинг одами деган гап чин. Кап-катта одамнинг ишсиз, уйда қамалиб ўтириши эп эмас. Шоир хаёлига келган ҳар хил ўйлар гирдобидан автобус деразасидан қоқиб, атрофга шунчаки назар ташлаб борарди.

Нашриёт биноси ёнидан ўтаётганда ҳарбий кийим

кийган дум-думалоқ, хўппа-семиз кишини кўрди. У баргрёзан йўлакда пилдираб келаяпти. Йўловчилар орасида алоҳида ажралиб бораётган семиз пакана шоирнинг таажжубини тоширди. Қаерда кўргандим... Ким эди, бу... Ана, чехрасиям таниш. Шоир шунча эшлашга уринмасин хотирини тиклай олмайди. Автобус пакананинг ёнидан ўтгач, шоир ток ургандай сесканиб кетди. Эҳ, бу Бурхоновнинг худди ўзи-ку! Шаҳд билан деразадан орта қаради. Пакана думбиллаб кетиб борарди. Товба, одам дегани шунчалар ҳам ўхшаш бўладими-а? Шоир автобус муолишга етгунга қадар паканадан кўз узмади... Хаёлида лип этиб, капитан Купиннинг, батальон командирининг ўринбосари, мижғов ва аҳмоқ офицернинг қиёфаси жонланди.

Батальон командири галдаги урушда қатнашмади. Унинг ўрнига ўринбосари - капитан Купин борадиган бўлди. Бу ҳамманинг гашини келтирди. Ўлгудай калтабин, мақтанчоқ, довдир Купин оғир жангда батальонни бошқара олмаслигига оддий аскарларнинг ҳам фаҳми етарди. Купин фақат полкда ўралашиб, батальон жангчиларининг кийим-бошини текшириш, казарманинг тозалигини назорат қилиш, дуч келганга бақириб-чақириб, асабини бўзишдан бошқа нарсага ярамасди. Негадир у сира жангга чиқмас, бу билан ҳеч ким қизиқмас, бу ҳам етмагандай жон олиб жон бериб урушда юрадиган, ўқ ёмғири ичида тасодиқ боис тирик қайтган аскарларни ҳақоратлайдиган бу бақалоқни ҳеч ким тартибга қачирмас эди. Фақат қисмда тухум қўйиб, курк бойлаб, семирган бадфеъл Купинни аскарлар жуда ёмон кўрар, буни сезган аламзада хомсемиз ҳам уларга захрини сочишдан тийилмас эди. Шундай қилиб курктовуқ номини олган Купин жангга чиқадиган бўлди...

Батальон Панжшер тоғининг этагида жойлашди. Кеч кириб қолган, аскарлар емак тайёрлашга уринишар, ҳар жой - ҳар жойда гулханлар ёнарди. Қоронғулик қуюқлашгани сари тоғ чўққилари баҳайбат кўрина бошлади.

Кечки овқатга ҳар ким ўзича уринди. Жанг тўрвалардаги кунлик озуқалардан ҳар ким истаганича тановул қилди. Шоир темир идишдаги гўштини қиздирди. Ринат картошка солинган идишни очди. Узоқ гулхан ёқиш мумкинмас эди. Тоғда разведкачилар ва пиёда аскарлар жойлашганига қарамасдан жанг удуми бўйича сергак туриш лозим. Душман снарядчилари гулхан атрофидагиларни бехато нишонга олади. Буни аскарлар билишарди. Иккинчи взвод жойлашган ерда гитара чертиб қўшиқ айтаётган аскарнинг мунгли овози юракни сел қилди. Қўшиқ афғонда ўққа учган аскарлар ҳақида эди. Маъноли. Анча таъсирчан. Қўшиқ тугаши билан Купиннинг буйруғи эшитилди.

- Тамом! Гулханлар ўчирилсин... Жангда эканликларинг ёддан чиқмасин. Кузатувчилар хушёр туринглар. Ҳар ўн беш минутда ўзим кузатаман. Ким мудраётган бўлса ўзидан кўрсин. Иягини синдираман. Қани, бўл, бу сенларга ҳам тааллуқли. Ўчир гулханни! Овқатни қиздирмай есанг ҳам ўлмайсан. Солдат, нима бало тушунмаяпсанми? Икки минутдан кейин ким гулхан ёқиб атрофида ўтирган бўлса, мандан яхшилиқ кутмасин. Вақт кетди...

Жангчилар Купиннинг қаҳрли амрига буйсунди. Улар норози оҳангда тўнгиллаб командирнинг гўрига гишт қалар, шундан тезроқ қутилишни истаҳар эди. Офицернинг овози шунчалар совуқ эшитилардики, тинглаган одамнинг эти учиб, сесканар эди.

- Уф, бунча бемаъни бўлмаса! Одам боласига ўхшамайди, - деди Ринат гулханга сувдонидан сув сепаркан...

Шу маҳал ҳавода ваҳимали овоз пайдо бўлди. Снаряд учаяпти. Шоир ўзини машинанинг тагига урди. Гумбурлаган портлаш содир бўлди, атроф ёришиб кетди. Ҳавони яна шундай кетма-кет ванғиллаган овоз йиртиб, батальон ўрнашган жой тўс-тўполон ичида қолди. Борлиқни аскарларнинг чинқириши, дод фарёди тутди. Снаряд тушиши ҳамона зимистонлик қисқа сонияда ёришиб, ер лопиллаб кетади. Ана шунда кимдир яраланади, кимдир ҳалок бўлади, тирикларнинг ичини

кўрқув емиради, тириклар ерга қапишиб олади. Тирикларнинг юзига ўлим шарпаси урилиб ўтади. Душман батальонни беҳато мўлжалга олаяпти. Снарядлар тоғ тарафдан эмас, чап томондан, қишлоқ ичкарасидан учаётган эди.

Қоронғунинг кўзи кўр деганларидай туйқус ҳужум бошланганидан гандираклаган аскарлар нима қиларини билмай қолди. Взвод командирлари «Жангга» деб қичқиради, лекин қаерга, кимга, қайси тарафга қарата ўқ узиш кераклигини билишмас эди. БМП-2лар гуриллаб ҳаракатга келди. Отув миллари қишлоққа қаратилди... Батальон ўрнашган жойдан анча пастликдаги қишлоққа замбараклар, танклар ўт оча бошлади. Қишлоққа кириб бўлмасди. Йўл четида каттақон дарё оқар, дарёнинг сўл қирғоғидан анча нарида, пастликда жойлашган қишлоқни эгаллаш осон эмасди. Бунинг учун тор кўприқдан ўтишга тўғри келади. Техникаларни қишлоққа қарата йўналтириш бефойда. Йўл йўқ. Разведкачи ва пиёдалар эса, тоққа чиқиб кетишган. Душманнинг ҳаммаси фақат тоғ томондан бўлади, деб қишлоққа эътибор бермаган Купин бутун бошли батальонни ҳалокат жари ёқасига келтириб қўйди. Аскарлар кўкка қизил мушак отиб тоғ чўққиларида ўрнашиб олган пиёда аскарларни ёрдамга чақира бошлади. Аҳвол ниҳоятда огир эди. Агар душман дарёдан ўтиб келса, бу ердаги техникаларни портлатиб йўқ қилиши, отувчи ва ҳайдовчиларни осонликча кириб ташлаши мумкин эди. Чунки тоғ пастида ўрнашган техникачиларни ҳимоя қиладиган куч етарли эмас эди. Бу ерда фақат отувчилар ва ҳайдовчилар, бир сўз билан айтганда техник-жангчилар қолган эди. Бундан ташқари зимистон кечада БМП-2 билан жанг қилиб бўлмайди.

Батальон дарёнинг нарғи соҳили - қишлоқни ўққа тутди. Қишлоқ ҳам газабга минганди. Энди у томондан минамётлар, гранатамётлар, АКМ қуроллари ишга тушди. Техникаларнинг чироғи ўчирилгани билан батальон мислсиз талафот кўрарди. Душман отган снарядлар нишонга тўғри тегарди.

Тоғдаги пиёдалар билан алоқа боғланди. Улар пастга тушишлари керак эди. Бу жаҳаннамдан қутилишнинг бирдан-бир йўли қочиб қолиш.

Пиёдалар ҳа деганда тушавермади. Чорак соат вақт ичида батальоннинг учта машинаси ёниб кетди. Учала техниканинг ҳам механик ва ҳайдовчиси ҳалок бўлди. Ердан лопиллаб олов кўтарилиб портлаш содир бўлар, ана ўша жойга снаряд тушганини фаҳмламоқ мумкин эди, бундан ташқари шу атрофдагилар чинқиради, дод солар, снаряд парчалари кимларнингдир ризқ насибасини бу ҳаётдан батамом узарди.

Шоир БМП-2 ичкарасидаги кузатгич ойнасидан аҳён-аҳёнда ялт-ялт этиб ёруғлик чиқаётган нуқтани топди. Бир қақирим наридаги худди шу жойдан РС снарядлари учаётгани аниқ эди. У отув милини ўша нуқтага тўғирлаб, нишонга олди, снаряд этиб борадиган даражадаги масофага махсус белгини сурди, яъни, кузатув ойнасидаги чизиқни шкала орқали бир рақамига қўйди. Энди бир қақиримлик нишонни беҳато уриш мумкин эди. У узлуксиз равишда ота бошлади. Снарядлар тўғри бориб мўлжалга олинган ерга тушди. Шоир ойнак орқали кузатди. Жимлик. Ялт-ялт йўқолди. Ҳавони ёриб учувчи РС снарядларининг ҳам овози ўчди. Аждарҳонинг бир боши кесилди. Душман ортада ишлаб турган РСга ишонган бўлса керак, дарё яқинига келиб қолган, соҳил атрофида автоматлардан ўқ узар, гранатамётларнинг баданглаши эшитилиб қоларди. Душман дарёнинг сўл қирғоғидан ўт очар, батальонга жудаям яқинлашиб қолганди. Пиёдалар тушқунга қадар чекинишнинг сира иложи йўқ. Уларни техникалар мудофаа қилмаса душман қириб ташлаши аниқ эди. Яна иккита машина портлади. Энди душманнинг дарё томондан бақир-чақир эшитилиб турар, бу эса аскарларни баттар доводиратиб қўярди. Қисм командири алоқага чиқди.

- Барча Рапираларга! Мен Сатурн! Қабулга ўтаман.
- Сатурн! Сатурн! Мен Рапира-1! Сизни эшитаяпман.
- Яхши Рапира-1!
- Сатурн! Мен Рапира-2!
- Сатурн! Мен Рапира-3!

- Барча Рапиралар! Оқоридан пиёдалар тушиши билан ортага қараб олтимиш бир. Рапира-1! Сен биринчи бўлинг йўлга тушасан... Рапира - юлдуз қани! Нега мен Рапира юлдузни эшитмапман...

Пиёдалар тушиши билан ҳаммишагидай орқага қочиб чиқишимиз керак эди. Техникалар чекинишга шайлана бошлади. Қисм командири алоқада Рапира-юлдуз қаердасан, деб кўп бора капитан Купинни сўраяпти. Жавоб йўқ. Купиндан садо йўқ.

- Рапира-1, мен Сатурн, қабул ўтаман...
- Сатурн, мен Рапира-1. Сизни эшитаман...
- Сен Рапира-юлдуз жойлашган тўртинчи қутичанинг ёнига бор... Нега алоқага чиқисманяпти. Рапира-юлдуз сенинг қутисанга чиқсин... Вақт тигиз... Таёқлар ҳам тоғдан тушиб бўлишди. Беш минутдан сўнг ип тортигларда олтимиш бир...

- Сизни тушундим, - деди шоир алоқада. Ринат БМП-2ни Купин турган тўртинчи взвод томон ҳайдади... Дарё қирғоғига яқинроқда тўхтаган тўртинчи взводга қарашли БМП-2 тутаб ёнар, машина атрофида ҳеч ким кўринмас, талафот кўрган шериклари томон яқинлашган БМП-2га қарата душман автоматдан узлуксиз ўқ отарди. Шоир зудлик билан башняни қишлоққа қаратиб, БМП-2 дан ўт очди... У душманга ўқ отишга имконият бермай турди. Ринат эса ҳайдовчи хонасидан чиқиб ишдан чиққан БМП-2 томон югурди. Башняни очиб ичкарига бош сукди. У ерда кимнидир судрай бошлади... Шоир кузатув ойнаси орқали қараб аҳволни тушунди. Алоқага чиқди.

- Сатурн! Сатурн! Мен Рапира-1! Рапира-юлдуз жойлашган нуқтани серсоқоллар ишғол қилибди... Таёқлар икки юз ёки уч юз... ҳолатида... Биз уларни қутичага олаяпмиз...

- Бардам бўл Рапира-1. Ишга кириш!

Ринат ўққа учган ёки снаряд парчасидан ўлган ҳайдовчини судраб келди. Десант бўлмасини очиб мурдани ичкарига жойлади. Сўнгра энкайган кўйи яна чоғиб кетди. Шоир қишлоқни узлуксиз ўққа тутиб, душман шаштини сусайтириб турди. Бу орада пиёдалар, техникалар ўрнашиб бўлган, батальон орқага чекинаётган эди... Ринат портлаган БМП-2 орқасида узала ётган машина отувчисини топди. Уни ҳам судрамочи бўлиб қўлидан тортган эди, сўл қўли узилиб кетди. Снаряд жангчининг чап елкасидан теккан. Чап қўли этига зўрға илашиб турган эди. Ринат энгашиб уни елкасига олди. Боши жангчининг снаряд олиб кетган сўл елкасига тегди. Елкадан изган қон Ринатнинг бўйнидан сизиб, танасига оқиб кирди. Қон ҳали совумаган, жангчига снаряд текканига бир-икки дақиқа бўлган эди. Ринат ўз машинаси ёнига келиб десант бўлгани очаётиб мункиб кетди. Ёнбошига ағнади. Елкасидаги мурда қони унинг юзига оқиб тушди. У десант бўлмаси эшигини тепиб очди-да, ҳалок бўлган жангчини ичкарига ташлади... Бу пайтда Шоир дарё томонга зўр бериб пушка ва пулимётда ўқ ёғдирар, нима қилиб бўлса-да душманни яқин йўлатмаслик чораларини кўрарди. Ринат тагин снаряд теккан БМП-2 томон югуриб кетди. У машина атрофини айланиб чиқди... Шу заҳоти ундан уч тўрт қадам нарига минамёт ўқи тушиб портлади. Вузиллаб учган темир парча юзини ялаб ўтди. Ўзини ерга ташлаб бошини беркитиб олди. Кўпни кўрган жангчи сифатида ҳозир иккинчи снаряд келиб тушишини сизди. Галги портлашни кутди. Ҳавода ваҳимали овоз чиқариб кейинги снаряд портлади. Атроф ёришиб кетди. Буниси Ринатдан узокроққа келиб тушди. Ринат БМП-2нинг эшиги тутқичидан осилиб башняга чиқди-да, машина устини кўздан кечирди. У башнянинг олд қисмида кимдир ихраётганини сизди. Қоронғуда бирор темир-терсака уриниб йиқилмаслик учун эҳтиётлаб оёқ босди. Аянчи овоз чиқариб инграётган ярадор олдига борди. Таниди. Капитан Купин. Дум-думалоқ бўлиб, дўмпайиб ётибди. У ярадорни силкилади. Купин тагин ихради. Уни машинадан судраб туширишнинг ўзи бўлмасди. Бу хўппа-семиз офицерни кўтариш учун Ринатнинг мажоли йўқ эди... У Купиннинг танасини сийпалаб кўрди. Қўл-оёғи бут. Шунда оёғи олдида ётган алоқа қурилмасига қўли



тегди... Мосламани олиб бошига кийди... Ишлаяпти...
Хатто алоқадан қий-чув, ўқ овозлари эшитилиб турибди.
У алоқада қисм командирига вазиятни тушунтирди.
Батальон йўлга тушган эди.

- Рапира-1. Яша, ўғлим. Ўзингни тут! Ҳозир сенга битта кутуча ёрдамга боради...

Разведкачиларга қарашли БМП-2 келиб тўхтаганда Ринат капитанни судраб, тушириш осон бўлиш учун машина четига олиб келган эди. Иккита разведкачи Купинни оёқ-қўлидан кўтариб Ринатнинг машинасига олиб боришди. Уни ҳам десант бўлмасига жойладилар. Шоир ҳамон қишлоқни ўққа тутарди... Разведкачилардан сўнг Ринат ҳам машинани ўт олдирди. Улар батальонга етиб олишди... Ринат машинани қисм тўпланиши кўзда тутилган яланглиқдаги тиббиёт пункти томон ҳайдади... БМП-2 фараси ёритиб турган палатка ичидан ҳарбий кийимли аёл югуриб чиқди... Бу олдин ҳам бир гал Шоир ва Ринат билан битта экипаж бўлиб жангга чиққан Нина Григоревна эди. Улар аввал Купинни олишди. Замбилга жойлашди. У ўхчиб-ўхчиб хириллар, инграр эди...

- Қопқоғидан энгил яраланибди, - деди Нина Григоревна...

Шоир Купиннинг тепасига келди. БМП-2 фарасининг хира ёруғида унинг оқарган юзини кўрди. Купин тепасида юзини яқин қилиб тикилиб турган Шоирга қараб:

- Раҳмат сизларга, - деди.

- Бутун бошли батальоннинг бошига етдинг, - деди шоир сенсираб.

Шу пайт Нина Григоревна шоирнинг елкасидан ушлаб четга тортди...

- Ўзингни бос... Кераги йўқ... Илтмос, ўзингни қўлга ол аскар. Мен Сени хурмат қиламан... ярадор-ку бу...

Икки жангчи Купин ётган замбилни кўтариб палата томонга юришди. Десант бўлмасидаги ўликларни тушираётганда шоирнинг кўзига жикка ёш келди... Сен шу жангчиларнинг тирноғига ҳам арзимасдинг Купин... Сенинг ҳали кўзинг очилмаган эди, Купин. Агар сен кабилар бўлмаса ёвузлик ҳам бўлмасди. Сенлар одамларни ёмон кўрасан... Сенлар одамларни ёмон кўрасан...

Шоирнинг лаблари пичирлар... Кўз ўнгида Купин ва Бурхонов қотиб турарди.

- Кечирасиз, мазангиз қочдимиз?... Автобусни тўхтайтими?

Шоир ёнида кетаётган аёлга анграйиб қаради. Йигирма беш ёшлардаги жувон тикилиб турибди. Бироқ боқишлари беозор. Мунис. Меҳрибон. Барнонинг қарашларига уйғун. Шоир бу куйинчак жувонга миннатдорчилик билдириб, ўз савдоилигидан уялди.

Автобусдан тушиши лозим бўлган "Табассум" бекатидан икки бекат ўтиб кетганини пайқади.

Дорихона бекатида тушиб қолди. Тунд қиёфада, ўз ўйлари билан андармон ортига пиёда қайтди. Эти жунжикди. Ҳаво совиган. Худди қор ёғиши олдида содир бўладиган алфозда. Бунчалар файзсиз кун, деб ўйлади шоир. Бунинг бари Бурхонов туфайли. Эҳ, бу одамнинг зуваласи қон ёки заҳарли сув билан қорилган бўлса керак... Агар, шу зугумини менга урушда қилганда аниқ отиб ўлдирадими. Шоир хаёлига келган гапдан бир оз таскин топиб, ҳовури пасайди. Мен чиндан ҳам жангда уни отардимиз? Йўқ, отолмасдим, барибир Худого солардим.

- Бурхонов, сени Худого солдим...

XI

- Мен сени Худого солдим шўрави! Худого солдим... Шоир уйғониб кетди. Хансиради. Уйқуси озор топиб, нохуш туш кўрди. Буни туш эканлигига ишонч ҳосил қилиб, бироз ҳаяжони босилди. Деразадан кўринган бир парча осмон оқариб келарди. Тонг яқин. У ичи ловиллаб ёнаётгани, лаблари қуриб қақшаб бораётганини ҳис қилди. Атрофга алаанглади. Эшикка яқин столга бош қўйиб Гўзал ухлаяпти. Чарчаган шўрлик. Жиккаккина бўлсам, ўз ишига ҳалол бу, деган ўй ўрмалади шоир кўнглида.

- Уф... сув. Чанқадим, - деди у секин ўзига ўзи алланечук илинж билан. Гуёки шундай деса истаги вожиб

бўладигандай, кимдир унга сув тутадигандай эди. Аммо, шундай бўлса-да Гўзалнинг уйғонишини, уйқусини бузишни сира-сира хоҳламади. Айни дам, бундай ночор аҳволда қиздан уяларди.

Йўқ. Гўзал ҳушёр эди. Тиқ этган товудан уйғонарди. Унинг уйқуси сергак эди. Касби тақозоси ўлароқ бошқалар каби донг қотиб ухлай олмасди. У кечами, кундузми ҳамшира учун битта иш - беморга ёрдам бериш, унинг ҳаётини асраш зарурати елкасидан босиб туришини яши анларди.

Гўзал ўрнидан туриб термосдаги чойни пиёлага қуйди. Енгил қадам билан шоирнинг ёнига келди.

- Мана ичволинг, - унинг кўзлари қизаринқираган, қовоқлари зўриққан эди.

- Раҳмат сизга. Соат нечча бўлдикин?

- Тўрт ярим. Ҳа демай тонг отади, - деди қиз халати чўнтагидан соат олиб қараркан.

- Сизни қийнаб қўйдим. Энди бемалол ухлайверинг. Мен тонггача уйғоқ бўламан... Барибир уйқум келмайди.

- Айниқса, бугун. Сиз учун энг яхши кун, - деди Гўзал жилмайишга ҳаракат қилиб...

- Нега?.. - деди шоир Гўзалнинг нимага шама қилаётганини англаб-англамай.

- Ия, бугун Сизнинг туғилган кунингиз. Нима бало, бизни билмайди, деб ўйлайсизми?

- Сизга ким айтди?

- Ия, ўзим биламан. Бош врачдан жавоб сўрагансиз... Барно олам кеча айтгандилар...

- Ҳа, майли, раҳмат. Шундай пайтда сиздай меҳрибон сингилнинг ёнимда бўлиши яхши. Гўзал, бу яхшиликларингизни, Худо хоҳласа қайтараман.

- Доим шундай дейсиз... Шу гапингиздан ўзга мақтов йўқ, шоир ака...

- Гўзал, мана сиз тушунасиз. Инсоннинг боши, мияси, ўзи хоҳласа-да хотирасига ўрнашган айрим воқеа-ҳодисаларни ўчириб ташлай олмайми? Ахир бош меники-ку? Нега энди хоҳлаган пайтим яхши кунларим ҳақида ўй-хаёлга берилишим мумкин эмас. Нега энди қутилмаганда ўз хоҳиш-истагимга терс ҳолда факуллода ўта аянчли ҳодисалар хотиримда тагин жонланиб қолади?..

- Хотирани ўчириб ташлаш мумкинмас. Буни яхши биласиз. Сиз фақат яхши нарсаларни эсга олишга ҳаракат қилинг. Бошингизни даволаш ўз қўлингизда. Унчалик қайғу-кулфат комида кўмилаб яшашдан тийилинг. Ҳа, майли, бироз мизғиб олинг...

Шоир кўзини юмишдан зада эди. Кейинги пайтлар унинг туши айниди. Айқаш-уйқаш. Турли-туман воқеалар гирдобида қолар, Таниш-нотаниш кишиларни тушида кўрарди. Очиғи, бу чалама-чатти, тарқоқ манзараларни туш деб бўлмас эди. Алахсираш ёки босинқираш десак тўғри бўларди.

Бу кеч ҳам шундай бўлди. Тушида олти ёшли қизини кўрди. У афгон қизалоқлари қиядиган кийимда эмиш. Ҳовли. Лой томли пастқам кулбанинг бир бурчи ўпирилган. Берирокдаги бостирма вайрон бўлиб ётибди. Бостирма тўсини, каттақон болор қулаб тушиб, семиз, наслдор сигирни босиб қолган. Сигир танграйиб ўлиб ётибди. Шишиб кетган. Қизи ҳовлини ўртасида дод солиб йиғлаяпти. У чўк тушиб олган. Қўлларини ҳавога чўзиб нола қилаяпти.

- Мен сени Худого солдим, шўрави! Худое-худованда бир умр азоб тортгин, шўрави!

Қизалоқ худди жойида ўтирволиб садир тушаётгандай, боши, елкаси, гавдаси билан ўнгдан чапга тебранар, қўллари ҳавода муаллақ қотиб титрарди...

- Мен Сени Худого солдим, шўрави! Мени ҳам ўлдир, шўрави!

Шоирнинг оёқ-қўли бўшашиб ўтириб қолди. Тушунди. Бу ер - Афғонистон. Унинг кўзидан қайноқ ёшлар сиза бошлади. Қизи сари яқинлашиб борди. Қизалоқ дод солиб ўрнидан турди-да, қулба томон югурди. Шунда автомат тариллагани эшитилди. Қизалоқ жойида тўхтаб чайқалиб кетди. Орқага тисланди. Гупиллаб йиқилди. Шоир дод солиб бақирди.

Уйқуси учди. Уйғониб кетди. Унинг додлаганини

Гўзал ҳам эшитди. Бу оғриқ зўрайиши эмас, балки шоирнинг алаҳсираганини тушунди. Ҳозир кўз очган шоирнинг хижолат тортмаслиги учун ўзини ухлаганга солди. Столга кўксини бериб, кўзларини чирт юмиб олди.

Шоир вос-вос касалига йўлиқиб қолишдан, ақлдан озишдан қўрқарди. Чунки дарди шу томонга бурилиб кетиши мумкинлигини англаб етарди. У улугъ ёзувчи Хемингуэйнинг "Уруш даҳшатини англаганлар ақлдан озишлари мумкин", деган гапини тез-тез эсларди. Ҳар қандай оғриққа чидаши мумкин, лекин инсон ҳеч қачон хотира азобига дош беролмайди, деб ўйлади. Шу тобда ёнида нималарнидир ёзиб турган ҳамширага қараб шу қиз ундан кўра нечоғлик бахтиёр эканлигини ҳис этди. Шунинг учун кўзлари тиниқ ва беғубор бўлса керак.

- Гўзал, яна бир пиёла чой узатасизми, - деди у ҳамон нималарнидир ёзаётган қизга.

- Хўп бўлади. Шоир ака, манови дорини ҳам ичволинг... Янаям энгил тортасиз.

- Бу қандай дори?

- Асабни юмшатади. Бош оғриғини қувлайди, - қиз кулди.

- Майли. Фақат ухлатиб қўймасангиз бўлди.

- Ий, йўқ. Ҳозир Сизга уйқунинг кераги йўқ. Кўз тегмасин. Анча яхшисиз. Қўйин ҳолатдан ўтиб олдингиз. Укол-дориларнинг фойдаси тегди.

- Раҳмат, Гўзал.

Шоир яна сукутга чўқди. Кўзини шифтга тикиб жим қолди... Бугунни кайфиятимни баланд қилиб, хушчақчақ ўтказишга ҳаракат қилишим керак деган фикр ўтди. Бироздан сўнг тонг ёришади. Кўёш чиқади. Уйдагиларим келади. Уларни хушҳол қаршилашим керак, деб ўйлади. Хотини, ўғли ва икки қизини кўз олдига келтириб, юзига илиқ табассум олди. Оиласида энг яхши кўрадиган Юлдуз қизини бағрига босаётгандай ҳис қилди. Ана, ийманиб, кулимсирабгина дадасининг бағрига бош қўйяпти... Қуралай кўзлари кулади. Дадасининг бору жаҳонини нурга тўлдирувчи - эркатой, бўлакча, феъл атвори ҳам ҳеч кимга ўхшамайдиган Юлдуз гўдаклигида кўп касал бўлди. Худойни уни кўп бора қайтариб берди. Шунданми шоирнинг Юлдузга меҳри ўзгача. У йиғласа шоирнинг юрак бағри ўпирилиб кетади. Бирор жойи лат еса ота ўзини кўярга жой тополмай қолади.

Шоир хаёлларидан чалғиб, яна тушини эслади. Ҳовли. Бостирма. Хароба уй. Ҳовли ўртасида афгон қизалоқлари кийимидаги Юлдуз. Қўлини ҳавога чўзиб қарғаяпти. Кимни? Дадасини. Дадасининг қўлида қуроли бор эмиш. У яна Афғонистонда эмиш. Юлдуз дод солиб йиғлаяпти.

- Сени Худога солдим, шўрав! Худога солдим.

Қизи уни танимасмиш. Шоир карахт ҳолда қизи томон юрганди, у ўзидан туриб кулба томон чопди. Шунда аркомат тариллади. Қизи ҳавода чайқалиб турди-да, орқаси билан йиқилди. Шоир ким отганини, нима бўлаётгани англамай ён-верига қаради, ҳеч ким йўқ... эмиш.

Шоир кўзларини чирт юмиб олди. Бадани жимирлаб кетди. Ўзини бўғилаётгандай ҳис қилди. Лабларини қаттиқ тишлади. Оғриқнинг зўридан ихраб юборди. Гўзал қоғоз-қаламдан бош кўтариб беморга қаради.

- Тинчликми? Безовталанапсиз... яна оғрияпсизми?

Қиз ҳавотирли алфозда шоирнинг қон босимини ўлчади. Ёмон эмас. У дераза қанотларини очди. Ичкарига баҳорий бўй ва тонги мусаффолик оқиб кирди.

- Гўзал, Сизга бир нарса айтиб берайми? Эшитасизми? Шундай қилсам, яхши, вақт ўтади.

- Бемалол. Фақат, аввал айтинг, бошингиз оғрияптимми?

- Йўқ. Бошим яхши. Анча энгил. Тонггача зерикмайин деяпман. Ахир сиз чарчаган бўлсангиз...

- Нега энди, айтинг. Эштаман.

- Гўзал, одам ҳар қандай гуноҳи учун жазосини оларкан. Бировни хонавайрон қилиш, ўлдиришнинг гуноҳи бир куни ҳар кимнинг ёқасидан тутати. Мен урушда одам отишим мумкин, бу урушнинг даҳшати, мен шундай қилишга маҳкумман, урушда бошқача бўлиши мумкинмас, деб ўйлардим. Афғон урушидаги воқеаларни айтаяпман. Ушанда ўн саккиз билан йигирма ёш орасида

эдим. Қўрқмасдим. Баджаҳл, шафқатсиз жангчига айлангандим. Раҳм-шафқат туйғуси ҳақида тўхталишга ҳожат йўқ эди. Уруш мени қуролга айлантириб қўйганди... Бу гапларни ўз ўтмишининг фожиали кечгани хусусида сўзлаб сизнинг раҳмингизни келтириш ниятида эмасман. Фақат хотира азобининг хуни, яъни барча гуноҳларининг хуни вақти келиб гирибондан бўғиб, барча қилмишларингизни ёдга солгач, дунёда сендан кўра бебахт одам йўқлигини англаб қоларкансан. Хотира хун сўраса ёмон бўлади.

Бир оз олдин уйқумда қизимни кўрдим. У ҳам урушда юрган эмиш. Мен уни... Ҳа, майли, ҳозир, ётган жойимда бир нарсга амин бўлдим. Бу даҳшат... Гуни Сизга айтиб беролмайман... Лекин, энди бошладим. Сиз мени кўриб қўйинг. Кимман. Хўш, эшитинг...

Ушанда байрам эди... Янги йил. Қисмимиздаги иккита БМП-2ни экипажи билан Қобулдаги совет элчихонасини қўриқлашга олиб боришди. Ҳар байрамда шундай қилишарди. Қобулдаги шўро маслаҳатчилари уйи олдига машиналарни қўйдик... Айём чоғи хушёрликни ошириш, пойтахтдаги ўзимизникларни қўриқлаш мақсадида қилинган бу иш ҳар ҳолда жангга боришдан кўра афзалроқ эди. Шаҳарда отишма бўлмайди. Бундан ташқари шўро маслаҳатчилари, уларнинг оиласи байрамда бизни совға-саломлар билан сийлайдилар.

Кечкурун, қўёш уфққа оға бошлаган кезда постда турдик... Кеча яхши ўтди. Эртаси эрталаб, пиёда аскар шеригим, рус йигити шаҳарга қирайлик, бу ерда яхши нарсалар кўп, харид қиламиз деб туриб олди.

Одамлар гавжум. Оғзи ланг очиқ дўконларда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин бесаранжомлик. Бешарм журналлар, апелсин, атир-упа, кийим-кечак, турли хил ичимликлар, пойафзаллар, сигаретлар тур-тури билан, ҳамма-ҳаммаси бор. Аралаш-қуралаш. Биз ана шундай дўконлардан бирига яқинлашдик. Дўкон эшиги ёнидаги тўда четга сурилиб бизга йўл берди. Сотувчи билан нималар деб тортишаётган харидор ҳам жим бўлди. Дўкондор бизга олазрак қаради. Қуролланган босқинчилар келишди, буларнинг қўлидан ҳар нарса келади, деб ёвқараш қилган оломон секин тарқала бошлади. Шеригим кўзи ўйнаб дўконни кўздан кечирапти. Дўкондор ёнидаги жажжигина қизалоқ мунчоқ кўзларини тикиб анграйиб, ҳайратомуз қарайди. Унинг беғубор чеҳрасидаги таажжуб ва қизиқишни пайқаш мумкин. Шеригим қўлидаги қуролни ўйнатиб, апельсин жойланган қутилар ёнида терилган сигаретага ишора қилди.

- Ну-ка, покажи...

Дўкондор тушунмади.

- Ай, босмач! Я твоя мат... дай сигарет!

Дўкондор орқага тисланди. Аскар қуролни ўқталди. Шунда ҳалиги қизалоқ қулоқларини беркитиб чинқириб йиғлай бошлади...

Аскарнинг газаби кўзиди.

- Молчи! Рот закрой... Чего орёш, дикарка?!

Қизалоқ Қобулни бошига кўтариб чинқирар, азбаройи қўрқувдан ранги пахта каби оқариб кетганди. Мен шеригимни бир силтаб ўзимга тортдим-да, ияги тагидан ўнг қўлим билан қаттиқ сикдим.

- Ҳой, ҳозир ичак-чавоғингни чиқариб ташлашади. Бор эшикда қутиб тур. Ўзим олиб бораман, ўша исқоти сигаретингни.

Ҳамроҳим қутилмаганда қилигимдан тайсаланиб қолди. Мен уни эшик томон итардим. Шунда осмондан тушдим, ё ердан чиқдим, билмайман, қоп-қора либос кийган, узун саллалик, афт ангори важоҳатли, соқолли бир дарроз кимса пайдў бўлди-да, қўйнидан ярақлаган тиф чиқариб шеригимнинг бўйнига қўл силтади. Аскар пихиллаб, чир айланиб қулади... Оёғини икки уч бор ётган жойида жон уҳмида силтаб, типирчилай бошлади. Мен нима бўлаётганини англамай, қўлимдаги қуролдан атрофга гир айланиб ўқ уздим. Уч тўрт кишининг силтаниб йиқилганини кўрдим. Атроф қий-чувга тўлди. Бу жуда қисқа, оний лаҳзаларда содир бўлди. Дўкон ичкарасидаги қизча қонига бўялиб ғужанак бўлиб ётган



дадаси устига чинқириб ўзини отди. Мен дўкондан югуриб чиқдим. Рўпарада ўқдай учиб келаётган БТРга қўл силкидим. Бу ҳарбий йўл назоратчилари машинаси эди. БТР дўкон ёнига келиб тўхтади. Вазиятни тушунган ҳарбийлар машинадан сакраб тушдилар-да ўзларини дўкон ичкарасига уришди. Бу пайтда оломон тир-тўзиган, ичкарида қонига бўялиб ётган аскар ва ўққа учган бир неча афгонлар чўзилиб ётарди. Фақат ҳалиги қизалоқ титраб-қақшаб қалтирар, овозини чиқармай унсиз йиғларди. У дам ўлиб ётган дадасига қарар, дам аскарларга мўлтираб термулар, тиззаларини бир-бирига қовуштириб, иккала қўли билан энкайган қўйи киндигидан пастини ушлаб турар, у ҳаддан зиёд кўрқиб кетган эди. Ҳарбийлар аскарни олиб чиқишди. У жон берганди. Мени сўроқ қилиш учун армия штабига олиб кетишди. Тушдан кейин қўйиб юборишди.

Эртаси куни қисмга қайтдик. Штаб бошлиғи бўлган воқеани суриштирди. Мен ўша ҳолатни оқизмай-томизмай айтиб бердим...

- Демак, душман сизларга ҳамла қилибди, - деди ўйга толиб.

- Билмадим...

- Ҳой, нега билмайсан. Худди шундай бўлди, де. Ахир қанақа боласан. Бу ерда армиямиз шаъни ҳақида гап кетаяпти. Душман қилмишига яраша жазо олган... Сизларга йўлда хужум қилган. Шунда сен уларга қарата ўқ узгансан. Зўрга жон сақлагансан. Йўл назоратчилари етиб келгач, душман чекинган. Армия штабида ҳам шундай хулосага келишди. Тушундингми?

- Ҳа. Тушундим.

- Бор энди.

Офицер менинг ортимдан нафрат билан қараб қолди. Ўзимни хўрлангандай ҳис қилдим... Бу жудаям оғир ҳол эди.

... Шоир жим қолди. Гўзал унга ачиниш ва хавотир билан қарар турарди.

- Оғир... Сизга оғир. Даҳшат-а? - деди Гўзал.

- Даҳшат. Ўша чинқириб йиғлаган қизалоқ кеча қизим Юлдуз сиймосида тушимга кирди. Бу нарса мени ҳеч қачон тинч қўймасда керак...

- Кўп ўйламанг, - Гўзалнинг овози қалтираб чиқди.

- Мен ўйламайман. Лекин гуноҳларим мени тинч қўймайди. Ўша қизалоқнинг қарғиши мени уради... Мана бу жудаям оғир ҳол.

Тонг оқарди... Гўзал шоирнинг ёнида туришга негадир ўзини ноқулай сезди. У идиш-товоқларни ювишни баҳона қилиб ташқарига йўналди... Гўзал йўлакка чиқиб юм-юм йиғларди.

XII

- Салом, дадажоним!

Эшикдан югуриб кирган олти ёшли қизалоқ бемор дадасининг бошидан кучиб, пешонасидан ўпди. Шоирнинг кўнгли алланечук бўлди. Кўнгли бузилди. Ичидан йиғига ўхшаш бир туйғу ўрлади. Ночорлиги, ўзини катталардай тутиб, дадасининг дилини овлашга уринган қизчанинг ҳозирги қилиқларидан музтар бўлди. Бошига кун тушса болалар ҳам кексайиб қоладилар, катталарга ўхшайдилар, деган хаёл билан Юлдузга термулди. Ўзини ўнглаб яримбел бўлиб ўтирмақчи бўлди. Унинг ҳаракатани кўрган Юлдуз кичик қўллари билан оҳиста кўксидан босди:

- Ётинг... ётинг... Дадажон, ётинг!

- Майли, қизим. Ўтирақолай. Қандайсизлар! Қани аяжонинг?

- Кайидойда... Келаяптилай... Зиндан энди чиққан бўлсалай кейак... Мен чопдим...

- Яша, ўзимни онам... Ҳеч ким сени уришмаяптими?..

- Йўқ... Кеча оғир даданг тузалиб чиқсинлай, ҳаммангни айтиб уйдияман дедлай... Сиз биззи уясизми?..

- Йўқ. Сира... Шундай асал қизни ҳам уриб бўладими?..

- Дадажон... Айтмоқчи. Туғилган кунингиз билан табииклайман..., - қизалоқ шоирнинг юзидан яна ўпиб қўйди, - биласизми, ойижоним сизга гул сотиб олдилай...

Ана, ўзлайи ҳам келдилай...

Шу маҳал остонада бир кўлида елимхалта, бир кўлида бир даста қип-қизил чиннигул кўтарган Барно пайдо бўлди. Аёл жудаям жозибали эди. Деразадан баҳорий бир тиниқлик иниб, хонани, бутун дунёни ёруғ этган лаҳзада, остонада нуру гулга тўлиб, гулдай чароғон очилиб, нурдай сочилиб турган жувоннинг кўлидаги гуллар чиройли эди, йўқ, унинг ўзи гул эди, у гулдан чиройли эди... Порлаётган нигоҳларидан кулги сачрар ва бу сачқи шоирнинг авзойи баданини куйдирар, гўё тўшақ билан биргаликда мовий юксаликда учиб борарди.

Шоир сархуш ҳолда аёлга ютоқиб термулди. Бош силкиди. Аёл ҳам жилмайди. Оҳиста қадамлар билан шоирнинг ёнига келди...

- Тузалиб қолдингизми... Туғилган кунингиз муборак бўлсин, дадаси...

- Раҳмат, Барножон... Яхши ўтирибсизларми... - шоир бошқа гапиролмади. Кўнгли ийиб кетди. Шу топда қаршисидаги жувонга, манави, бижилдоқ қизчасига раҳми келди. Мен бари бир бахтли эркакман, мени севишади, деган ўй кўнглини ёритди. Ҳеч бўлмаса шуларнинг севгиси, жовдир-жовдир нигоҳи учун яшашим керак. Эй, Худойим, бариси тезроқ ўтиб кетсайди.

Гўзал гул учун гулдон олиб келди. Сув қуйиб гулларни солиб қўйди. Уларни ҳоли қолдириб ташқарига чиқиб кетди.

- Менга бугун уйга боришимга рухсат беришмаскан. Кеча бороз мазам қочди.

- Хабарим бор. Тузалиб чиққанингизда туғилган кунингизни бирга нишонлаймиз. Ҳозирча уйдан хавотир олманг. Эртага оғир келадилар. Кичкинанингизга қараб турадилар. Шунда ўзим кун бўйи ёнингизда бўламан. Зерикмайсиз.

Барно қандай қилиб бўлса-да эрининг кўнглини олиш илинжида эди. Юлдуз дадасининг оёқларини уқалаяпти.

- Бу ерда зерикарли эмас. Лекин, сизлар анча ташвишда қолдингиз. Уйда пул ҳам тугагандир. Кеча ишхонамизда ойлик бергандир. Юсуфга, телефон қилинг, ойлигини, гонораримни олиб берсин.

- Майли Сиз бу нарсаларни ўйламанг. Мана, манти олиб келдим. Иссиққина. Еб олинг. Гўзалнинг айтишича, кам овқат еяпсизкан. Озгина бошингизни кўтаринг. Ҳеч қиси йўқ, сочиқни тўшайман. Олинг - Барно елимхалтадан косада манти олиб шоирнинг қўлига тутди. Косанинг бир четидан ушлаб турди.

Палатани зира қўшиб пиширилган мантининг ҳиди тутди. Она ва қиз дадасининг овқатланишига завқланиб қараб туришди. Иштаҳаси очилган шоир она-болани шод қилиш учун ҳам таомни охиригача еди. Қуруқ косани айлантириб, яна бир коса манти топиб беринглар, деб ҳазиллашган бўлди. Қиз кулди. Она кулди. Ота кулди - хона ичи нурга тўлди. Ана шундай хушу хуш кайфият билан улар хайрлашдилар. Кетаётиб Барно нима овқат олиб келай, деди. Шоир ўзингиз биласиз, деди. Айтинг, кўнглингиз нимани тусаяпти, деди. Шоир айтсам айтими-да, кесган ош олиб келинг, деди. Аёл кулимсиради. Шоир жилмайиб қўйди. Юлдуз қиз ойисига эргашиб, бармоғини лабига босиб, дадасига ҳавода ўпич йўллади. Дада ҳам худди шундай қилди.

Улар қичиб кетиши билан ашқол-дошқолларини кўтариб ҳамшира қиз Гўзал кириб келди. Яна осма укол. Шоир зада бўлган қўйи қизга қаради.

- Янами?..

- Албатта. Аввал ёнбошингизга манови уколни қиламан. Сўнгра гемодез оласиз. Қарабсизки, бугун оёққа туриб кетасиз. Худога шукур, анча тузуксиз. Барно опам ҳам хурсанд бўлиб чиқиб кетдилар... Бош врачимиз бир оздан кейин келиб сизни кўрадилар. Қани, ёнбошингизни очинг. Ўзингизни бўш қўйинг. Мунча чўчийсиз. Ким айтади сизни энг қийин пайтда касалликни енгиб ўтган киши деб. Ҳа, мана. Ҳатто билинмадиям. Кеча оғир жараёнидан ўтиб олдингиз. Бугун реанимацияга оғир беморни олиб келишган. Ўзини билмай ётибди. Қон босими жуда юқори. Бу хавфли. Эрталаб ишхонасида хуруж қилиб қолибди. Инфаркт экан. Министр эмиш. ТошМИ дан профессор чақирдишди, - Гўзал осма укол

кўйгунча шу гапларни айтиб бўлди.

- Инфаркт ҳам ёмон дард-а?

- Ҳа. Хавфли. Олиб кетади. Анови министрнинг ҳам аҳволи чатоқ дейишяпти.

- Қайси министр экан.

- Билмадим. Фамилияси Бурхонов! Касаллик вароқасига кўзим тушди. 1946 йил туғилган. Ёш экан бечора.

- Фамилияси Бурхонов?

- Ҳа, Бурхонов. Миякард-инфаркт. И к к и н ч и босқич. Реанимацияда...

- Их-хе! Худо бор, Бурхонов! Худо бор! Ҳеч ким дунёга устун эмас. Давлат, мансаб ўлимнинг олдида бир пул, Бурхонов...

Шоир бехосдан ўзига ўзи гапира бошлаганидан анграйиб қолган Гўзал:

- Вой, ўлмасам Сизга нима бўлди?- деди.

- Мен Бурхоновни айтаяпман.

Ҳа. Мени азоблаган, осмонни ушлаб турибман деган министр у. Биз битта вилоятданмиз. Лекин, яхши одам эмас. Жамият, халқ деган нарсани билмайди. Билгани мансаб, пул. Ўзидан бошқани тан олмайди. Эзгилаб ташласам, дейди ёвуз.

- Ҳой, ўзингизни босинг. Майли ким қилса ўзига. Сиз ўзингизни ўйланг.

... Бугун эрталаб Бурхоновнинг ходими пора устида кўлга олинади. Бурхоновга олиб бориши керак бўлади. Жудда катта сўмма. Айтиш ҳам ноқулай. Бунинг тафсилотини ёзиб асаримизни булғаб ўтирмайлик. Кейин буни эшитиб министр бақадай бақрайиб туради-да столдан йиқилади. Инфаркти кўзиб қолади. Бўлган воқеа шу. Мана энди реанимацияда ётибди.

Бугун бошқа кунларга қараганда бошқача эди. Ёруғмией, чиройлимией, файзлиимией. Энг қизиғи, эрталабдан галати хабарларни эшитди. Бурхоновга ачингандай бўлди. Бола-чақаси бор одам. Ҳеч ким ўлмасин. Майли, ўзи ёмон бўлсаям, фарзандлари бор. Улар учун яхши. Уларни ўқитиб одам қилиш керак. Ҳеч кимнинг оиласи зор қақшамасин деган хаёлга борди.

Тушга яқин газетада бирга ишлайдиган жўралари келди. Анча яхши бўлди. У ёқ-буёқдан гаплашишди. Шоирни ойлитгани шу ерга олиб келишибди. Ёрдам пули ҳам ёзишган экан. Улардан миннатдор бўлди.

Нима бўлганда ҳам яшамоқ гўзал. Тириклик афзал. Қолганлари майда гап. Чархнинг шунчаки ўйини қолганлари. Куйиб-пишиб ётгани билан ўз оиланг, яқинларинг тушуниши мумкин. Шулар раҳмингни ейиши мумкин. Тўғри, ноҳақликка қарши курашмоқ бор гап. Лекин, ўзингни майиб-мажруҳ қилиб ташлаш эвазига эмас.

Бу шаҳар катта. Жудаям катта. Одамлари кўп. Биров-бировни танимади. Ҳаёт қайнайди. Ҳамманинг ўз ташвиши бор. Касалхоналари кўп бу шаҳарнинг. Беморлари ҳам. Шу сония кимдир ўлим билан юзлашиб турибди. Ҳозир жон беради. Агар у тасодиф туфайли тирик қолса, ўлимни энгиб ўтса, бу ҳаёт, бу дераза, осмон, одамлар кўзига бошқача кўринади. Ҳамма-ҳаммаси жондай азиз бўлиб туюлади. Чунки инсон жонининг ришталари борлиқ билан боғланиб туради. Шу ришталар узилмасин.

Ҳозир ҳам ер юзининг қайси бир бурчагида уруш кетаяпти. Одамлар бир-бирини ўлдираяпти. Қираяпти... Одамзот ўзи учун фожиа пайдо қиляпти. Ўша лаънати уруш қанчалар кишиларни мажруҳ қилиб ташлайди. Қанчалаб оилалар изтироб уммонига фарқ бўлмоқда. Шу нарсани тушунмаган одамлар тинч кунларда ҳам бир-бирини тинч қўйишмайди. Эговлашади. Руҳиятини азоблайди. Инфаркт қиладилар. Бир-бирининг устидан мағзава ағдаришади. Қаердадир ҳали ўқ учаяпти. Қаердадир эса осойиш ҳаётнинг айниган одамлари бир-бири билан зимдан курашади. Бир-бирини янчиб ташламоқчи бўладилар... Баъзида сўздан ўқ ясаб заҳарга ботириб отадилар. Кулатадилар. Аямайдилар бир-бирини... Ахир ҳаётда ҳамманинг ўз ўрни, насибаси бор-ку. Ахир ҳар кимнинг қорни бир бурда нонга тўяди-ку.

Ҳеч кимнинг қабрига мол-дунё, мансаб сиғмайди-ку. Бу куёш ҳамманики. Бу ер ҳамманики.

Шоир ўйлади - ҳаётда барча қийинчиликлар ўткинчи экан, фақат ўлмаслик керак.

Уруш-чи?. Уруш?. Уруш даҳшатига иродаси тош кимсалар бардош беради. Иродаси метин кишилар яшашга ҳақлидирлар.

У ўрнидан кўзгалди. Кароватда қўлларига суяниб ўтирди. Ташқарига қарагиси келди. Оёққа туриб, бир икки қадам юрди, чайқалди, ўзини тутди. Дераза раҳига борди. Ўша йўлакка туташ темир дарвозага боқди. Барнонинг кириб келишини жудаям хоҳлади... Тасодифми бу?. Эшик очилиб Барно, Шукур ака, қизалоғи Юлдуз кўринди. Шукур аками шу?. Ҳа, Шукур ака! Ана, қоровул чол уларга салом бериб таъзим қилди. Қизик, Шукур ака қўлига гул олибди. Шукур аканинг гул кўтаришини шоир тасаввурига ҳам сиғдирмаганди. Эгнида ўша жигарранг ёмғирпўш, бошида ўша маллоп шляпа... Салмоқланиб келяпти. Барно унга қўли билан шоир қараб турган деразани кўрсатди. У кулди. Шоир кулди. Ҳатто қўлини кўтариб қўйди. У ҳам шундай қилди...

Остонада таажжуб билан қараб турган Гўзалга айтди!

- Кўркманг, мен тузукман...

- Бугун жуда яхшисиз... Хурсандман...

- Гўзал!

- Лаббай.

- Бери келинг. Бери келинг.

Қиз унинг ёнига келди. Шоир боши билан йўлакка имо қилди. Улар яқинлашиб қолган эди. Қиз деразадан уларга қаради.

- Анови, шляпали киши ким?.

- Шукур ака, Шукур Холмирзаев!

Шоирнинг чехраси чарақлади. Қиз шодланганидан чапак чалиб юборди.

- Ана, Сизга сўз берувдим. Катта ёзувчимиз ҳам келдилар...

Гўзал шоирнинг тўшагини текислаган бўлди. Тумба устидаги у-бу нарсаларни йиғиштирди. Кароват олдида бўш стул олиб келди. Деразанинг иккала қанотини ҳам очиб юборди. Деразадан шу тобда ўлимнинг шарпаси чиқиб кетгандай бўлди. Хона ичи нурга, муаттарликка тўлди.

- Гўзал Сизга бир нарсга айттайинми?- деди шоир кароватга яқинлашиб.

- Майли.

- Мен шу бир кун ичида азобли жангларида қатнашдим. Ўлим қаршисида хотиралар жонланиб қоларкан.

- Балким...

- Чин. Яна бир гап бу урушда, бу азобларда сиз ҳам мен билан бирга бўлдингиз.

- Шоир ака, сиз ўша романингизни тугатинг.

- Майли.

- Номини ҳам чиройли экан. "Қулиб тур, азизим!"

Шу пайт йўлакда қадам товушлари эшитилди. Иккаласи ҳам эшикка термулиб қолдилар.

Орадан ўттиз йил ўтди. Касалхона ёзувчини олиб келдилар. Беморнинг бошида асорати бор эди...

Унинг тепасидан дўхтирлар кун бўйи жилмадилар... Ёзувчи уйкуга кетди.

Ҳовли. Пасткам кулба. Кулбанинг бир бурчи ўпирилиб кетган. Деразалари тўкилиб ётибди. Ҳовли ўртасида бир қизалоқ озгин ва кичик қўлларини ҳавога чўзиб йиғлаяпти. Бор овоз билан бақираяпти.

- Сени Худога солдим, шўрави! Мени ҳам ўлди, шўрави.

Қизалоқ бир чайқалиб йиқилди.

Ёзувчи ихраб юборди. Кўзини очди. Шифтни кўрди.

Бу, ўша, "Қулиб тур, азизим!" романини ёзган, уруш ҳақида ўнлаб қиссалар яратган ёзувчи эди.

Ушанда ҳам баҳор эди...

ШАФАҚЛАР

ҚОН ИИҒЛАР ҲАЛИ ҲАМ

УСМОН НОСИР

Нафратим қамалган қафасга,
Елкамни тишлагин, кишнагин.
Бошимни кўтармам ҳавасга,
Ҳалқангни бўйнимга ташлагин.

Елкалар эмаски, едирим,
Чақнаса, бўйнимни узсалар,
Мен қачон кишансиз қолгандим
Айтингиз, эй, эгик қўлчалар.

Айтингиз, эй улуғ султонлар,
Сизларга не қилди усмонлар,
Шафақлар қон йиғлар ҳали ҳам,
Тобутдан толиқмиш кўчалар!

Қафасга қамалди нафратим,
Қафасга қамалди ҳасратим,
Қувончу шодликни кўрмадим,
Ганимим бўлган ўз улфатим.

...

Бунчалар югурдим, бунчалар чопдим,
Соясини судраб, қолди ортда йўл.
Кўнгил кўкармаган бир манзил топдим
Эй руҳ, не истадинг, истагингда бўл.

Тўзонлар тўзғиди йўлимда голиб,
Лабларим қовжирар ёрилмади дил.
Мен ҳам кетмоқдаман тунимни олиб
Эй руҳ, не истадинг, истагингни қил!

...

Умид қилдим, умидлар қилдим,
Кўнглимда сен кўкарган кеча,
Кўнглим кулиб, кўкарсин пича.
Лабим тишлаб, кўзимни юмдим,
Юзларимни чуқисин қушча.
Фақат сенга эрк бераман мен,
Кузларимнинг оппоқ ноласи.
Умидларим сен каби кенг.
Умидларим умрим даласи.
Экаман,
ураман
Умидларнинг омови билан.

Лек қалтирар
кун бўйи тизим,
Остонамнинг соғинчи билан.

...

Бўгинларим тор-тор бушаб,
Кунлар ўтар, қандай қақшаб,
Ой ёришмас, кун кўринмас,
Дунё қолди горга ўхшаб.

Бир зулматки, аждари йўқ,
Қўйи қўзи марари йўқ,
Дўсти ёрга қанча боқсанг
Сенга кулиб қарари йўқ!

Ёмғир каби сим-сим эзар,
Нигоҳингга тушган назар,
Кузни юмиб, қайга қочсанг,
Ғамга ботиб ёнса шаҳар.

Ён, эй кўнгим, ён, эй юрак,
Яшаш яна бўлса керак,
Терак кўкка бошин уриб
Чайқалгандай чайқал Тилак.

Бўгинларим тор-тор бушаб,
Кунлар ўтар, қандай қақшаб,
Ой ёришмас, кун кўринмас,
Дунё қолди горга ўхшаб.

...

Юлдуз қани, ой қани,
Йўлларимни ёритса;
(Майли тўйиб ичайин
Кўнглим ғамни чиритса.)

Кундуз қани, кун қани,
Қақшаб турар қарогим;
(Мен нимадан кечайин
Бўғзимдадир пичогим.)

Юзим қани, юз қани,
Қулим ёпсам енг қани;
(Босилмас ҳеч титрогим
Кўзингни оч, денг, қани...)





Саломат ВАҒО

ЭЛАТ

Ҳикоя

... Ҳар тонг тунги туш таъсирида туrolмай ётардим; вужудимни кўрқув қоплар, чала-ярим билган калималаримни қайтариб, аранг қимирлардим. Тушимда... аллақандай исқирт ва расво мушук оёғимга ёпишиб, зорланиб миёвлаганича изимдан қолмайди. Унинг хира, шилпик кўзлари, баъзан жонланиб, ёғдуланиб, неларнидир ёдга соларди. Болалигимда кечаси юришга кўрқардим, бир жуфт чўгдай ёниб турадиган ит ёки мушук кўзларини кўришим билан орт-олдимга қарамай қочардим. У даврда ит-мушуклар кўп бўлар, ҳатто кечалари олислардан чиябўриларнинг улигани эшитиларди. Хуллас, чўгдай ёниш кўзларни эслашим билан, туғилиб ўсган элатим, гужумлар соясига яширинган уйим, онам хотирам қатъридан тикланиб келар, шундан сўнг барча азоб-укубатлар бошланарди. Гап шундаки, мен кўп йиллардан бери шаҳарда яшардим, бадавлат одамга айлангандим, қайга қўл узатсам етарди.

Монокда яшовчи қари онам элатга қайтаролмай куйди-ёнди. Гарчанд, келақол деб ошқора айтмаса-да, фикри-ёди менда эди, аммо буни-да қариллик инжиқлигига йўярдим. Онам эшик олдидаги гужумга суянганча, ўтган-кетгани гапга солиб, тасбеҳ ўтириб ўтираркан. Мен элатга тез орада бораман десам-да, онам барибир кутаверган, йўлларимга қарайверган. Баъзан укаларим онамнинг касал бўлиб қолишидан кўрқиб койишганида, йиғларкан, холос. Онам вафоти ҳақида мудҳиш хабар келган тонг тушимда исқирт мушук кўргандим... Элат сари отланиб чиққанимга, назаримда кўп вақтлар бўлди, йўлим унмас, манзилга сира етмас эдим. Онам ҳали ўлмайдигандай, яна кўп яшайдигандай эди.

Етиб келсам, уй хувиллаб ётибди. Дарвоза, уй, боғ - ҳаммаси қариб, мункайиб қолгандай, Файзсиз. Онам

ўтирадиган кўрпача йиғиб онам ҳозир туриб кетгандай, гужум айрисига илиб қўйилибди. Кўрпача, супа, гужумлар... ҳаммаси мавжуд... онам йўк. Дунёнинг моҳияти айрилиқлар, йўқотишлардан иборат экан. Онам, айнан кечикиб келишимни билгандай, сўнги дақиқаларгача йўлимга қараб ётган, тезроқ юр, ўғлим, дея илтижо этган.

Жаннатдан тушмуш фаришталар ортиқ кутмаган...

...Қабристонга етиб келганимда қоровул инқиллаб-синқиллаб оғир дарвозани беркитаётган экан. Бу ерга дарвоза қўйилиши ғалати туюлади. Қоровул тобут кўтарганлар қайси томонга кетишганини кўрсатди.

Ҳар гал келганимда мени танийдиган одамлар бирин-бирин вафот этар, бегоналар кўпаяр, болалигимга боғлиқ хотиралар аста-секин Ваёнгондан жой оларди. Энди мени биладиган одамлар элатда кам қолган. Элатнинг файзи кетгандай тенгдошларим қариган, ҳамма ёқни гугурт кутсидай бир хил уйлар босиб кетганди. Ичимдаги ётлик билан ташқаридаги ётлик учрашар, умидсизликка туширар, ўзимни жуда бир азиз нарсадан айрилгандай ҳис этардим. Мен у олис шаҳарда ҳар ким бўлсам-да, ўзим туғилиб ўсган Монокда ҳеч ким эмас эдим. Ҳар не бўлганда ҳам инсонни туғилган жойига инсон англаб етмаиш, кўзга кўринмас, аллақандай гайри бир куч боғлар эдики, буни фақат энг яқин одамнинг мусибати лаҳзаларидагина бир қадар тушуниб етгандай бўласан.

Ичкарига қадам қўйишим билан рутубат аралаш ёмғир, чириган ўт-чўп, балчиқ хиди димоғимга урилди. Ўликлар салтанати бу деган уй миямга келди. Зеро одамлар ҳамма оламларда ҳам салтанат бўлиб яшаркан. Қанча юрганимни билмайман, бир жонзот оёғимга ташланди: қари исқирт мушук ўнг панжасини ердан узганича жон азобиди миёвларди. Иримчи бўлганим учун бир одим



изга қайтдим, кўнглимга ёмон нарсалар келиб сескандим. Миямда аллақандай қора фикр ярқ этди: худди шу ҳолатда ўтирмиш қари мушук шаҳарда тушимга кирганди. Бадбахт мушук, тушимни шундай очиб, кириб келаверган. Изимга қарасам қоровул чолдан асар ҳам йўқ (уни кўрганмидим?), темир дарвоза ҳеч қачон очилмагандай, жойида собит турибди. Олисида узоклашиб бораётган оломоннинг ғала-ғувури қулоғимга урилди.

Қабристоннинг кўрқинч суврати болалигимдан юрагимда сақланиб қолган, жин-ажина, темир тирнок деган ривоятлар таъсирида улғайгандим. Қабристон узра таниш ва нотаниш одамларнинг мусибати осилиб турар, ҳеч нарсдан хабардор бўлмаган чоғда ҳам, аллақандай мудҳиш фожеанинг қора кўланкаси сезилиб турарди. Бунда вақт ҳам, замон ҳам қотиб қолган, фақат унда-бунда қовжираб қолмиш рангсиз ўт-ўланлар, юлғунларда ҳаёт асари сезиларди.

Ҳали онамнинг қабрига узок, ёнгарчилик бўлиб, пастликдаги ерлар ботқоққа айланган, четлаб ўтмагунча юқорида чиқшим мушкул эди. Вужудимда толиқиш ҳис этсам-да, тезроқ оломонга етиб олиш учун одимимни тезлатдим. Шўрхоқ ерларда тойғониб, йиқилиб-суриниб, қимматбаҳо кийимларимни авайлаб юқориларқанман, эски ва гариб қабрдаги ёвузга кўзим тушиб қотиб қолдим.

“ПИРИМ БУВА...”

Ё, танграм, Пирим бувадай одамнинг ўлганига тўрт йил бўлибди, беҳабар қолаверибман (Ана, хабардор бўлдинг дейлик, энди нима дейсан). Шаҳарда тинчлик бермайдиган уйларнинг, хотиранинг бир қисми - Пирим бувага ҳам боғлиқ эди. У хотиндан куйган эди. Урушдан келса - хотини эрга тегиб кетган, янги олган хотини ҳам бунга ташлаб кетиб қолади. Қайтиб хотин зоти юзига қарамайди. Кўнгилчан, ювош, сўққабаш бу одамнинг қаҳри қаттиқлигига ҳайрон қолардим. Онам қишлоқ шўроси бўлиб ишлаганида, колхоз от-арава берган, Пирим бува бизникида яшарди. Элатдагилар уни қар ва соқов деб ўйлашарди. Пирим бува одам боласи билан элақишмагани учунми дудуқлана-дудуқлана “унасин-унасин” дерди. Бу унинг “ундан сўнг... ундан сўнг” дегани эди. Ичиб олган кезларида тили ечилиб кетарди:

- Алимни отиб ташладим, кигиз кўйиб. Блат. Уч йил ёғоч милтиқ кўтариб, бировларнинг кўйлак-иштонини ювдим. Сука. Битларига утик босдим: Ҳаммаси жонимга тегди. Тфуу.. Отдим ташладим, ё ўлай, ё қолай дедим. Сволоч. Юрагингни қуртини ўлдириб гирмон билан уришмасанг, қоп кўтар, идиш-товоқ юв... Кесам аҳвол бу... Хе энангни...

У билан беда келтиришга борган пайтимиз умримнинг энг гўзал лаҳзалари эди. Беданалар сайрар, беда гулининг бошини айлантитарар иси, отнинг пишқириб-пишқириб кўйиши, Пирим буванинг вақти чоғ ҳолларда, олмонча, ўрисча аралаштириб, бевафо хотин ҳақидаги кўшиқлари... бари гўзал эди. Азбаройи отларни яхши кўрганимдан Пирим бувага ёпишиб олган, қаттагина бола бўлсам-да, бирор жойга кетар бўлса, ҳарҳаша этардим. У эса менга эзилган, қотиб кетган, рангдор қоғозли конфетлар берарди. Сўнг у қарида, Тошховуздаги уруғлари олдига кетди, мен олис шаҳарга ўқишга жўнадим. Бир сўққабаш одам ҳақидаги хотира шундай эди. Шоша-пиша юзимга фотиҳа тортиб, кўзғолдим.

“3442. ОТАНАЗАР СОБИР ЎҒЛИ...”

Бу одам бир минг тўққиз юз етмиш олтинчи йилдан

бери муҳаббатдан қон талошмиш юрагига қўлини қўйганича мангу уйкуга кетмишди. Наҳот кўз очиб юмгунча фурсатда, бу эски чархи-дун йигирма марта айланишга улгурди экан. Хотирам кўкида бир қора кун. Ўз никоҳ тўйи кунини ҳалок бўлган куёв фожеасини сира унута билмасман. Орадан не-не бахтли-бахтсиз, саодатманд-саодатсиз кунлар ўтдики, аммо у дард саклаб қўйилмиш майдай тобора ўткирлашар, вақт ўтган, ёшим улғайган сайин бу фожеа даҳшатини яхши англар ва ҳис этардим. Мен шаҳарда пайтимда ҳам бу воқеа қандай содир бўлгани ҳақида ўйлар, турли тахминлар этар, бутун Моноқ элати ойлаб мотам тутганини эслардим. Бахтсиз тасодифнинг ҳам энг бахтсизи эди бу тасодиф. Назаримда Отаназар қаттиқ уйкуга кетган, қачондир келин қабр бошига келар бўлса, бир силкиниб кетадиганга ўхшарди. Агар бир кун оллоҳнинг назари тушар бўлса, унинг қиёматдан олдин ҳам тирилишига ишонардим. Чунки у навқирон, келишган, ҳатто ўлимнинг ҳам раҳми келади даражада ёш эди.

“Ҳатто ўлим ҳам севимийдир уни”.

Қабр ҳам Отаназарнинг ўзига ўхшаб баланд ва мағрур эди.

Улуғ энамизни мангу майиб этмиш бу фожеани келин унутиб ҳам юборгандир. Баъзан оғир хотираларга берилганда кўзига ёш ҳам олиб кўяр. Ўша йили ўзгандан туғилмиш ўғли йигирмага ҳам кириб қолгандир, балки. Нақл этишларича, муҳаббатда телбалик бормиш, айнан шу телбалик рамзи ўлароқ ётмишди бу ерда оғамиз.

Қабристоннинг тупроғи жуда оғир эди, бунда орзу-армонлар, изтироб-ҳаваслар паноҳ топмиш, инсоннинг мангу навқирон кўнгли кўмилмиш эди...

Тезроқ боришим лозим, оломон аллақачон кўринмай қолган, кунботардан қаттиқ шамол эса бошлаган эди.

“9482. ОВОДОН...”

Мен уни расмидан танидим, бу ўша - мактабнинг битирув кечасида тушган расмдан катталаштириб ишланмиш расм.

О в о д о н .

Мен шу кизни бир вақтлар юрак-бағрим куйиб севмиш эдим. Мен унинг ҳажрида не-не тунларни уйқусиз оттириб, уни биргина кўрмак учун, биргина билмак учун, биргина ҳис этмак учун, олис пахта отизларга бориб келардим. Келар йўллари қарардим. Унинг эшигидаги ҳар бир нарсага, ҳатто қари толга ҳам ҳавасим келарди. У кунлар нечоғлиқ тоза ва самимий юрагим бор эди. Юрагимни очмай, бир оғиз гапиролмай, шаҳарга кетиб қолдим. Икки-уч йилдан сўнг унинг юрак хуружидан вафот этганини эшитдим.

Қайгурдим ва унутдим.

Оводоннинг ота-онаси дунёдан ўтиб, қаровсиз ва кўримсиз қолмиш қабрда биргина нишон: йўгон ўрим сочини олдига ташлаган ҳали очилмаган ғунча, ўспирин, гўзал кизнинг расми бор эди. Макон ва замон мақомлари бу ерда бекор эди. Навқиронлик ва ўлимда бир-бирига зидлик, қарама-қаршилик бор эди.

У нечўк гўзал кўшиқлар айтмиш эди, энди у янғроқ товуш, нозик бадан, қора соқлар, қора кўзлар қабрнинг қай буржида с о ч и л и б ётибди, ул кўшиқлар, ҳаяжонлар, ҳайратлар, оташлар қай тупроққа сингмиш экан.

Энди - у Оводондан бир уюм ғишт шу эскириб кетган расм қолмиш эди. Унинг расмини бу харобот аро бир кўмак истамишдир, номаълумликка кўз тикиб, қора қорачуғларида ҳайрат, ҳаётга муҳаббат акс этиб, тикилиб тураверади, тураверади. Ўн беш йилки тонг

отади, ваҳимали тун чўкади: қор-ёмғирлар ёғади, қаҳратон авжига чиқади, ойлаб одам қадами тегмайди... У эса яна аллақандай илинж билан тикилиб, кўзидан бир томчи ёшни оқизай-оқизай деб сукут билан қараб тураверади.

Хоримайди, қаримайди.

Мени бу расм ёмон этди, кўз ёшларимни арта-арта аранг ўрнимдан жилдим. Шаҳарда йиғлашни унутиб қўйганим, димоғим ачишар, кўзимдан тинмай ёш оқарди. Унинг юриш-туриши, кулишларини эслардим.

Ким қабрга расм қўйишни ўйлаб топган бўлса - ўшанинг гўри расмсиз қолсин.

Хаёлимни бир жойга йиғиб, жадалламасам оломонга етолмаслигим аниқ эди.

“ 2813. РАИС...”

Соябонли шапка, ҳарбийча чолвар, камзул ва этик кийиб бу бадқовоқ одамни қари чоллар кўрса-да, тили калимага келмай қоларкан. Асрнинг лаънат тамғаси унинг бўйнига осилган эди: тунлар машъала ёқиб тонггача хотинларга кўсак тердирган, гўзапояни ўроқ билан ўрдирган, аравада далага гўнг ташигган. Пахта вақтида нон ёпгани учун ёшгина бир аёлни ёниб турган тандирга ташлаган деган миш-мишлар юрарди. Уруш пайтида эркаклар кам бўлгани учун, у қанча келин ва ёш қизларнинг номусини буллаган, онам фалончи-фалончилар ўшанинг ҳаромзода ўғиллари, дерди.

Болалигимда бу одамнинг исмини билмасдим, барча болалар каби бир сўз билан “райис” деб атардим. Ўша вақтда элатда биргина “Победа” машинаси бўлиб, уни ҳам шу райис минарди. Райис ва “Победа” иккаласи бир кунда туғилгандай, бир-бирига мос ва тенгдош эди. Икколловининг кўпол ва ноёб нусхалигида аллақандай яқинлик бор эди.

Ўлиқлар ҳам райис зулмидан кўрққандай баҳайбат қабр ёнидан олисроққа силжиб, қабристоннинг бир тарафига пусиб олмишдай эди. Райиснинг ўғиллари отасига сий-иззат кўрсатиб, гўрига маҳаллий ҳайкалгарошлар ясаган ҳайкални қўйишганди. Ҳайкалнинг ёз-қиш қушлар ўтириб ташлаган боши аллақачон тешилган, ичига аллақандай қуш уя қуриб олган, бурни учиб кетган, ҳайкал ўрнашган супа бир тарафга огган, у олисдан саждага бош қўяётган, мияси тешилган одамни эслатарди.

Инсон барибир ўларкан, бунча зулм, хиёнат-гуноҳларни нечун қиларкан, деб ўйладим. Ва яна ўзимга жавоб бердим: ҳеч ким ўлимни бўйнига олмайди, ҳар ким ўзини мангу деб ўйлайди. Бу сафга ўзимни ҳам қўшиб қўйдим.

“ 2793. ИТЛАР САЛТАНАТИ...”

Юра-юра қабристоннинг ташландиқ бурчагидан чиқиб қолибман, бу ерга ҳеч қачон одам оёғи етмагандай, ҳамма ёқ харобот, ҳар хил латта-путта, синган тахталар, гишт уюмлари, қуриб қолган қамишлар... Вақт ўтиши билан бу ер қабристон ахлатхонасига айланган, ҳамма ёқни юлғун ва тўронғил босиб кетган эди.

Шу маҳал ердан чиқдими, осмондан тушдими, бирининг оёғи майиб, бирининг кўзи кўр, бирининг думи кесилган... майиб-мажруҳ итлар галаси отилиб чиқди. Ҳам кўрқув, ҳам ҳайратдан қотиб қолдим, вужудимдан жон қочди. Мени тилка-пора этиб, суягимни гажишга тайёр, малла жуни осилиб қолган, бўйи бир қарич, соқоли икки қарич қаровсиз итлар жон-жаҳди билан хурар, арвоҳдай озғин, қип-қизил эмчақларини


селкилатиб юрган қанжиклар бошқаларнинг оёғи остида қолиб аянчли ангилларди.

Итларнинг бўйнига эски ҳар хил рангдор тасмалар, кўнғироқчалар тақилмиш эди. Уларнинг ичида йирик келбатлиси, афтидан сардори, талатўнга қўшилмасдан бир четда виқор билан ўтирар, жунлари арслон ёлидай парваришлаб ўстирилган, пайдор ва бакуватлигидан Нойила тоторнинг содиқ фарзандларидан бири эканлиги билиниб турарди. Сардорнинг кўзлари беҳафсала, бефарк, гуссали боқар, тўданинг талашу ва ҳуришига дунёнинг сир-синоатини билган қариядай жимгина тикиларди. Қандайдир эшитилмиш хуштакка эса улар қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тез кўздан йўқолди.

Манглайимга йирик-йирик томчилар тушди, тавба, қабристонда ҳам ёмғир ёғаркан, шамол бўларкан, менинг назаримда ҳамма нарса қотиб қолгандек эди. Ўзғиб ётган қамишлар орасидан аста мўраладим, ярми ўприлиб кетмиш, эски қабр атрофида ҳалиги тўда, интизомли аскардай чўзилиб мудраб ётишарди. Итларнинг эски пўстакдай ерга қапишиб ётмиш бу ҳолати, яқин орада турганга, бирор емак еганга ўхшамасди. Улар, бир кунда вабога учраб дувва тўкилгандай, аравада ахлатхонага келтириб ташланган ахлат уюмига ўхшарди. Қабрда на ёзув ва на-да бир нишон бор эди. Сомон сувоқлари кўчиб, нураб чор-атрофини ўт-ўланлар, қамишлар босиб кетган эди.

О, мен аллақандай ички сезги билан бу ташландиқ итлар қароргоҳини, кимнинг қабри эканлигини билиб олдим. Ҳар бир овул, қишлоқнинг қайси бир жиҳати биландир машҳур одами бўлади. Мен ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган одам - элатнинг энг “машҳур” одами эди. Вақт-бевақт бизнинг элатимизга, келинга қалин пули тўлаш оғир бўлгани учун, қўли калтароқлар олис шимолдан хотин олиб келадиган одат чиқаришганди. Баъзан элатда фалончининг ўғли ўрис хотин олиб келибди, ёки фалончи армиядан тотор хотинга уйланиб қайтибди, деган гаплар оралаб қоларди. Нойила тотор шу тахлит элатимизга келиб қолган эди. Худо раҳмат қилгур Нойила ўзи аслида яхши хотин бўлгандир-у, “комсомол тўйи”га юзини, қош-кўзини шундай бўяб чиққандики, умрида бўёқ нелигини билмаган хотинлар, элат одамлари, бу бўялган хонимни кўриб эси оғиб қолаёзди. Кўп йиллар гапириб юришди: “Нурмат чўқли, ўрисди юртидан кўк кўз қўғчоқ катирибди”, деб. Одамлар қаттиқ қуйган эканми, шу-шу, Нойила тотор ўзга сайёрадан келгандай, ўлгунча сафига қўшишмаган. Бу элнинг одати ғалати эдики, бир умр яшаса ҳам, тўй-ҳашамага аралашса ҳам, келган одам ёт бўлиб қолаверади. Бир қарич болагача, анови Нойила тоторми, бурнигача краска сурадиган, дерди. Бунинг устига у элатимиздаги ўрис тилини биладиган яккаю-ягона одам бўлгани учун, баъзи ярамас одамларга юмалоқ хат ёзиб берадиган одат чиқарганди. Яна бир тарафи Нойила тоторнинг фарзанди бўлмай, бор меҳрини ит ва мушукларга бермишди... Элат четдаги, эски чала битган кўрғони итларнинг чинакам кўриқхонасига айланган эди. Бир қарич чўнтак итларидан тортиб, оғзидан сўлаги оқиб ётган эшакдай-эшшакдай итларгача бор эди. Итларнинг ирсий тараққиёти акс этадиган тирик музей эди у кўрғон. Қаланги-қасанги кучуқларни аллақайдан топиб келтирар, уларни кўпайтирар эди. У элатдагилар билан сира тил топишолмас, талашар-тортишар, айниқса болаларнинг жиғига тегар, уйи яқинидан ўтиб қоладиганларини, итларга қувлатиб хузур қиларди. Баъзан жаҳлдан бўғилиб:

- Қазир аларга итарман (яъни итларга), алар силарди, оқордо кўяр, сволочи! - деб қичқирарди.



Шўрлик тотор ўлғач, итлар ҳам бунга келмиш, энди улар солих бир фарзанд ўлароқ, тоторнинг йўқ шаънини ва мулкани кўриқлаб ётишарди.

“ Ж. 3383. ШАРИФ СУРНАЙЧИ...”

Тўй-пўйдан бўш вақтда Шариф сурнайчи, болаларни йиғиб, аллақайдаги гапларни гапириб ўтиришни яхши кўрарди. У, оғзидаги носни туфларди-да, бошини мағрур кўтариб, мен ўлигимни Монокқа кўмиш учун келганман, сўнг гўрда тинчгина оёғимни узатиб ётиб, сурнай чалиб ётаман, деб қоларди. Биз тирик одам ўз ўлигини қандай кўмаркан, борди-ю бу иш амалга ошса, сўнг қандай сурнай чалиб ётаркан деб, ҳайрон бўлардик. Бақалокқина сурнайчи кўзимизга бошқача кўриниб, кўрқиб қочардик ҳам. Атрофда одам йўқ пайтлари масхаралаб, кесақ отиб қувардик.

Асли, Монокда, қирқидан ошган одам сурнайчи бўлмас, деган нақлнома гап бор эди. Лекин Шариф сурнайчи қирқидан ошганда сурнайчи бўлиб, бу гапнинг пучлигини исботлади. У олис шаҳардан одам қирқидан ошса-да сурнайчи бўлишини исботлаш учун Монокқа келгандай, сурнайчи бўлди-қўйди. Бу мақол қайси тоифа одам учун, қачон айтилганлиги билан ҳам қизиқмаганман. Бу гапнинг энг тўғри маъноси қирқ ёшигача бир хунарнинг бошини тутмаган одам қирқидан сўнг бало ҳам бўлмайди дегани бўлса керак. Лекин, барибир, бизнинг Шариф сурнайчи бу гапни синдириди-да.

Айтишларинча, ёшлигида уни савдойи деб касалхонага ётқизишган кўйи элатта қайтиб келмаган, бизга номаълум умрини ўша ёқларда яшаган. Шу вақтгача шаҳарда қандай яшаган, не юмушлар билан тентираган, бир худога аён эди. Бу ҳақда қахрамонимизнинг ўзи сира гапиришни суймасди. Энди фақат шу тупроққа кўмилиб, оёғини узатиб ётиш учунгина бу ерларга келиб турган экан.

Одамлар унинг сурнай чалишига ҳам, ўзига ҳам бирдай муносабатда бўлар, ҳеч ким тўйга айтмас, у эрталабдан тўй жойида хизматини адо этиб, эл қатори қорнини тўйдириб кетаберар эди. Камбағалнинг бир тўйгани, чала бойгани-да.

Энди билсам, Шариф сурнайчи орзусига етган, ўлигини бунга кўмиб, қабр устига кўчқор шохларини кўндириб, бамайлихотир ётарди. У дунёдан ғариб, мискин ва бепарзанд ўтгани учун, савобталаб одамлар томонидан қабрига оҳакдан ганч ўйилиб ишлов берилганди.

Олисдан сурнайчининг гўри оддий қабрлардан ажралиб, мрамар қасрдай оқариб кўринарди.

“ Г. 8463. ОНАМ...”

Шу ерга келганда руҳи жонимда бир ўзгариш юз бериб, безгак тутгандай титрай бошладим. Мен шайтонлай бошладим, ҳамма ёғим тортишиб, юз-кўзларим “пир-пир” учиб, тобора ҳолдан тоярдим. Ичимни кўрқинч, зориқинч қоплаб олган, қаддимни тик тутолмай қийналардим. Оёғим остида алланима аянч билан вағиллади, яна ўша касофат, ҳосиятсиз мушук, қабристонни бошига кўтариб миёвларди. Дайди ит, мушукларнинг кўзига яқинидай кўринаманми, улар ҳар жойда мени топишар, изимдан қолмай эргашинишарди. Бир ҳовуч суяк бўлиб қолган, увада бўлиб ётмиш жунлари, орасидан, учбурчак бошини аранг кўтариб

миёвларди. Бир қарашда, ҳароб ҳолати билан бутун умрини қабристонда ўтказганга, шу ернинг ажралмас бир бўлагига айланиб кетганга ўхшарди. У ҳар миёвланига олам-жаҳон куч сарфлар, заиф танаси титрай, бўғзидан ҳар хил саслар чиқарди. Яна бир оз шундай турса, худди шу ҳолатда қотиб ўладигандай эди. Не мақсадда изимдан қолмапти бу бехосият мушук?

Ақлу-ҳушдан айрилган девонадай довдираб, қабристонни уч марта айланиб чиқдим, онамнинг янги қабри жаннат тасарруфига ўтиб кетган худуддай ҳеч қайда йўқ эди. Гўё улуларнинг қаҳри келган, онасидан кечган ватангадонинг жазоси шу деган-у, жаннат дарвозаларини беркитган. Қуёш ботаётди, қабристонни мангу ваҳм ва кўрқув сукунати қоплади. Юлғунларни ушлаб, тетапоя боладай юрарканман, ёввойи бир сас билан она, онажон дердим, ўзимни ланатлаб йиғлардим. Ана шу лаҳзаларда бутун умрлик ҳаётим учун, олис шаҳарларда қолиб кетганим учун, тангрига минг тазарру айтдим. Агар, оллоҳ амр этиб, шу лаҳзада онам қайталан тирилар бўлса, бутун умр пойнинг гардини арғиб ўтишга, умрим шомигача хизматда бўлишга тайёр эдим.

Онам, о кўзимнинг нури, онам!

Бу ёзғиришларим баттар телбалантирар, энди мен фикрлай олмас, рўёга айланмиш дунёмни остин-устун этарди. Бир замон, яқингинадан чалинган сурнай сасини, итхуришини эшитдим. Ана дедим, Шариф сурнайчи менга раҳм этиб ёрдамга чоғланди. Нойила тотор буюк ва итотатқўй лашкари билан хизматга чоғланди. Улуғ хизматга. Мен сеҳрланмиш жонзотдай сурнай ҳоким бўлиши маконга қараб боравердим. Яна мушук аянчли ва ўтинчли миёвлари, унинг чўдай ёнмиш кўзлари бошим осилиб турди, ўлим юлдузи мисол. О, ўлим юлдузи. Сурнай мени сеҳрлар, измига солар, тобора ўлик салтанат сукунатига кўшилиб борардим. Вужудимга улуғ бир фароғат, осойишталик ва ҳорғинлик ҳис этдим. Ичимда бир истак пайдо бўлиб, сайхонлик жойда чўккаладим. Юришга бошқа ҳолим қолмаганди. Ихраб-сихраб мушук ҳам етиб келди изимдан. Бошимни кўтариб қарасам, онам, қора мрамар тошда жилмайиб, кулиб, яшиаб, порлаб турарди. Қабрга номунисоб онам! Кутиб-кутиб - толган онам!.. Онам! О, ёлғизим!..

Қабрга “Душамова Сопоргул. 1927-1992 йил” деб ёзиб қўйилган экан. Онамнинг қабри аста-секин бу ерга жойлашаётган сафнинг охирида экан; сал нарида Пирим бува; энди жами хотиралари билан меники бўлиб қолган куёвлик либосидаги Отаназар оғам ва яна-да гўзаллашиб кетган Оводон... Тобора тун бағрига сингиб кетаётган қора мрамарда онам мангу сукут билан “ҳорғин боқарди: унинг юзида на гина, на кин, на тана бор эди. Онамнинг мангу сукутида мени келажакда мангу азоб-укубат чоҳига ташлайдиган, маҳшар қадар ўртайдиган бир синик, бир маънос тўйғу балқирди. Бу ёлғончининг алал-оқибати шу экан, алал-оқибатнинг моҳияти: айрилиқлар, армонлар, қайғулар, аламлардан иборат экан. Мусибатнинг улуғи, онани боладан, болани туққанлардан айирар экан. Шу маҳал мрамарда бир томчи кўз ёш пайдо бўлди: ё мен йиғладим, ё тош йиғлади.

Бу менинг элатта бөлгик энг сўнгги хотираларим эди. Онам ётган сафнинг энг охирида... энг охирида дунёнинг мусибатидан гангиб турардим. Яқингинада яна ит ҳурди, яна сурнай чалинди...

Санжар СОДИҚ

ЎҚУВЧИ КИТОБ ЁЗДИ

Кўп машхур адибларнинг жуда эрта ижод қила бошлаганлари, дастлабки асарлари мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ матбуотда босилганлиги ҳақида ажойиб ривоятлар, хотиралар ва далиллар мавжуд. Лекин ҳеч бир танқидчининг мақолалари у мактабда ўқиб юрган кезлари нашр этилганлиги ҳақида гап-сўзларни эшитмаган эдик. Эндиликда, худди шундай ҳодиса, яъни мактаб ўқувчисининг адабий танқидга оид илк китоби нашр этилганлиги тўғрисида гапириш имконияти туғилди. “Миллий сўз” деб аталган бу китоб 1999 йили “Ёзувчи” нашриёти томонидан чоп бўлиб, унинг муаллифи Алишер Навоий номидаги республика нафис санъати лицейининг адабиёт ва журналистика бўлими 11- синф ўқувчиси Фаррухбек Олимдир.

Бу ижодий тўпламни унга сўзбоши ёзган таниқли олим Н.Комилов “илк иншолар” деб атаган. Чиндан ҳам китобдаги ўн бир асарнинг ўнтаси ҳажмига, анча содда ёзилганлигига кўра маълум даражада мактаб ўқувчисининг иншоларини эслатади. Фақат мазмунининг теранлигига, илгари сурилган қарашлари фикрларининг янгилигига ва ҳаммага маълум ҳақиқатларни такрорлаш асосига қурилмаганлигига кўра улар мактабларда узоқ йиллардан бери ёзиб келинаётган шаблон иншолардан кескин фарқланади. Фаррухбек қайси адабий ҳодиса, алоҳида ёзувчи ижоди ёки бадий асар устида мулоҳаза юритмасин, ҳар бири юзасидан ўз фикрларини, ўй-туйғуларини, қарашларини-ю таассуротларини, аниқлаган янгиликларни-ю хулосаларини ифодалашга интилади. Деярли бошдан-оёқ адабиёт ҳодисаларидан олинган таассуротлар, ўй-туйғулар, янгиликлар ва хулосалар асосига қурилганлиги сабабли Фаррухбекнинг ёзганларини адабий-танқидий лавҳалар ёки этюдлар деб аташ тўғрироқ бўлади. Унинг китобига ўнта шундай лавҳа ва битта пайроў киритилган. Чунончи, китобга Марк Твен, Чингиз Айтматов сингари жаҳон сўз санъатининг улуғ намоёндалари ва ўзбек адабиётининг Ҳамза, Седриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби йирик вакиллари ижодига оид лавҳалар киритилган бўлиб, уларнинг деярли барчасида ёш муаллим каби имкон борича янги бир фикр айтишга, ўзи топган ҳақиқатлар билан ўртоқлашишга интилганлиги аниқ сезилиб туради. Улар орасида буюк Америка ёзувчиси Марк Твеннинг машхур қаҳрамони Том Сойер юзасидан ўртага ташланган фикр китобдаги энг қизиқ янгиликдек туюлади. Қизиқ, 30-йиллардан бери Марк Твеннинг асарларини она тилимизда миллион-миллион китобхонлар ўқибди-ю, лекин ҳеч ким унинг қаҳрамони исмида араб ёки ўзбек тилига яқинлик борлигини пайқамабди. Бу яқинликни “Том Сойер”ми “Том Сойир?” номли лавҳасида Фаррухбек қуйидагича изоҳлайди: “Том машхур саёҳатчи бўлиб шуҳрат қозонди. Шунинг учун, унинг исмига “Сойер” сўзини қўшиб айтишади. Бу сўз инглиз тилига арабчадан ўтган. Чунки араб тилида “сайёр”нинг айнан “сойир” деган шакли ҳам бор. Эски ўзбек тилида, хусусан, Навоий асарларида “сойир” ҳам кўп ишлатилади” (21-бет).

Мазкур фикрни илгари суриш билан бир қаторда ёш тадқиқотчи уни далиллаш мақсадида Том Сойернинг шарқ дунёсига, араб эртақларига, Захриддин Муҳаммад

Бобур Ҳиндистонда асос солган сулолага яқинлиги тўғрисидаги тафсилотларни эслатади. Натijaда, “Сойер” билан “Сойир” бир сўздан келиб чиққанлиги тўғрисидаги фикр тахминийроқ этимологиядек туюлса-да, шундай фараз илгари сурилишининг ўзиёқ ёш муаллифнинг ҳеч ким пайқаммаган янгиликни аниқлишга интилганидан, яъни катта жасоратидан гувоҳлик беради.

Китоб муаллифи ўз лавҳаларида асосий эътиборини бадий адабиётнинг моҳиятини, алоҳида ёзувчи ижоди ёки асарининг қудратини, таъсирчанлигини таъминлаган сабабларни, сир-синаотларни аниқлашга қаратади. Жумладан, у “От ҳам йиглайди, ер ҳам эшитади...” деган лавҳасида ёзувчи Чингиз Айтматовнинг асарларига юксак мафтункорлик, жозоба бахш этган сабаблар устида қуйидагича мушоҳада юритади: “Унинг асарлари ҳаётга, инсонга, табиатга муҳаббат уйғотади, яшашга интиёқни кучайтиради. Бунинг бир сир шундаки, адиб қандай нарса ёзмасин, албатта, унда табиат, жониворлар иштирок этади. Бу билан Айтматов инсон ва табиат ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаб бораверади. Шунда инсонни ҳам табиатнинг бир бўлаги сифатида қабул қиласиз:

Гулсари - от, Қоранор - туя, Акбара, Тошчайнар - бўри. Лекин булар - ёзувчининг энг гўзал тимсоллари” (23-бет).

Бу сўзларда Ч.Айтматов асарларининг моҳияти, қудратининг асосий сабаблари тўлиқ очилмаган бўлса-да, ёзувчи ижодига хос хусусиятлардан бири жуда тўғри илғаб олинганлиги ҳеч шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатдир.

Китобдан келтирилган икки парчаниннинг ўзиёқ ёш муаллифнинг турли асарлар юзасидан мактаб дарсликларидаги фикрлар билан чекланмасдан, барчасини ўзи тўлиқ ўқиб чиқишга, ҳар бири устида мустақил мушоҳада юритишга ҳаракат қилганлиги кўриниб турибди. Унинг рисоладаги бошқа лавҳалар ҳам муаллифнинг ниҳоятда кўп ўзбек ёзувчилари асарларини муттасил мутолаа қилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳол сўнги вақтларда болаларимизнинг китобга муносабати ҳақида туғилган хавотирларга бир оз бўлса-да бошқачароқ ёндошиш имконини туғдиради. Фаррухбек Олим рисоласининг пайдо бўлиши эса, бундай хавотирлар барча болаларга тааллуқли эмаслигини, миллион-миллион ўзбек фарзандлари орасида туну кун китоб мутолааси билан шуғулланидиганлари ҳам қолганлигини тасдиқлайди.

“Миллий сўз” китобидаги лавҳалардан аён бўлишича, уларнинг муаллифи танқидчи учун ғоятда зарур бўлган яна бир фазилатга, яъни ўз фикрларини имкон борича образларга, тимсолларга ўраб, буркаб ифодалаш иқтидорига эга эканлиги аниқ-равшан сезилади. Масалан, лавҳалардан бири “Беш асрлик “ука” деб аталган бўлиб, даставвал, бу образли ифода китобхонни ҳайратга солади. Аввалига китобхон бу тимсол нимани англатишини, унинг маънада қандай маъно яширинганини тушунмай ажабланади. Лавҳани ўқиш давомида эса, бу тимсол шахзода Мўмин Мирзони англатиши аён бўлади. Шоир Абдулла Ориповнинг машхур: “Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар”, - мисрасидан олинган мазкур ҳайратомуз тимсол заминига қурилган ибтидо лавҳа давомида адиб шеърятига хос айрим хусусиятларнинг жонли ва ёрқин фойдаланишига йўл очади. Худди шунингдек китобдаги “Айний туғилган тупроқ”, “Кўл” ва “гул”, “Абдуллардан

бири” сингари тимсоллар ҳам ёш тадқиқотчи онгида образли тафаккур куртаклари ниш отаётганлигини ва лавҳаларига жозибаторлик, таъсирчанлик бахш этаётганлигини яққол намоён қилади.

Ниҳоят, китобга кирган лавҳаларда мунаққид учун балки энг муҳим ҳисобланувчи фазилат, яъни адабиёт ҳодисаларига танқидий нигоҳ ташлаш хусусияти аниқ-равшан кўзга ташланади. Танқидчи ўз номи билан танқидчи-да. Агар у муайян адабий ҳодисанинг кадр-қийматини, маъзига яширинган гўзаллик моҳиятини очиб бериш билан чекланиб, нуқсонлари, заиф томонлари, аён кўриб турган кемтиклари устида асосли мулоҳаза юритмас экан, бундай танқидчининг ёзганлари бадний ижод равнакига хизмат қилиши мушкул бўлади. Хуллас, бадний ижодни имкон борича баркамол кўришдек олийжаноб истакдан келиб чиқиб, адабиёт ҳодисаларнинг заифликларини кўрсатишга интилиш тамойили ҳар доим танқидчиликнинг асосий белгиларидан, сўнмас вазибаларидан бўлиб қолаверади. Шу тамойил изидан бориб, Фаррухбек ўз лавҳаларида энг машҳур ёзувчиларнинг тил тегизиш қийин бўлиб қолган асарларига ҳам ўткир танқидий назар ташлаб, бошқалар узоқ йиллар мобайнида пайқамаган нуқсонларини, номукамалликларини юзага чиқаришга ҳаракат қилган. Ундай танқидий фикрлар орасида энг эса қоладигани Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт” драмаси юзасидан билдирилган қуйидаги жуда кескин, бироқ асосли мулоҳаза бўлса керак: “Драма Оврупо адабиёти жанри бўлганлиги учунми, “Заҳарли ҳаёт”даги айрим тасвирлар миллий эмас. Масалан, Махмудхон билан Марямхоннинг ўзаро муносабатлари, қўлидан ўпиб саломлашиш, хайрлашиш. Бундай тавозеълар, ҳатто, ҳозир ҳам ўзбеклар учун бутунлай ёт. Ёки Марямхоним қабрига гул келтириш. Менимча, ўша даврда хали бу Оврупоча одатлар миллий ҳаётимизга кириб келмаган бўлса керак” (8-бет).


Балки бу сўзлар кимларгадир мунозаралироқ бўлиб туюлар, лекин улар кўпчиликда кучли ҳайрат ҳиссини уйғотиш табиий кўринади. Ҳайратланарли томони шундаки, “Заҳарли ҳаёт” дунёга келгандан бери ўтган саксон йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳамзашунослар жилд-жилд китоб ёзишибди-ю, лекин улардан ҳеч бири драмада гайритабиийроқ туюладиган унсурлар борлигига эътибор қаратмабди. Демак, юқоридаги ўй-фикрлар ва умуман, “Миллий сўз” китоби деярли қўл етмас бўлиб қолган адабиёт намуналарига ҳам панжа уришга қодир, жасоратли танқидчи туғилаётганлигини исботлайди. Фақат мазкур жасорати, яъни баъзи танқидий фикрларни билдириш орқали Фаррухбек ўз адабиётимиз мулкига айланадиган қолган бир асарни буткул бадном қилиш мақсадини кўймайди. Аксинча, у драманинг тили ниҳоятда гўзаллигини ва асардаги маърифатпарварлик ғоялари ҳозирги давр учун ҳам долзарб ҳамда муҳимлигини, яъни пьесанинг кадр-қиймати бутунлай йўқолмаганлигини кўплаб мисоллар ёрдамида исботлашга уринади.

Агар танқидчи учун зарур бўлган юқоридаги хусусиятлар, яъни янгилар, ҳақиқатга интилиш, мустақил фикрлашга ва ўринли хулосалар чиқаришга уриниш, ўй-туйғуларни истисод ҳамда жасорат билан образли ифодалаш, меҳнатсеварлик, китобга ташналик сингари фазилатлар қаторига теран таҳлил санъати ҳам қўшилса, Фаррухбекнинг ҳаётда ўз олдига қўйган эзгу мақсади рўёбга чиқиши учун мунаввар йўл очилиши муқаррардир.

Умрзоқ ЖҲҲРАКУЛ

Менинг бир жайдари
фалсафамдир шу...

А. Ориф



ЖАЙДАРИ ФАЛСАФА

Мақоламини адабиёт ҳақидаги анъанавий саволлар билан бошламоқчиман. Нега баъзи адабий асарларни ўқиганда бир умр унинг таъсирини тушиб қоламиз-у, бошқасини бугун ўқисак эртасига унутамиз? Мазмунан бой асар яшовчанми ёки шаклан гўзалми? Гоҳо шаклан гўзал асар ўқилган заҳоти унитилгандек, баъзан ўта мазмунли асарларнинг да қисмати бундан ортиқ бўлмайди! Нега? Оламда фикрлайдиган одамлар қанчалик кўп бўлса, бундай саволларга жавоблар ҳам шунчалик хилма-хил. Қуйидагилар эса менинг шахсий мулоҳазаларим.

Менимча, мавсумий асарларда энг аввал чин иқроп этишмайди. Бунинг учун инсон юзида тинимсиз ўрин алмашиши турувчи никоблар ҳалал беради. Токи ёзувчи оқ қоғоз қаршида сўнги - минг биринчи никобини ечиб ташламас экан, боқий асар дунёга келишидан умид йўқ. Буюк мутафаккир Лев Толстой ана шундай никоблар дунёсига тобе бўлмаган шахс ва ёзувчи эди. У қолдирган адабий мероснинг асри, адабияти ҳам шунда бўлса эди.

Зукко мунаққид Озод Шарофидинов Толстой асарларидан бирини “Иқрорнома” деб таржима этибдики, ушбу сарлавҳа узукка қўйилган биллур кўздек асар руҳига мос тушган. Фикрларим шу (Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 1998. Иқтибослар мазкур манбадан олинди.) асар хусусида.

“Иқрорнома” муаллифи “Мен нима учун яшайман? Ҳаётнинг мазмуни нимада?” деган мураккаб саволларга рўбарў қелади ва ушбу асарда мазкур муаммонинг ечимини топишга уринмайди, йўқ! Балки ўзининг бошқалар билмайдиган, билиши-да мумкин бўлмаган ички киёфасини бешафқат очиб ташлайди, таҳлил этади. Муаммо эса табиий ечим топади.

Умуман, инсонлар онгида бундай фавқуллода эврилишлар бир жиҳати билан чақалокнинг туғилишига ўхшайди. Чақалок ой-куни тўлгач, муқаррар туғилганидек, Толстой дуч келган саволлар ҳам инсон умрининг маълум бир палласида дафъатан уқунланиб қолади. Далил тариқасида бугунги кунимиз билан боғлиқ иккита мисол келтираман. Биринчиси «Иқрорнома»нинг қўлимдаги нашридаги таржимон сўнгсўзидан. Таржимоннинг ёзишча, Қашқадарёдаги Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Нуриддин Зайниев тасодифий бир суҳбатда Толстой “Иқрорнома”сидан гап очади. Адибнинг ушбу “асари ички дунёсини ағдар-тўнтар қилиб юборгани”ни (77-бет) айтади. Бу билан асарнинг таржима этилишига сабабчи ҳам бўлади. Иккинчи мисол шуки, бир кун амалдор, ўзига тўқ акахонлардан бири менга “Қалила ва Димна” даги (Толстой “Иқрорнома”да келтирилган шарқ ривояти) “Бурзо ҳаким ҳақидаги боб”ни бошдан-охир ўқиб берди. Шунингдан бери ҳаёти маъносини йўқотгани, турли зиддиятли ўйлар мияси

ни говлатиб иборганини чексиз алам билан баён этди. Унда мен ҳали “Иқрорнома” дан беҳабар эдим. Таржиманинг матбуот вариантини илк бор ўқиганимда туйқус кўнглимдан “Толстой сюжетни шарқдан ўзлаштирган экан”, деган гап кечди. Анча вақтлар бундан фахрланиб, шу фикримни ошна-оғайниларга уқдиришга уриниб юрдим. Бироқ асар таржимасининг китоб вариантини қайта-қайта ўқигач, фикрим ўзгарди. Англадимки, “Калила ва Димна”даги боб Толстой учун бир восита экан, холос. Майли бунинг ўзи алоҳида мавзу. Ҳозирча юқоридаги мисолларга қайтайлик.

Кўринадики, далил келтирганимиз кишиларнинг ҳар иккиси ҳам ўрта ёшдаги, иқтисоди, мавқе-мартабаси жойида, орзуларининг кўпига эришган, ақли, мустақил фикрли одамлар. Уларнинг саволларга муносабатлари ҳам анчайин яқин. Шу маънода ўзим билган, кузатиб юрган одамларни тўрт тоифага ажратган бўлардим:

а) шундай саволга дуч келиб, унинг ечимини топишга уринган, бироқ топа олмаганидан бу ҳақда ўйламай яшашни афзал билган одамлар;

б) саволга дуч келган илк дақиқадан бошлаб, ундан юзни тескари ўгириб яшашга ўрганган одамлар;

в) умуман бундай саволга етиб келмасдан ўтиб кетадиган одамлар;

г) саволнинг оддий ечимини топган ва хотиржам яшаб ўтаётган одамлар. Албатта бу менинг жўн бир кузатишларим натижаси холос.

“Иқрорнома”да сизга маълум муаммолар башарий фикратнинг олий чўққисидан туриб таҳлил этилади десак, хато бўлмайди. Зеро, “Иқрорнома” муаллифи санаганимиз тўрт тоифа одамларнинг тушига-да кирмаган ҳаёт мактабини ўтаган, бойлиги, мартабаси ҳавас қилгулик, диний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, истеъдодда, тафаккурда гений даражасидаги бир шахс эди.

Адиб ўз ички дунёсининг астар-аврасини ағдариб, энг қоронғи пучмоқларга доғур кириб бораркан, мавжуду вужудга келаётган илғор фикрларга таянишга, токи ўзини истиробга солиб қўйган сўроқларга ишонарли бир жавоб топишга бел боғлайди. Аммо ҳар сафар бу жумбоқ қаршида ожизу нотавон эканини ҳис этади. Ҳис этгани сайин ҳаётидаги маъносизлик юз қарра ошади. Мана шундай руҳий изтироблар алал-оқибат уни “...ҳаётдан мосуво бўлишга”, шу йўл билан барча бемаъниликларга чек қўйишга ундайди. “...Ўшанда ҳар кун оқшомларда ўзим ёлғиз ўтирадиган хонадан тизимчани олиб чиқиб ташладим - счинаятиб, беҳосдан икки жавон ўртасидаги тўсинга ўзимни-ўзим осиб қўймай дедим-да. Ова ҳам милтиқ кўтариб бормай қўйдим, чунки тепкинни босиш билан одам ҳаётдан осонгина маҳрум бўлади-қўяди - шунга лаққа учмай дедим” (17-бет) дея ифодалайди ўз ҳолатини муаллиф.

Инсон табиатининг қизиқлигини кўрингки, бир вақтнинг ўзида бир одам ҳам ҳукм этгучи, ҳам маҳкум, ҳам ижрочи, ҳам халоскор. Бу пайт бешинчи “мен” савол сўрайди: “Қандай яшашим лозим?”

Ҳаёт ҳақида менинг ўйларим, - деб ёзади муаллиф - инсониятнинг энг бақувват ақл эгалари хулосаларига тўғри келди. Хўш, ушбу хулосалар нимадан иборат эди? “Боши берк кўчадан чиқишнинг биринчи чораси билмаслик экан. Унинг маъноси шундан иборатки, ҳаёт ёвуз нарса экани ва яшашнинг маъносизлигини билмаслик, англамаслик керак... иккинчи чора - Эпикурона чора. Яъни ҳаётдан умидвор бўлмоқнинг имкони йўқлигини била туриб, ҳозирча мавжуд неъматларнинг ҳаммасидан истеъфода этилади... Учинчи чора куч ва қудрат чорасидир. У шундан иборатки, ҳаёт ёвуз нарса эканини ва унинг маъносизлигини англагач, ҳаётни маҳв этадилар... Тўртинчи чора ожизлик чорасидир. У

шундан иборатки, ҳаётнинг ёвуз нарса экани ва маъносизлигини англаб, одам яшашидан ҳеч нарса чиқмаслигини олинган билса-да, яшашда давом этади...” (36-38-б.)

Аммо жавобларнинг барчасида “ҳаёт ёвузликдан иборат, яшашдан ҳеч қандай маъно йўқ”, деган ақида ҳукмрон. Унда “инсоният яшамай қўя қолса ҳам бўлаверадиган бир ҳолда нима учун яшайди?” Наҳот донолар келган хулосалар бу зил-замбил саволларнинг бошқа шаклигина бўлса?..

Толстойнинг буюклиги шундаки, у мазкур тўрт чора исканжасида қолиб кетмайди. Мурасасиз равишда бешинчи чорани ахтара бошлайди. Унинг дастлабки англаб етган ҳақиқати шу пайтгача мавжуд хулосаларнинг хатолиги бўлади. “Хато шунда эдики, - ёзади муаллиф - менинг фикрларим ўзим қўйган масалага мувофиқ эмас эди... (44-бет) Мен адашганимни ва қандай қилиб адашганимни англадим. Мен ногўри фикр юритганим учун адашган эмас эканман, балки нуоҳқорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман.

Яна англадимки, “Менинг ҳаётим нима” деган саволим “ёвузлик” деб берган жавобим мутлақо тўғри бўлган экан. Х а т о шунда бўлган эканки, фақат менгагина тааллуқли жавобни бутун ҳаётга нисбатан қўллабман” (5-бет. Таъкидлар бизники - У.Ж.).

Муаллифга кўра, бунинг сабаби оддий - оқни оққа, қорани қорага қиёслаш натижасида айниятнинг келиб чиқишидир. Математик усулдаги $A=A$, $X=X$ сингари.

Шунингдек, кўпчилигимиз ақлимиз “қуйилгиб”, мустақил фикрлай бошлаган кезларимизда беғубор болаликни соғинамиз. Улғайганимиз сайин ҳаётнинг қабоҳатга тўлалигидан қайгуларимиз. Ўзимизни юксак орзулари барбод бўлган жабирдийда ҳисоблаймиз. Бироқ ўзимиз аллақачон, қочмоқчи бўлганимиз катталар дунёсининг бир мурватчасига айланиб қолганимизни англаймиз ёки иқрор этгимиз келмайди. Айният фалсафасига тобе бўлиб яшайверамиз. Жиндск уквумиз бўлса, бу ҳақда қиссалар, романлар ёзамиз. Толстойни эса ёлчтитиб ўқимаймиз ҳам.

Л.Толстой айтадики, ақлий илм билан ҳаёт маъносини, ўзлик дунёсини англаб бўлмас. Бу сенинг имконингдаги иш эмас. Чирансанг, нажор ишига бурнини тиккан маймон ҳолига тушасан. Англамоқ йўли “...нооқилона ёхуд гайришуурий билим”, (44-бет.) яъни иймондир. Ҳаёт иймон устига қурилган ва шунинг учун ҳам абадийдир. Агар ҳаёт мазмунини ақл белгилаганда, инсоният аллақачон маҳв бўлган бўлар эди. Мен шунини англадим. Сен-да англашга урин.

Толстой шундай фикрлари билан Қуръони каримдаги “Чуқурлашманг адашасиз” деган буюк ҳақиқатга етиб келдики, биз билган кўплаб даҳолар ушбу жайдари фалсафа моҳиятини англамасдан ўтиб кетдилар.

Адиб “Иқрорнома”да “Иймонсиз яшаб бўлмайди... (47-бет). Мен фақат худога ишонган кезларимдагина яшадим... (60-бет). Ундан кейин келадиган “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга сиғинайлик” деган иборани тушуриб қолдирардим, негадир уларни тушуна олмас эдим...” (65-бет) деб ёзади. Шу сабабмикан, баъзи ғарб олимлари уни гоҳо этиқоиди чекланганликда, гоҳо чалқаш фикрлашда, гоҳо динсизликда айблайдилар. Уларни қўллаб-қувватловчи замондошларимиз ҳам топилади. Ахир кимдир худони шериксиз танишдан бебаҳра экан, бунда Толстойнинг айби нима? Одам ўзи бўлмаган манзилнинг маъжудлигини инкор этолмайдику? Не булганда ҳам, Толстойдек шахслар ҳақида бундай зид қарашлар бўлишини табиий деб қабул қилмоқ тўғри кўринади.

Алқисса, Толстойни англамоқ учун унинг асарларини қайта-қайта ўқиган маъқул. Ундаги маъноларнинг чеки йўқ. Зеро, бу неъмат барчамизга татигулик.



Наргиза ФУЛОМОВА

ЁМҒИР ҚЎШИҒИ

Ҳикоя

Туни бўйи ёкқан ёмғир тонгга яқин оз-моз шашидан тушгандек бўлди, аммо тинишни ўйламади.

Касалхона деразасидан кўрғошин тус осмонга термулиб ётган Баҳодир бир сесканиб тушди-да, “ух” деб қўйди. Насиб этса, бугун тушдан сўнг уйига жавоб беришади.

Баҳодир болалигидан баҳорнинг момақалдиروқли ёмғирини жуда яхши кўрар, иссиқ чой хўплаб, дераза ортидаги ёмғирнинг мунгли қуйини тинглаш унга ҳузур-ҳаловат ва ором бағишларди. Тақдир тақозосини қарангки, хотини Муҳаббат билан ҳам ёмғир туфайли танишган...

Ўша кезлари Баҳодир эндигина институтни тугатиб, ўрта мактабда дарс берарди. Бир куни ишга кетаётганида бекатнинг бир чеккасида турган хушбичим, қорачадан келган, узун ва тим қора сочлари дид билан турмакланган гўзал бир қизни учратди-ю, тинчини йўқотди. Ҳар куни бир вақтда, айнан шу қиз ишгами, ўқишгами кетадиган пайтда бекатнинг ёнидан ўтишни одат қилди. Аммо унинг ёнига бориб гап отиш у ёқда турсин, кетидан кузатиб, борадиган манзилни билиб олишга ҳам журъати етмас эди. Худо билади, бу хол яна қанча давом этиши мумкин эди, аммо қунлар исиб, ёз ўз ҳукмронлигини бошлаганда тўсатдан ёкқан ёмғир икки ёшнинг тағдирини ҳал қилиб берди. Осмонни бирданига қора булут қоплаб, ёмғирнинг шаррос қуйиши баҳор учун одатий ҳол бўлса, ёзда у кўчада ўз юмушлари билан юрган одамларни саромимага тушириб қўяди.

Ўша куни Баҳодир ишдан барвақтроқ чиқиб, бетоб дўстининг ҳолидан хабар олгани унинг уйига борди. Дўсти билан узоқ суҳбатлашиб, эндигина кетишга отланган ҳам эдики ёмғир қуйиб юборди. Мезбон кўярдақўймай ўз соябонини Баҳодирга тутқазди. У истамай соябонни олди-да, дўсти билан хайрлашиб, кўчага чиқди. Чикди-ю, донг қотиб қолди. Кўчанинг нариги бетида шифохонанинг ойнабанд эшиги ортида ўша таниш нотаниш қиз турарди. У анча юпун кийинган бўлиб,

ёмғирнинг бироз тинишини кутиб турарди чоғи. Баҳодир соябонни зўрлаб тутқазган дўстига хаёлан миннатдорчилик билдириб қиз томон ошиқди.

— Кечирасиз, синглим, ижозат берсангиз, кузатиб қўйсам, — хижолатомуз оҳангда сўз бошлади Баҳодир.

Қиз аввал юзини тесқари бурди, кейин эса қаршисида ҳаяжондан ўзини йўқотаётган йигитнинг нияти самимийлигига ишонч ҳосил қилди, шекилли, бироз иккиланиб:

— Майли, бекатгача соябонингиздан фойдаланаман, — деб жавоб берди.

Йигит соябоннинг қизнинг боши узра тутди. Бекатга етиб олгунча унинг исми Муҳаббат эканлигини, шифохонада жаррох бўлиб ишлашини билиб олди. Уйигача кузатиб борди-да, эртаси куниеқ онасини совчиликка юборди.

Икки ойга бормай тўй ҳам бўлиб ўтди. Бир йилдан сўнг тўнғич фарзанд Бахтиёржон дунёга келди.

Муҳаббат ёшлигиданоқ шифокор, айнан жаррох бўлишни орзу қиларди. Оилада кенжа фарзанд бўлиб, онаси касалманд, отаси бевақт вафот этган, рўзғор ташвиши эса тўнғич акаси бўйнида эди. Оилавий кийинчиликларга қарамай Муҳаббат ўз орзусига етишишга астойдил ҳаракат қилди, тиббиёт институтига ўқишга кирди. Эшигидан совчиларнинг кети аримасди. Аммо Муҳаббат ўқишни тугатиб оёққа туриб олмагунимча турмуш қилмайман, деб оёқ тираб олди. Мана ниҳоят, шифохонада жаррох-шифокор бўлиб ишлаб юрган кезлари Баҳодирни учратдию...

Баҳодир рафикасининг тиббиёт илмига бўлган қизиқлигини хурмат қилди, қўлидан келганича ёрдамини аямасди. Шунинг учун фарзандни вояга етказиш ташвишларини ўз бўйнига олди. У жажжи Бахтиёржонни эрталаб боғчага қўйиб ишга кетар, хизмат тугаши билан яна боғчага ошиқарди. Кечкурунлари ўғилчасини тиззасига олиб китоб ўқиб берар ёки расм чизишни машқ қилдирарди. Бахтиёржон улғайиб, мактабга чиққанида ҳам

дарслари билан ўзи жиддий шуғулланди.

Бу орада Муҳаббат номзодлик диссертациясини ёқлади, шаҳар марказий касалхонасида етакчи жарроҳ бўлиб ишлай бошлади. У ўз касбининг моҳир устаси бўлиб, уйгача келиб турадиган мижозлари-ю, улар яқинларининг чексиз миннатдорчилиги бунинг исботи эди. Баҳодир рафиқасининг муваффақиятларидан ниҳоятда ғурурланарди.

Бахтиёржон саккиз ёшга тўлганда Муроджон дунёга келди. Бу сафар Муҳаббат касалхонадаги ишидан бироз дам олишга ва бола тарбияси билан ўзи шуғулланишга қарор қилди. Баҳодир эса ташлаб қўйган илмий ишини яна қўлига олди. Бу пайтга келиб у илмий текшириш институтида ишлар, дўстларининг “ишингни тезроқ тугатиб олсанг-чи” деган таъналарига “аввал Муҳаббат ёқлаб олсин” деб жавоб берар эди.

Қулларнинг бирида Муҳаббат ишдан қайта солиб эрига мурожаат этди:

— Адаси, бизда ишлайдиган хўжалик бекаси Сабоҳат опа ҳар ой Туркияга бориб, мол олиб келиб анчагина фойда кўради. Бугун менга “Муҳаббатхон, юринг, бу сафар сизни ўзим билан олиб кетай, бир айланиб келинг, нуқул иш ва оила билан ўралашиб қолдингиз” деб қолди. Шу пайтгача Ўзбекистондан нарига чиқмаганман. Нима дейсиз, бораймми?

— Майли, айланиб кела қолинг, хоним. Аммо анча-мунча пул керакдир? — деб жавоб берди Баҳодир. Лекин бу фикр унга унчалик ёқмаётганди.

— Кўп эмас. Сабоҳат опанинг айтишича, сарфланган пулни икки баравар қилиб қайтариб олиш мумкин экан. — деб жилмайди Муҳаббат эрининг бўйнидан кучиб.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас у Туркиядан совға-саломлар билан қайтди. Баҳодирнинг “Туркия сизга ёқдими?” деган саволига “Ҳа, жуда гўзал жойлар экан, фақат сабоҳат опа билан дўконма-дўкон, бозорма-бозор юравериб, тузукроқ айланишга вақт қолмади” деб жавоб берди. Кейин жомадонидан бир нечта шилдироқ халтачаларга чиройли қилиб ўралган буюмларни олиб, эрининг олдига қўйди.

— Сабоҳат опам қўярга-қўймай олдирдилар. “Яхши сотилади, ўзим кўмаклашман, ҳеч бўлмаса сарфланган харажатингизни чиқариб оласиз” дедилар.

— Муҳаббатхон, энди сизга бир ками бозорда мол сотиш қолувди, — қулди Баҳодир.

— Ҳавотир олманг, бозорга чиқмайман, касалхонанинг ўзида сотаман.

— Фан номзоди, етакчи мутахассис бўлсангиз-у, ҳам-касблар ва касалларингизга нарса сотсангиз, четдан қандай кўринар экан, бу ҳақда ўйлаб кўрсангиз бўларди.

— Тўғри айтасиз, Сабоҳат опадан илтимос қиламан, ўзи сотиб беради, — деди-да, бахсга яқун яшаш мақсадида ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди.

Тахминан бир ой ўтар-ўтмас Муҳаббат яна сафарга чиқиш ниятида эканлигини айтди.

Унинг бу янги ҳунари оилага яхшигина фойда келтира бошлади. Бахтиёржон учун янги каровот, меҳмонхонага янги биллур қандил, ошхонага хорихда ишлаб чиқарилган йиғма шкаф, турли-туман кийим-кечақлар-у, чинни идишлар харид қилинди. Уйни ҳам таъмирлаб олдилар. Буларни кўрганда Муҳаббатнинг кайфияти

чоғ бўлиб, баҳри-дили яйраса, Баҳодирнинг кўнгли эзиларди. Чунки унинг бутун борлиғи билан севган Муҳаббати кўзи ўнгида ўзгариб борарди. Энди у аввалгидек китоблар ўқимас, ойнаижаҳонни кўришга ҳам вақти етмасди. Касалхонага 3-4 кунда бир марта борадиган бўлди. Муроджон эса онасига кўпроқ интиларди, унинг эътиборини талаб қилади. Муҳаббат ўғлининг тарбиясига ҳам вақт ажратолмай қолди.

Шуларни ўйлаб Баҳодир хотини билан жиддий гаплашиб олишга қарор қилди.

— Муҳаббатхон, рўзгоримизни анча бутлаб олдик, анча-мунча нарсалар ҳам харид қилдик. Ҳатто, Бахтиёржонни уйлантириш учун ҳам маблағимиз етарли. Энди бу ҳунарингизни йиғиштирсангиз бўларди. Севган касбингиз билан шуғуллангиз.

— Нималар деяпсиз, Баҳодир ака?! Ахир, пул пулни келтиради дейишади. Нима, бундай тўкин-сочин яшашимиз сизга ёқмаяптими?

— Ундай демоқчимасман. Ахир гулдай касбингиз бор. Ишхонада ҳам ўзингизга яраша обрў-эътиборингиз бор эди. Бу даражага етгунча озмунча қийинчиликларни енгмадингизми? Қолаверса, мен ҳам тайёр бўлай деб қолган ишимни йиғиштириб, сизга кўмаклашдим. “Бирдан-бир орзуим — етук жарроҳ бўлиш ва бу соҳада кашфиётлар қилиш”, демаганмидингиз менга? Сизнинг қатъиятингиз мени маҳлиё этганди ўшанда.

— Замонлар ўзгарди, Баҳодир ака. Орзу билан оилани боқиб бўладими?

— Замон эмас, сиз ўзгардингиз. Наҳотки орзуингизни, қийинчиликлар билан эришган мавқеингизни молдунёга, зебу-зийнатга алмаштирдингиз? Қўлингиздан шифо топган инсонларнинг миннатдорчилигидан азизми бу матоҳлар? — ўзини тутолмай қолди Баҳодир.

Муҳаббат индамай ерга тўшалган жимжимадор нақшли гиламга тикилиб қолди. Орага оғир сукунат тушди. Бироздан сўнг Муҳаббат кўзларини гиламдан узиб эрига қаради.

— Гапингиз тўғри, Баҳодир ака. Менга яна озгина фурсат беринг.

— Нима қиласиз фурсатни?

— Машина сотиб олмақчиман.

— Муҳаббатхон, — ўрнидан туриб кетди Баҳодир.

— Нима қиласиз машинани? Мен ҳайдашни билмасам.

— Ўзим ҳайдайман. Ҳозир шундай расм бўлган.

— Э, — Баҳодир қўл силтаб ҳовлига чиқиб кетди. Муҳаббат умр бўйи чекмаган эрининг тамаки тутатаётганига маънос қараб қолди.

Бироқ орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас оиладаги вазият буткул издан чиқди.

Баҳодир ўша куни ишдан эрта қайтди ва уйда хотинини кўриб ажабланди.

— Ҳа, хоним, сиз ҳам ишдан вақтли қайтдингизми?


— Ишдан бўшадим. Эртага йўлга чиқаман, — Муҳаббат эридан кўзларини яширди.

— Яна шу ҳунарингизни бошладингизми? Ахир бу ишимни ташлайман, деб менга ваъда бергандингиз-ку?!

— Касалхонадаги иш менга маънос келаяпти.

— Ўйлаб гапиряпсизми, Муҳаббатхон! — тутоқиб кетди Баҳодир.

— Э, қанақа одамсиз ўзи?! — Муҳаббат беихтиёр бақариб юборди. — Сиз ҳам бундоқ эркак бўлиб, би-



роп нима қилиб пул топганингизда, зарилмиди менга бу иш билан шуғулланиб? Ахир, бутун бозор-ўчарни, уй-жойни ташвишини бир ўзим елкамда тортиб келяпман-ку! Сиз ақалли бола тарбиясини ҳам эшломдингиз!

— Жим бўлинг, Муҳаббат, — Баҳодир кўксини чангиллаб қолди. Боши айланиб, кўзи тина бошлади.

Муҳаббат яна нималарнидир дейишга оғиз жуфтлаганди, эрининг полга сирғалиб тушаётганини кўриб, унинг ёнига ошиқди. Амаллаб каравотга ётқизди ва телефон дастагини олиб, тез ёрдам рақамини терди.

* * *

Чошгоҳга бориб ёмғир тинди. Баҳодир аста ўрнидан турди. Шу пайт эшик очилиб, хонага палата шифокори кириб келди.

— Баҳодир ака, — гап бошлади у. — Мана, касаллик варақангиз. Яна бир неча ҳафта уйда бўлинг. Энди юрагингизни ниҳоятда эҳтиёт қилишингиз керак. Бунинг учун эса асабни асранг. Хўп, саломат бўлинг.

Баҳодир шифокорга миннатдорчилик билдирди. Уни эшиккача кузатиб қўйиб, кийимларини йиғиштиришга тушди.

Тушдан сўнг Муҳаббат билан Бахтиёржон келдилар ва учовлари бирга касалхонани тарк этишди.

Уйига қайтиб Баҳодир хотинининг ишдан бўшаганини, бозор ишлари унинг бутун кучини, вақтини эгаллаб олганини кўриб, қаттақ ранжиди. Лекин шунга қарамай Муҳаббат ўғли билан галма-гал уйда ўтириб, шифокор буюрган муолижаларни ўз назоратига олди, эрини парваришлади. Баҳодир эса бундан ҳижолат чекар, уйнинг икир-чикир юмушлари билан ўзини чалғитиб, кунини ўтказарди.

Шу алфозда яна икки ҳафта ўтди. Душанба куни эди. Бахтиёржон барвақт туриб, мактабга кетди. Муҳаббат ошхонада эрига нонушта тайёрлаш билан овора. Баҳодир хотинига яқинлашди.

— Муҳаббатхон, анчадан бери сизнинг чўзма лағмонингизни соғинаман. Тушликка бир тайёрлаб бермай-сизми? — деди у.

— Албатта, Баҳодир ака! Фақат бозорга бориб келай. Буюмларни топшираман-да, тезда қайтаман.

Баҳодир индамади. Ўриндикқа ўтириб шопилмай нонушта қилишга киришди. Хотини алланималарни эрига тайинлади. Аммо Баҳодирнинг қулоғига унинг сўзлари кирмасди. Эшикнинг қарсиллаб ёпилганидан уйда ёлғиз қолганини билди. Нонуштани тугатмай ўрнидан турди. Меҳмонхонага кирди. Кенг, шинам ва ёрғуғ хона кўзига қоронғу ва тор бўлиб кўринди. Деразалар очик қолган экан. Баҳодир уларни ёлмоқчи бўлди! Хонанинг ўртасига келганди полни қошлаб турган катта ва юмшоқ гилам бирдан уни ботқоқ сингари, ўз домига торта бошлади. Шипдаги биллур қандил тебраниб, унинг жиринглашидан Баҳодирнинг қулоғи шангиллаб кетди. У йиқилиб тушди. Ботқоққа ботиб кетмаслик учун диванга чирмашиб чикмоқчи бўлди. Диванга тўшалган майин

чойшаб ўзини Баҳодирнинг устига ташлаб, уни бўға бошлади. Баҳодир амаллаб уни устидан олиб ташлади. Ўтган йили харид қилинган катта деворий жамланманинг эшиклари очилиб кетиб, ундаги биллур ва чинни идишлар Баҳодир томон бостириб кела бошладилар. Стол устидаги катта гулдон ҳам, духоба дастурхон билан бирга уларга қўшилди. Бир зумда хонадаги барча жиҳозлар бир-бирига қоришиб кетди ва Баҳодирни ҳар томондан ўраб олди. Баҳодирнинг кўкраги қиса бошлади, чуқурроқ нафас олгиси келди. У буюмларни қўллари билан итариб, ҳаво учун йўл очмоқчи бўлди. Аммо барча ҳаракатлари зое кетди. Буюмлар бир-бирига синга бошлади ва улардан ҳосил бўлган девор Баҳодирни айлана бўлиб ўраб олди. Баҳодир қоронғулик қаърига фарқ бўла бошлади. Танаси ҳар томондан қисидётганини сезса-да, қўллари билан тирмашмоқчи бўлганда улар бўшлиқда муаллақ қолди. Баҳодир кўзларини катта-катта очиб, ёруғликни қидирди...

Муҳаббат олди-берди ишларини тугатиб, Сабоҳат опа билан тушлик қилиш учун бозор ёнидаги ошхонага кирди. Тушлик тамом бўлганидан кейин ҳам, икки аёл ёмғир тинишини пойлаб суҳбатлашиб ўтираверишди. Қўшни столда иштаҳа билан лағмон еб ўтирган семиз киши Муҳаббатнинг назарини ўзига тортди. Нимадир эсига тушгандек бўлди. Бирпас хаёли суриб ўтирди-да, ўрнидан лип этиб кўзгалди.

— Опа, қаранг-а, бутунлай эсимдан чиқибди. Баҳодир акамга тушликка лағмон пишириб беришга ваъда берувдим. Мен бора қолай. — Муҳаббат Сабоҳат опа билан наридан-бери хайрлашди-да, кўчага отилди.

Муҳаббат кучасига бурилганида эшиги ёнида кишиларнинг тўпланиб турганини кўриб ажабланди. Кейин қадамни секинлатди, юришга ҳам мажоли қолмай, тўхтаб қолди. Бошига дўппи кийиб, белига қийикча боғлаган акасининг унинг ёнига келаётганини кўриб, кўзлари тиниб кетди, ўзини акасининг бағрига ташлади.

Қосим ака ярим беҳуш ҳолдаги сингисини аста ичкарига олиб кирди, ўриндикқа ўтказди. Фарёд солаётган Бахтиёржоннинг овози Муҳаббатни ўзига келтирди. Атрофдаги хотинларнинг таъзия сўзлари қулоқларини олов сингари қиздира бошлади. Кимдир пиёлада сув олиб келиб, ичиришга ҳаракат қилди.

Шу пайт қўшни хонадан ўз ишини тугатиб, қўлида тасбеҳ ушлаган ювғувчи чол чиқиб келди. Унинг ранги девордек оппоқ, кўзларида кўрқув аралаш ҳаяжон, лаблари тинмай калима келтирарди. Чолни кўриб Қосим ака сингисини оҳиста бағридан қўйиб юборди-да, олдиндан тайёрлаб қўйилган тугунчани унга узатди. Чол "Йўқ, олмайман" деган маънода бош чайқади. Қосим ака ажабланиб унга қаради.

— Ё Худо, ўзинг кечир гуноҳкор бандаларингни, — деди чол кўзларини юмиб. — Эгам, анча йилдан бери шу хунар билан шуғулланаман, кўпни кўрганман. Аммо бунақасини биринчи бор кўришим. Нима дейишга ҳам ҳайронман. Мурдани юваётганимда унинг кўзидан ёш оқди...

Маҳаммадҷон АБДУРАҲМОНОВ,
Мирзо Улугбек номли Ўзбекистон Миллий
Университети

Валидий Тўғон - Туркистон тарихи тадқиқодчиси

Таникли олим А. Валидий Тўғон (1890-1970 й.й.) илмий меросидаги қарийб 400 га яқин мақола ва асарларнинг салмоқли қисми Марказий Осиё, Туркистон ва туркий халқлар умумий тарихига оиддир. Унинг фақат буюк соҳибқирон Амур Темур ва темурийлар тарихига оид 30 дан ортиқ фундаментал тадқиқотлари мавжуд.

Тўғон ўзини “туркийлар ва ислом тарихи тадқиқотчиси” - деб илк бор матбуотда таништириб бошлаганда эндигина 18 ёшга қадам қўйган эди. У ёшлик йилларидан бошлаб исломий маънавият меъросини чуқур ўрганиш билан бирга араб, форс ва ғарб тилларини мукамал билишга киришган эди. Шунингдек, илмий дунёқараши шаклланиши жараёнида ҳам бир-бирига боғлиқ бўлган исломшунослик ва туркшунослик йўналиши асосий ўринда туради.

Олимнинг ўзи эътироф этишича, туркий халқларнинг узоқ ва яқин кечмишларини ўрганишга киришганида, айниқса, Туркистон илмий сафарлари (1913, 1914 й.й.) таассуротлари уни қатъийлик ва жиддийликка даъват қилган, Туркчиликнинг буюк тарихи ёш, энди шаклланиб келаётган олимда фахр ва ифтихор уйғотиб, миллий озодлик курашларига тортиди ва илҳомлантирди. Шундай қилиб, А.Валидов 1912 йили жиддий илмий изланишлари натижасида илк китоби “Турк ва татар тарихи”ни эълон қилди. Бу дарслик аслида «Турк тарихи» деб номланган эди. Бироқ, баъзи “нуфузли” кишиларнинг ғайри “маслаҳат”лари туфайли китобнинг номи айнан нашрдан чиқиш вақтида ўзгартирилди.

Олим учун бу дарсликни яратиш унча оғир кечмади. Чунки ёш тадқиқотчи туркийлар тарихи, этнографияси, фолклорига оид асар ва манбаларни араб, форс, рус, немис тилларида бемалол ўрганиб фойдалана олиш даражасига етган эди. (Шу боис ҳам асар услубий жиҳатдан анчагина пухта чикди ва ҳозиргача илмий қимматини сақланган тадқиқотлардан бири бўлиб қолмоқда). Асарнинг яратилиши эса муаллифни ҳам юртдошлари, ҳам Европа илмий жамоатчилиги орасида маълум ва машҳур қилди. Русия, Европа илмий матбуотида йирик таркшунос олимлар Исмоил Гаспарали, проф. Катанов, Емельянов, Истамбулда Юсуф Окжўра, Германияда Мартен Хартман, Венгрияда проф. Вамбере кабилар ўзларининг холис муносабатларини билдириб, унга турк мусулмонлари орасида камол топган, келажаги порлоқ “буюк олим” (А.Самойлович) сифатида эътибор қилдилар.

Шарқ туркшунослари, хусусан туркистонлик Маҳмудхўжа Бехбудий, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Юнусжон Ҳожи Оғалик ўғли ва бошқа ҳамюртларимиз томонидан эса олимга «Турк муаррихи» мақоми даражасида таҳсинлар айтилиб, миллий матбуотимизда хабарлар босилди.

Асар билан яқиндан танишган кўқонлик юртдошлар, халқимиз тарихини ёзиш иштиёқида бўлган Ашуралӣ Зоҳирӣ ва маърифатпарвар инсон Юнусжон Ҳожи Оғалик ўғли шахсан фикр алмашиш учун А.Валидов овулига (Уфа шаҳри яқинида) бордиларки, муаллиф учун юксак совға бўлди.

Ўша йиллари матбуотда Туркистон тарихини ёзишдек долзарб, хайрли бир масала кўтарилган эди. Шу муносабат билан Маҳмудхўжа Бехбудий мунозарага қўшилиб шундай фикр билдиради: “...тарихнинг фойдаси шудирким, бир миллатнинг на тарихида, қайси йўл ила тараққий этип ўқиб, ибрат олмоқ ёки бу миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб охири мунқарис бўлиб кетишини ўқиб мундан ҳам истифода этмак мумкин... ўз шеваимизда “Туркистон тарихи” бор бўлганда они кўз олдимизда кўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кириб ва нима сабабдан охири мунқарис бўлиб кетганларини ўқиб-билиб, ҳейли ибрат олар эди. ...Тўғриси, шундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан ҳануз майдонга чиққани йўқ. Фикримизча мундай тарих ёзмоқлик ниҳоятда қийин бир иш бўлиб, ҳозирда ифоси бизларнинг қўлимиздан келмайдургонга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни Туркистон тарихи ила ошно бўла бошлаган ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Заки Валидий афандининг қаламидан умид этмоқдамиз”.

А.З.Валидовнинг Туркистон билан ошно бўлган вақти 1913-1914 йиллар, расмий-илмий сафари даврига тўғри келади. Бу илмий сафар Туркистон, Бухоро ва Шарқий Бухоро ҳудудларида амалга оширилиб, сафар давомида кўплаб илмий-тарихий аҳамиятга молик манбавий қўлёзма асарлари излаб топилди. А.Валидов сафар давомида тўпланган манбаалар асосида ўша вақтнинг ўзида бир қатор илмий мақолалар эълон қилди. Бу мақолалар (1913 й. ноябрь-1914 й. май) “Эл” (Питербург) газетаси саҳифаларида “Туркистон мактублари” умумий ном билан эълон қилинди. 1914 йили эса “Суюмбека” (Қозон) журналида “Фарғона аёллари ҳақида Наливкин” мақоласи эълон қилинди.

А.Валидийнинг Туркистон сафари туфайли кўплаб манбавий адабиётлар топилдики, булар ўша вақтда ҳам, кейинчалик ҳам, ҳозир ҳам ўзининг илмий аҳамиятини сақлабгина қолмай, кўплаб олимлар томонидан турли мамлакатларда улар асосида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. А. Валидий эса ўз илмий фаолияти давомида туркий халқлар тарихи, этнографияси, жуғрофий-иқтисодий масалалари, дин, маънавият, адабиёт ва бошқаларга оид фундаментал тадқиқотлар ёзишга мушарраф бўлди. Масалан: Валидий Қарши (1914 й.) бозорида бир атторнинг доривор гиёҳларни эски турк ёзувида битилган варақларга ўраб сотаётганлигига

этибор беради. Бу парчаларда нима битилганини дарров англаган Валидий қолган қисмлари билан бирга 20 бухоро пулига сотиб олади. Маълум бўлишича, бу Куръоннинг 10 аср бошларига оид, Исом даври туркий тилида ёзилган қадимги бир обидаси экан.

А.З.Валидов хорижда ўтказган умрини катта илмга бағишлади. Истамбул Университетига “Марказий Осиё тарихи” кафедрасига асос солди ва кўп йиллар раҳбар ҳамда муаллим, устозлик қилди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. 1953 йилда эса Истамбулда Исом тадқиқотлари институти ташкил қилиб биринчи раҳбарларидан бўлди. Бу даврда дунё эътироф этган олим даражасига етди. Муҳими унинг улкан ҳамда хилма-хил илмий мероси Марказий Осиё халқлари тарихи, этнографияси, тилшунослиги, адабиёти асосий ўрин тутади. Зеро, немис туркшунос олими Герберт Янски айтганидек, “Алишер Навоий, Беруний, Амударё, ... Хирот, Хоразм ҳақида Валиди Тўғон ёза олиши мумкин. Чунки у ўша жойнинг фарзанди, ўша жойда вояга етган”.

А.З.Валидов Туркистоннинг озодлик йўлидаги курашларида (1920-23 йй.) ўзининг куч-гайратини, ақл-заковатини ва барча имкониятларини ишга солди. Бироқ, кучларнинг тенг эмаслиги ва бошқа сабаблар туфайли бу ҳаракатларни давом эттириш мумкин бўлмай қолди. Ваҳоланки, большевик агентлари “марказ”дан Валиловни жисмонан “йўқ қилиш” ҳақидаги топшириқни олганларидан кейин уни амалга оширишга жиддий киришган эдилар. Бу ҳақда Валилов хайрихоҳ юртдошларимиз томонидан бир неча бор огоҳлантирилди. 1923 йил июн ойида Москвада ўта махфий ҳолда миллий республика ва вилоят раҳбарлари иштирокида РКП МКнинг 4-мажлиси тўпланди. 10 мартда эса Валилов хорижга чиқиб кетишга улгурган эди. Бу йиғилиш шўролар даврининг энг даҳшатли, қонли қатлиоми бошланишидан олдин қилинган бир “репетиция” эди, ҳалос. Йиғилишда Султон Галиев масаласи кўрилган бўлса ҳам, Валидовнинг номи ёки “валидовчилик” қатнашувчилар томонидан бир неча марта тилга олинди. Файзулло Хўжаев Бухоро Республикаси номидан сўзлаётган вақтда “Валидов қаерда?” (Сталин) деб ташланган лўкмага “Валидов Ўрта Осиёнинг у еридан бу ерига чопиб юрибди, Бухорода, Тошкентда, Хоразмда. У босмачиларнинг раҳбарларидан бири”, деб қисқа жавоб бериб қўя қолди. Ваҳоланки, шу йиғилишда расмий иштирок этаётган Турор Рисқулов, Акмал Икромов, Хидиралиев, Раҳимбобоев ва бошқалар ҳам Валиловнинг қаерда, нима билан шуғулланаётганлигидан хабардор эди. Умуман, мавжуд сиёсий вазиятда зийраклик билан тўғри баҳо бера оладиган илғор юртдошларимиз бир-бирларини эҳтиёт қилишга ҳаракат қилганлар. Бу вақтда большевистик қатағон ўзининг бошланиш палласида эди.

Мазкур йиғилишда А.Валидов босмачилар дохийси сифатида “қораланди”, уни Тошкент ва бошқа шаҳарларга “юришга” (озодлик юришлари десак тўғри бўлди - М.А.) тайёрланаётган деган тахминлар билдирилди.

Мустабид тузум ҳукмронлиги йилларида унинг номи ноҳақ қораланди. 20-йилларда эса шўро

“тарихшунослик” лексиконида “валидовчилик”, “аксил инкилобий буржуа-миллатчилик ҳаракати” йўлбошчиси деган сиёсий иборалар турли шўро расмий хужжатларида ва матуботда тез-тез учраб турар эди.

Маълумки, жаҳон тарихшунослигида кейинги 100 йилликлар давомида ҳукмрон бўлиб келган гайри-илмий евроцентризм ғоясидан шўро тарихшунослиги ҳам мустасно эмас эди. Колониал (чоризм), мустабид (коммунистик) тузим даврининг даҳшатли илмий-маърифий, маданий-маънавий қатағонлиги оқибатида энг кўп “талофат” кўрган тарих эса туркийлар тарихи бўлди. Туркийларнинг ҳаққоний тарихини ёритиш, ёзиш ва нашр этиш бу даврларда ҳеч кимга nasib этмади. Тўғрироғи, бунга йўл қўйилмади. Уринишлар қаттиқ қатағонга учради.

А.Валидий Тўғон хорижда бўлганлиги учун ҳам биз туркий халқлар тарихига оид юқорида санаб ўтган ва бошқа кўплаб тадқиқот ишларини эълон қила олди.

Олимнинг 1930 йил Берлинда нашр этилган “Туркистон муаммолари” асарига шундай жумлаларни ўқишимиз мумкин: “Турли туркий қавмлар орасида низо келтириб чиқариш ва уни кучайтириш мақсадида шўро ҳукумати мустаҳкам бирликда яшаб келаётган туркий миллатни парчалаб, кичик қавмлардан иборат республикалар ташкил қилди. ... Туркистондаги жаҳолат тўнтариш (1917 йил) дан кейин аввалгидан минг марта кучайди, буни сўз билан ифодалаш қийин. ... Туркистонда туркий маданият йўқ бўлиб бормоқда, сабаби, гайримиллий маданият ўз домига тартаётган эди. Халқимиз бошига тушган бундай зулмдан қандай қутилиш масалалари ҳамда ечилиши билан юртимиз асл фарзандлари кўп шуғулланишди. Бу йўлда кўплаб қурбонлар бўлди. Туркистон иқтисодий, маданий ва ижтимоий қулликдан озод бўлиш кафолати, тараққиёт ва ривожланиш кафолати бу Туркистонни қонуний ҳуқуқи бўлган сиёсий мустақиллигидир. ... Туркистон иқтисодий Ренессанси сиёсий мустақилликка боғлиқдир”.

Ўзбекистон сиёсий мустақилликни қўлга киритгандан кейин, Президентимиз И.А. Каримов айтганидек, “...миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмалари, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш аслида мумкин бўлиб қолди”.

Олмон туркийшунос олими, профессор Герберт Янский Валидовнинг тарих илмидаги ўзига хос методологик ёндашувларини қуйидагича тарифлайди: «Тарих илми айни Валидов каби олимларга муҳтождир. ...у турк бўлганлиги ҳолда замонавий илмий-тарихий услубиётни қурол қилиб ... туркийлар ўтмишини бутун оламшумул кўлами қамровида тадқиқ қила олди. А.З.Валидов туркийлар тарихлар тарихининг пинҳон қолаётган сўқмоқларига жуда қисқа йўллар билан кириб бора олди».

Туркистон тарихи ёритилишида буюк хизмат қилган улуг зот проф. А.В.Тўғон илмий ижодий меросини ўрганиш ҳозирги вақтда муҳим амалий аҳамиятта молик масалалардан биридир.

НУРУЛЛОХ

ФАНОДАН БАҚОГА ЙЎЛ БОР

ЙЎЛ

Қачонлардир Одам Ато
Хувуллаб ётган дунёдан
Ҳаввони излаган... Топган.

1

Недир севги?
Недир меҳр?
Недир кўнгилга таважжух?
Токи, одам мудом ёлғиз...
Шамолга қул хазон янглиғ
Судралади ҳовлиларда...
КУЛБАДАН КУЛБАГА ЙЎЛ БОР

2

О, нечун ҳужралар бўм-бўш,
Нечун бўм-бўшди саройлар?..
Ўша бўм-бўш ҳужралардан
Одамни излайди одам...
Кутиб яшайди одамни
Хувиллаган саройларда.
Тонг отади, кун ботади...
Одам ёлғиз...
Тонг отади-кун ботади. Одам ёлғиз.
Одам ёлғиз... Йиглай-йиглай
Йўл тугади ёбонларга...
ҚАЙҒУДАН ҚАЙҒУГА ЙЎЛ БОР.

3

Кун куйдирган биёбонда
Бир қултум сув истамайди,
Истамайди бир бурда нон.
Одамни излайди одам...
Излаб юрар мажнун каби,
Форларга кириб...
Тоғ-тошлардан тоғ-тошларга
Ўтиб, чорлайди беармон...
Бу не йўл, қонталаш кўнгли
Ғамдан ғамга чўккандек, у
Саҳродан саҳрога чўқар...
САҲРОДАН САҲРОГА ЙЎЛ БОР.

4

Қай тонг, хорғин биёбондан
Кўз ёшига чўкиб кетган
Одамни топар одамлар...
Билмаслар не кечган ҳоли,
Қашқирлар нечун тегмаган?
Нечун емаган қузғунлар?

Унинг очик кўзларини
Қумдан тозалаб, оҳиста
Ёшиб қўядилар кейин...
Кейин бошларида тутиб,
Уни олиб кетадилар...
ФАНОДАН БАҚОГА ЙЎЛ БОР.

5

Ёлғизликда ажин босган
Пешонаси - тун дафтари...
Одам йиглаб кетар унсиз,
Йиглаб кетар Оллоҳ томон...
Аён бўлмиш шу мусибат:
КўНГИЛДАН КўНГИЛГА ЙЎЛ ЙЎҚ.

КЕЧ КУЗ

Не кўнгил бу кўнгил, куз каби синик,
Не куз бу кўнгилга ўхшаган куздир.
Умидим куз суви сингари тиник,
На куёш хуш ботар, ва на-да ҳилол,
На куй хуш келади энди, ва на сўз.
Кўнглим чўккан кузак дарёси мисол,
Озурда кўнглимнинг ҳарамидир куз.
Кўзимдай қизарган чинорлар барги,
Адирилар сийратим янглиғ заъфарон.
Тийрак кўзли дунё кўрмаган дардим -
Рухим уфқ булут сингари алвон.
Ҳавога осилган мезондай ўксук,
Ҳаёлим побаста, учмас кўк сари.
Жайронлар адашган ёбонлар кўксим,
Кўлим унутилган сўқмоқдай ғариб.
Менинг ҳам жисимига қировдан эҳром,
Ҳолсиз ҳазонларим муножот қилди.
Ёлғиз юрагимни айладим меҳроб,
Мажнунтол сингари ибодат қилдим.
Тоат аро шабнам истамас лабим,
Қатра қўр истамамгавҳардан - тошдан.
Қишга қолаётган кашқаргул каби
Йигласам, не маъни қари куёшга?
Тийра булут тутган куним беҳуддир,
Букутдир соврилган кук - хонимоним.
Гумбурлайди осмон, ёмғир... О, худди
Бир қатла фарёдим, минг қатра қоним...
Маломат қиларлар қарғалар ҳайдаб,
Қарғанар бошимда эрта кун-кеч кун...
Оламга аёнман, манзилим қайда?
Бирок, манзилимни билмайди ҳеч ким.
Қалбимдай очилган қабрлар унсиз
Шовиллар, қорайтиб осмон этагин.
Дарё мисол оқиб бораётир куз,
Оқиб бораёпман куз каби...



Раҳима ШИРИНОВА,
ЎЗМУ катта ўқитувчиси



ЎЗБЕКЧАДА ЁЗИЛГАНДЕК...

Чет эл адабиётини ўқитишда дин ва имон-этиқод муаммоларини ўрганиш

Инсоният таракқийотининг барча босқичларида дин, имон ва этиқод жуда муҳим роль ўйнаган. Тарихда ўтган ўнлаб ва юзлаб сиёсий арбоблар диндан ўз давлатларини мастахкамлаш ва сақлаб қолиш максалида фойдаланганлар. Кўп ўлкаларда инсонларнинг динга бўлган ихлоси ва ишончи туафйли меҳр-оқибат, тинчлик-тотувлик сақлаб турилган. Албатта, том маънодаги дин яхшиликка ва эзгуликка ундовчи ғояларнинг маҳсули бўлган. Чунки ҳеч бир дин ёзувлик ёки биродаркушлик ғояларини тарғиб қилмайди.

Дунё адабиёти намоёндаларининг нодир ва ўлмас асарларини ўқир эканмиз, уларда имон ва этиқод масалалари кенг ёритилганининг гувоҳи бўламиз. Бунга таниқли француз ёзувчиларидан О.де Бальзак, Ги де Мопассан, П. Мериме ва Стендалларнинг асарларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Биз бу ёзувчиларнинг оригинал асарларини, уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги таржималари билан солиштириб, таржимада бу муаммолар қандай акс эттирилганлиги билан бир қаторда уларнинг ютуқ ва камчиликларини ҳам таҳлил қилишга ҳаракат этамиз.

Стендаль XIX аср француз адабиётининг энг йирик намоёндаларидан биридир. У ўзининг “Парма ибодатхонаси”, “Қизил ва қора” каби асарларида дин, имон ва этиқод муаммоларини кенг тўхталган. Ёзувчи “Парма ибодатхонаси” асарини 1830 йилда ёзган. Стендаль бу асарда XIX аср француз жамиятини моҳирона акс эттирган. “Парма ибодатхонаси”ни рус тилига Н.Немчинова таржима қилган бўлиб, ўзбек тилига Х.Тўрабеков ўтирган. Бу асарда Стендаль диний урф-одатлар, маросимлар ва диний муаммоларга ҳам катта эътибор берган. Соф имон ва этиқодли кишиларни ҳаётда тутган ўрни ва уларнинг қилган ишларини яққол очиб берган. Имон, этиқодли кишилар ўз имонларини сақлашга, унга ҳаётларининг сўнги дақиқаларигача содиқ қолишга ҳаракат қиладилар.

Асарда дин, имон ва этиқод туйғуларини очиб берувчи матнларнинг учала тилда, яъни французча оригинал ва унинг рус ҳамда ўзбек тилидаги таржималарини қараб чиқсак. Асарнинг бош қаҳрамони Фабрицио дель Донго. У иезуитлардан ўрганган дин қоидаларига жиддий қарар ва уларга амал қилар эди. Фабриционинг онаси ҳам жуда ҳудожўй аёл эди:

«Une autre particularite qui l'etonna presque autant, c'est que Fabrice avait pres au sercieux toutes les choses religieuses qu'on lui avait enseignees chez les jesuites. Quoidue fort pieuse elle-meme, le fanatisme de cet enfant la fit fremir» (Stendhal,

La Chartreuse de Parme. Roman. 1839 p 17, Paris).

Бу русча таржимада қуйидагича берилган:

“Почти так же сильно удивило ее и другая особенность Фабрицио: он черезвычайно серьезно относился ко всем правилам религии, преподаанным ему иезуитами. Маркиза и сама была весьма благочестива, но фанатическая набожность мальчика испугала ее” (Стендаль. Пармская обитель. Роман. Перевод с французского Н.Н.Немчиновой. Ташкент, “Ўзбекистан”. 1982 г. стр 16).

Худди шу фикрларни Х. Тўрабеков таржимасида кўриб чиқайлик:

“Шунингдек Фабриционинг яна бир хусусияти уни қаттиқ ҳайратга солди: бола иезуитлардан ўтган барча дин қоидаларига ниҳоятда жиддий қарарди. Маркизанинг ўзи ҳам анчайин тақводор бўлса ҳам, боланинг мутассибона ҳудожўйлиги уни қўрқитиб юборди” (Стендаль. Парма ибодатхонаси (роман). Русчадан Х.Тўрабеков таржимаси. Т.: Медицина, 1990. 19-бет).

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, асар рус тилига ҳам, ўзбек тилига ҳам маҳорат билан таржима қилинган. Агар бизнинг қаршимизда асарнинг восита тилдаги таржимаси бўлмаса, биз Хасан Тўрабеков асарни тўғридан-тўғри француз тилидан таржима қилган деб ўйлаган бўлардик. Асарнинг ўзбекча матнида бундай мисоллар жуда кўп.

Яна бир мисол:

“Il se jeta a genoux, et remercia Dieu avec effusion de la protection evidente dont il etait entoure depuis qu'il eu le malheur de tuer Giletti” (Stendhal. La Chartreuse de Parme. Roman. 1839. p-214).

Русча таржимада эса:

“Он бросился на колени и горяча возблагодарил бога за явное покровительство, соупствование ему с той минуты, как он, беду свою, убил Джилетти” (Стендаль. Пармская обитель. стр. 186).

Ўзбекчада эса қуйидагича ўтирилган:

“У дарҳол тиз чўкди-да, фалокат босиб Жилеттини ўлдириб қўйган дақиқадан бошлаб уни ўз паноҳида сақлаб келаётган ҳудоба шукрона айта бошлади” (Стендаль. Парма ибодатхонаси. 169-бет).

Хулоса қилиб айтганда, университетлар ва институтларда талабаларга чет эл адабиёти тарихини ўқитадиган ўқитувчи нафақат ўрганилаётган асар ёзилган тилни, балки ўз она тилини ҳам мукамал билиши, таржималардаги муваффақиятли ўринларни ва йўл қўйилган камчиликларни талабаларга тушунтира билиши керак. Мана шундагина асар иштиёқ билан ўқилади.

**ЭЛИМ ДЕБ, КЮТИМ ДЕБ
ЕНИБ ЯШАШКЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг
“Камолот” жамғармаси

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Алланазар АБДИЕВ

Ўрол АБИЛОВ

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

Низомиддин МАҲМУДОВ

Аҳмад ОТАБОЕВ

Йўлдош СУЛАЙМОН

Аҳмад УСМОНОВ

Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

Каҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Бош муҳаррир

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Одил ЁҚУБОВ

Абдул Фани ЖУМА

Абдусаид КЎЧИМОВ

Тўхтамурод РУСТАМ

Вафо ФАЙЗУЛЛО

Йўлдош ЭШБЕК

Муҳаммад ЮСУФ

Собир ЎНАР

Ғаффор ҲОТАМОВ

Шодикул ҲАМРОЕВ

Луқмон БЎРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали 1982 йилдан чиқа бошлаган.

© “Ёшлик” № 1 (177) 2001 й.

Ушбу сон “Ёшлик” журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТЎЛАГАНОВА

Муқовамизда:1-бет. 2001 — *Оналар ва болалар йили.*

2-4-бетлар. 3-4 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган эркин ва юнон-рим кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» бешинчи халқаро турниридан лавҳалар.

(А. ЖУМАЕВ фотолари)

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА**НАВОИЙНОМА**

Ҳабибулло ЖЎРАЕВ. Назм... шеър эмасми.....1

ОГОҲЛИК

Шукритдин ПАХРУТДИНОВ. Хатолардан эмас, тажрибалардан ўрганайлик.....2

НАЗМ

Юсуф ЖУМАЕВ. Сендан айрилмасин қисматим мени.....4

Мўмин АВАЗ. Бу дунёдан кўнглим тўқ.....5

Хосият РУСТАМОВА. Ҳайратда яшади болалик чоғим.....8

НУРУЛЛОҲ. Фанодан бақога йўл бор.....46

НАСР

Меҳринисо ҚУРБОНОВА. Эсдалик учун севги. Ҳикоя.....6

Кўчқор НОРҚОБИЛ. Кулиб тур, азизим. Роман.....10

Саломат ВАФО. Элат. Ҳикоя.....34

Наргиза ҒУЛОМОВА. Ёмғир кўшиғи. Ҳикоя.....41

БУГУНГИ ЁШЛАР

Санжар СОДИҚ. Ўқувчи китоб ёзди.....38

КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Умрзоқ ЖЎРАҚУЛ. Жайдари фалсафа.....39

ТАРЖИМА САНЪАТИ

Раҳима ШИРИНОВА. Ўзбекчада ёзилгандек.....47

ТАРИХ

Маҳаммаджон АБДУРАҲМОНОВ. Валидий Тўғон - Туркистон тарихи тадқиқотчиси.....44

БЕВАҚТ СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР

Тилак ЖЎРА. Шафақлар қон йиғлар ҳали ҳам.....33

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй, Телефон: 133-40-83

Босишга 02. 03. 2001 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0. Индекс 822 ISSN 0207-9137 Буюртма № 52

Журналдан кўчириб босилганда “Ёшлик” дан олинди деб изоҳланиши шарт.

“Янги аср авлоди” нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-тол кўчаси, 60-уй.